

Р. А. Қаратабанов, Г. А. Қуанишева,
Ж. Р. Байметова, К.М. Джаналеева

8

География

8-СИНФ
2-ҚИСМ



Навигатор

-  – Географик ахборот манбалари билан ишлаш
-  – Моделлаштириш
-  – Тадқиқот
-  – Кўргазмалаштириш
-  – Географик номенклатура
-  – Хариталар билан ишлаш
-  – Натижаларни баҳолаш
-  – Дафтарда ишлаш
-  – Юқори муркабликдаги топшириқ
1,2...

Қаратабанов Р.А. ва бошқалар

География. Умумий таълим берувчи мактабларнинг 8-синф ўқувчилар учун. 2-қисм. / Р.А. Қаратабанов, Г.А. Қуанишева, Ж.Р.Байметова, К.М. Джаналеева. Алматы: Алматикитоб нашриёти, 2018.-276 бет., сур.

Ҳурматли ўқувчи!

Сизни географик билимлар дунёси билан танишишни давом эттириш кутмоқда.

“Табиий-ҳудудий комплекслар” бўлими бўйича сиз географик қобиқнинг ривожланиши ва фаолият юритишида, зоналашиш, секторлашиш, баландлик митнақаланиши, зоналашишга бўйсунмаслик, моддалар айланиши, ритмиклик, яхлитлик каби қонуниятлари ажралиб туради. Маълум ҳаракатлар антропоген ландшафтларни ўрганишга ва маълум экологик муаммоларни ечимини топишга йўналтирилади. Уларнинг ечилиши бутун инсониятнинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

“Аҳоли географияси” бўлими дарслари Ер ва Қозоғистон аҳолиси, демографик ҳисоб-ки-тоблар ва муаммолар, уларни ечиш усуллари тўғрисида билимларни шакллантиришга йўналтирилган. Сиз, демографик вазиятни баҳолашни, ҳудудлар демографик ривожланишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлашни, аҳолининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича ўз моделларингизни таклиф этишни ўрганасиз.

“Табиий ресурслар” ва “Ижтимоий-иқтисодий ресурслар” бўлиmlари дарсларида табиий ресурсларни иқтисодий ва экологик баҳолашни, ҳудудларнинг ва дунё мамлакатларининг табиий-ресурслари потенциалини баҳолашни амалга оширасиз. Уларнинг муҳим кўрсаткичлари бўлиб таркиби, миқдори ва сифати ҳисобланади. Табиий ресурслар мамлакатлар ўртасида бир маромда тақсимланмаган, шу сабабли ҳар бир давлат улардан оқилона фойдаланишга интилиши зарур. Табиий ресурсларни қайта ишлаш усуллари ва улардан турли маҳсулотлар олиниши усуллари билиб олиш сизга қизиқарли бўлади деб ўйлаймиз.

Бўлим сизга, товарлар ва хизматлар, пуллар, қимматли қоғозлар, ишчи кучи ҳаракати қандай тартибда таъминланишини тушуниб олишингизга ёрдам беради. Бу билан иқтисодий инфратузилма шўғулланади. Унинг таркибини ва ҳар бир элементини дарсларда ўрганиб чиқингиз лозим бўлади.

“Дунё хўжалигининг тармоқ ва ҳудудий тузилмаси” бўлими дарсларида сизда иқтисодиётнинг тоғ-кон ва қайта ишлаш соҳалари, хизмат кўрсатиш соҳаси тўғрисида билимлар шаклланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкиллаштиришнинг ихтисослаштириш, кооперациялаш ва комбинациялаш шакллари турли хўжалик соҳаларида маҳсулотларни ишлаб чиқариш хусусиятларини тушунишга имкон беради. Сиз фабрика, завод ва комбинат ўртасидаги фарқларни, ферма ва кооперативлар тўғрисида, уларни ҳар бирини жойлаштириш омиллари тўғрисида билиб оласиз. Сиз учун, дунё хўжалиги соҳаларини режа асосида таърифлашни ўрганиш фойдали бўлади.

“Сиёсий география асослари билан мамлакатлар географияси” бўлимида сиз жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкиллаштириш хусусиятлари билан, маконда сиёсий кучларнинг минтақавий бирлашиши билан танишасиз. Дунё сиёсий харитаси объектларининг хилма-хиллиги, унинг динамикаси доимо ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Дунё сиёсий харитаси динамикаси миқдорий ва сифат ўзгаришларда намоён бўлади. Улар ўзаро боғлиқдир.

Ички ва ташқи сиёсатни самарали олиб бориш мақсадида дунё мамлакатларининг сиёсий-географик ҳолати таҳлил қилинади. Сиз ушбу кўникмага эга бўласиз. Кўпчилик давлатлар ўзининг барқарорлиги учун зарур бўлган ички ва ташқи сиёсатни олиб боради, бошқа мамлакатлар билан алоқаларни таъминлайди, турли давлатлараро уюшмаларни ташкил этади. Сизни дунё мамлакатларининг ушбу фаолияти мақсадлари ва усуллари билиб олиш кутмоқда.

Сиз, Қозоғистон Республикаси дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлишга ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашга қандай интилаётганлигини, бунда «Мэңгiлiк ел» ғояси қандай ўрин тутаётганлигини билиб оласиз.

Географик билимлар дунёсига йўл ҳар доим ҳам онсон бўлавермайди, аммо доим қизиқарлидир, чунки ўқитиш: “Қаерда? Қандай қилиб? Нима учун?” каби саволларга жавоб топишга йўналтирилган бўлади.

Муаллифлар

МУНДАРИЖА

3-БЎЛИМ. Табиий география

3.5 Табиий-ҳудудий комплекслар

33-34-§. Географик қобиқнинг тузилмаси ва таркиби	6
35-36-§. Географик қобиқнинг қонуниятлари	12
37-§. <i>Менинг географик ютуқларим</i>	18
<i>3.5 бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот</i>	19

4-БЎЛИМ. Ижтимоий география

4.1. Аҳоли географияси

38-39-§. Аҳолини рўйхатга олиш	20
40-41-§. Аҳолини кўпайиши турлари	26
42-43-§. Демографик кўрсаткичлар ва демографик вазият	33
44-45-§. Демографик муаммолар	41
46-47-§. Демографик сиёсат	47
48-§. <i>Менинг географик ютуқларим</i>	51
<i>4.1 бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот</i>	53

5-БЎЛИМ. Иқтисодий география

5.1. Табиий ресурслар

49-50-§. Табиий ресурсларнинг иқтисодий ва экологик баҳолаш.....	54
51-§. Дунё минтақаларининг табиий-ресурс потенциали	59
52-§. Табиий ресурсларни қайта ишлаш марказлари ва технологиялари, тайёр маҳсулот турлари.....	66

5.2. Ижтимоий-иқтисодий ресурслар

53-§. Иқтисодий инфратузилма элементлари ва функциялари	72
54-§. <i>Менинг географик ютуқларим</i>	76
<i>5.1 ва 5.2 бўлимлар бўйича умумлаштирувчи Маълумот</i>	78

5.3. Дунё хўжалигининг тармоқ ва ҳудудий тузилмаси	
55-56-§. Дунё хўжалигининг тармоқ таркиби:	
тоғ-кон, қайта ишлаш тармоқлари,	
хизмат кўрсатиш соҳаси	79
57-§. Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши	
ва хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш шакллари	84
58-59-§. Қишлоқ хўжалигини, саноатни ва	
хизмат кўрсатиш соҳасини жойлаштириш омиллари	89
60-§. Дунё хўжалиги тармоқлари тавсифи .	94
61-§. <i>Менинг географик ютуқларим</i>	101
5.3 бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот	102

6- БЎЛИМ. Сиёсий география асослари билан мамлакатлар географияси

6.1. Дунё мамлакатлари

62-§. Мамлакатларнинг сиёсий турланиши.	
Дунё сиёсий харитаси	103
63-§. Дунё сиёсий харитасида миқдорий ва	
сифат ўзгаришлари	111
64-§. Дунё мамлакатларининг сиёсий-географик ҳолати	117
65-66-§. Сиёсий интеграция	121
67-§. <i>Менинг географик ютуқларим</i>	127
68-§. <i>Менинг географик йилим</i>	128
6-бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот	129
Глоссарий	130

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ

3.5 Табiiй-ҳудудий комплекслар

33–34

Географик қобикнинг тузилмаси ва таркиби

Даре мақсади:

- Географик қобикнинг таркиби ва тузилмасини тушунтириш ва график шаклда ифодалаш

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Географик қобик нимадан ташкил топган;
- Географик қобик чегаралари.

АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР
ГЕОГРАФИК ҚОБИҚ

ТАБИЙ
КОМПЛЕКСЛАР


ЛАНДШАФТЛАРАКВАЛ
КОМПЛЕКСЛАР

Географик қобикнинг тузилмаси. Географик қобик – Ернинг қобиги бўлиб, унинг чегарасида атмосферанинг пастки қатламлари, литосферанинг юқори қатламлари, гидросфера ва биосфера тўлиқ бир-бирига киришиб, яқиндан ўзаро таъсирлашишади (1-расм).

Ерда ҳаёт кечроқ пайдо бўлган, шунинг учун бошида географик қобик учта қатлам ташкил этган: гидросфера, атмосфера ва литосфера.

Бугунги кунда у “озон экранига”, яъни 25 км баландликкача ястанган. Гидросфера географик қобикқа тўлиғича киради, географик қобикнинг пастки чегарасини Мохоровичич бўлими, яъни астеносфера бўйича ўтказишади (1-расм).

Географик қобик тўғрисида, алоҳида табiiй шакл сифатидаги тасаввурлар XX аср бошларида А.А. Григорьев ва С.В. Калесник томонидан ифодалаб берилган.



1-расм. Географик қобик чегаралари

1) Географик қобик хусусиятларини кўриб чиқамиз:

2) Таркибининг мураккаблиги ва моддалар ҳолатининг хилма-хиллиги;

3) Барча табиий-географик жараёнларнинг қуёш ва ички энергия ҳисобига кечиши;

4) Унга келаётган барча турдаги энергияларнинг трансформацияси ва қисман консервацияланиши;

Инсон ҳаёти мужассамлиги ва жамиятининг мавжудлиги;

Моддаларнинг уч агрегат ҳолатда учраши.

Тропосфера, ер қобиғи, гидросфера, биосфера – булар географик қобикнинг таркибий қисмлари бўлиб, уларда мавжуд модда – унинг компонентлари ҳисобланади.

Географик қобикнинг компонентлари – бу тоғ жинслари, сув, ҳаво, ўсимликлар, жониворлар ва тупроқ. Улар физик ҳолатига (қаттиқ, суюқ, газсимон), ташкиллашиш даражасига (жонсиз, жонли, биокост), кимёвий таркибига, фаоллигига (инерт – жинслар, тупроқ, мобил – сув, ҳаво, фаол – жонли жисм) кўра фарқланади.




1. Географик қобик хусусиятларининг ер юзасида намоён бўлишига мисоллар келтиринг. Натижаларни жадвал кўринишида расмийлаштиринг.

Географик қобикнинг хос хусусиятлари	Мисоллар
Таркибининг мураккаблиги ва моддалар ҳолатининг хилма-хиллиги;	
Барча табиий-географик жараёнларнинг қуёш ва ички энергия ҳисобига кечиши	
Унга келаётган барча турдаги энергияларнинг трансформацияси ва қисман консервацияланиши	
Инсон ҳаёти тўпланганлиги ва жамиятининг мавжудлиги	
Моддаларнинг уч агрегат ҳолатда учраши	



2. Географик қобик таркибий қисмларининг барча компонентларини “радиал рўйхат” диаграммасида санаб беринг. Чапдаги катта айланага географик қобикнинг таркибий қисми номини ёзинг, ўртача айланаларга – аҳамиятли компонентларни (моддаларни), “матн” иловасига – уларнинг физик ҳолати хусусиятларини, ташкилланиши даражасини, фаоллиги тавсифини киритинг.



“Географик эстафета” геомашқ. Ҳар бир иштирокчи бирорта географик объект, ҳодиса ёки жараён тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Бошқалар ушбу ахборотни такрорламаслиги лозим.

Ландшафтлар ва табиий комплекслар тўғрисида тушунча. Географик қобик ҳамма жойда ҳам бир хил эмас ва алоҳида табиий комплекслардан (ландшафтлардан) иборат.

Табиий комплекс – бир хил табиий шароитларга: иқлимга, рельефга, тупроқларга, сувларга, ўсимлик ва жониворлар дунёсига эга бўлган ер сатҳининг бир қисми. Ҳар бир шундай комплекс қўшни комплекслардан географик чегаралар билан ажратилган.

Энг катта географик комплекс – **географик қобикдир**. Табиий комплексларга шунингдек қитъа ва океанлар, табиий зоналар киради. Унча катта бўлмаган табиий комплекслар алоҳида қирлар, уларнинг ён бағрлари, дарё водийлари ва уларнинг алоҳида қисмларидан (ўзани, денгизга қуйилиш жойлари ва улардан олдинги терассалардан) иборат бўлади. Табиий комплекс қанча кичик бўлса шунча унинг чегарасидаги табиий шароитлар бир хилроқ бўлади. Шундай қилиб, бутун географик қобик мураккаб, қурама тузулишга эга бўлиб, у турли хил даражадаги табиий комплекслардан иборат. Қуруқликда ташкил топган табиий комплекслар **минтақавий** деб аталади, оакендаги ёки бошқа сув ҳавзасидагилар эса - **аквал** деб аталади.

Ландшафт – бу бир турдаги аниқ бир ҳудудни эгаллаган, ягона геологик фундаментга, бир турдаги рельефга, умумий иқлимга, тупроқ ва биоценозларнинг бир хил гидротермик шароитларга эга бўлган табиий комплекс. Ландшафт мураккаб тузилмага эга ва пастроқ даражадаги табиий-ҳудудий комплексларни: жой-табиий чегара-фацияни ўз ичига олади. Ландшафтнинг энг содда элементи бўлиб *фация* ҳисобланади. У табиий шароитларининг бир хиллиги билан ажралиб турали. Унинг чегараларида ер сатҳлари жинсларнинг бир хил тақиб, намланиш шароитлари, тупроқлар ва битта ўсимлик ассоциацияси сақланиб туради. Бу жарликнинг туби, қуриб қолган ўзан, ўзан олди уюми, тоғ ён бағрининг қисми ёки кичик дарёнинг водийси бўлиши мумкин. Табиий чегара бир неча фациялардан (чуқур жарлик, жарлик, сой водийси, қайир, терасадан) иборат бўлади. Бир қанча табиий чегаралар *жойни* шакллантиради.

Табиий-ҳудудий комплексларга(ландшафтларга) вақт давомида ўзгариб туриш хосдир. Ҳаммадан кўп унга инсон фаолияти таъсир кўрсатади. Охириги пайтларда (Ернинг ривожланиши доирасида) сайёрамизда инсон томонидан яратилган комплекслар – **антропо**

ген (грек. *Anthropos*- одам, *genes* – туғилиш) ландшафтлар вужуд-га келмоқда (2-расм)

Ўзгариши даражасига қараб улар қуйидагича фарқланади:

- *Кам ўзгартирилган* – ов ўрмонзорлари;
- *Ўзгартирилган* – экинзорлар, майда аҳоли турар жойлари;
- *Қаттиқ ўзгартирилганлари* – фойдал қазилмаларнинг йирик конлари, йирик экинзорлар, ўрмонларнинг кесилган жойлари;
- *Яхшиланганлари* – санитар тозаланган ўмонлар, парк зоналари, йирик шаҳарлар аторофидаги “яшил зоналар”.

Инсоннинг ландшафтларга таъсири бугунги кунда муҳим табиатни шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Албатта, асримизда инсон фаолияти табиатни ўзгартирмай қололмайди, бироқ, ландшафтларнинг ўзгартирилиши табиий-ҳудудий комплексларнинг барча компонентларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб амалга оширилиши зарурлигини эсдан чиқармаслик керак. Фақат шундагина табиий мувозанатни бузилишдан сақлаб қолиш мумкин.



Ов ўрмони



экинзор



Ўрмон кесилиши



парк зонаси

2-расм. Антропоген ландшафтлар



1. “Иерархия” схемасида ўз турар жойингиз табиий ландшафтларидан бирининг тузилмасини кўрсатинг. Ландшафтнинг ҳар бир компоненти маҳаллий номланишини ёзиб чиқинг. Нима учун ушбу жойлар ландшафт, жой, табиий чегара ва фация ҳисобланади?
2. Ўз жойингиз фацияларидан бирининг, табиий чегарадан, жойдан, ландшафтан то географик қобик даражасигача бўлган, юқори даражадаги табиий комплексларга киритилганлигини типологик ёндашиш орқали кўрсатувчи схемани тузинг.
3. Ўз жойингиз ландшафтларини уларнинг антропоген фаолият натижасида ўзгартирилганлиги даражасига қараб классификацияланг. Натижаларини жадвалда кўрсатинг.



Ўзгариш даражаси	Жойнинг мааллий номланиши	Ўзгариш сабаби
Табиий		
Кам ўзгартирилган		
Ўзгартирилган		
Қаттиқ ўзгартирилган		
Яхшиланган		

Геофакт. Ёғингарчилик миқдори ёғингарчилик натижасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган ва улар буғланмаган, ерга сингмаган ва оқиб кетмаган тақдирда ҳосил бўлиши мумкин бўлган сув қатламининг миллиметрдаги ўлчами орқали ифодаланади. Миқдоран 1 мм ёғингарчилик – бу 1 м² ер сатҳига ёғадиган 1 кг сув дегани.

← **Фикрингизни жамланг**



1. Географик қобик нима? Унинг пастки ва юқори чегаралари қаердан ўтади? Унинг километрлардаги кенглигини ва метрлардаги бландлигини тахмин қилинг, ўз жавобингизни асосланг.

1. Географик қобиқнинг вертикал ва горизонтал ҳар-хиллиги нимада намоён бўлади?
2. “Географик қобиқ”, “географик муҳит” ва “биосфера” тушунчалари орасидаги фарқни аниқланг. Натижаларини “Эйлер доираларида” акс эттиринг.
3. Қўшимча манбалар ёрдамида географик қобиқнинг хусусиятлари ва функцияларини биосфера хусусиятлари ва функциялари билан солиштиринг. Ўхшашлик ва фарқларини аниқланг. Уларни тушунтиринг. Уларни исталган график шаклда ифодаланг ва изоҳлаб беринг.
4. Агар Ерда биосфера бўлмаганда географик қобиқ бўлармиди? Агар Ерда географик қобиқ бўлмаганда, биосфера бўлармиди?
5. Қозоғистонда кузатилаётган табиий мувозанатнинг бузилиши ер шарининг турли қисмларига қандай таъсир этиши мумкин.
6. Ер шарининг турли қисмларида кузатилаётган табиий мувозанатнинг бузилишлари Қозоғистон ҳудудида қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?



Дарс мақсади:

- Географик қобикнинг қонуниятлари аҳамиятини тушунтириши.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Қонуният нима;;
- Географик қобикнинг асосий қонуниятлари;
- Ер юзасида географик қобикнинг қонуниятлари нимада намоён бўлади.

ГЕОГРАФИК ҚОБИҚ	МОДДАЛАР	АЗОНАЛЛИК
БАЛАНДЛИК МИНТАҚАЛАНИШИ	АЙЛАНИШИ	БИР БУТУНЛИК
СЕКТОРЛАНИШ	РИТМИКЛИК	ЗОНАЛЛИК
		ЗОНАЛАНИШ

Географик қобикнинг умумий қонуниятлари. Географик қобик фаолият юритилишининг умумий қонуниятлари географик қатламларнинг (литосфера, атмосфера, гидросфера ва ҳ.к.) ўзаро киришиши ва таъсирлашиши оқибати ҳисобланади. Қонуниятларни билиш Ернинг алоҳида майдонларининг ҳудудий хусусиятларини, табиатининг, аҳолининг, хўжаликнинг ташкилланишини тушунишга имкон беради. Умумий географик қонуниятларга *зоналлик ва азоналлик, географик қобикнинг яхлитлиги, моддалар айланиши, табиий ҳодисаларнинг ритмиклиги* киради.

Истисноларга эга бўлган қонун **қонуният** деб аталади.

Географик зоналлик географик минтақаларнинг экватордан то қутбларгача одатий алмашилиши ва ушбу минтақалар чегарасида географик зоналарнинг тақсимланишида намоён бўлади.

Географик қобикнинг энг катта кенглик-минтақавий бирлиги бўлиб, радиацион мувозанат ва атмосферанинг айланиши билан ажратиладиган географик минтақа ҳисобланади. Минтақа доирасида иқлимнинг нисбатан бир хиллиги хос бўлиб, бу табиатнинг бошқа компонентларида (тупроқ, ўсимликлар ва жониворлар дунёси ва б.) ҳам ўз аксини топади.

Ер юзи қуйидаги географик минтақаларга ажратилади: экваториал, иккита субэкваториал, иккита тропик, иккита субтропик, иккита мўтадил, иккита субқутбий, арктик ва антарктик – жами 13 та. Географик минтақалар тўғри халқасимон шаклга эга бўлмайди, улар океанлар ва қитъалар, денгиз оқимлари, рельеф таъсири остида кенгайиб, торайиб, эгилган бўлади. Географик зоналар чегаралари камдан-кам параллеллар чегараларига мос келади.

Географик минтақалар географик (табий) зоналарга бўлинади. Уларнинг ажраилиши Ер юзасида иссиқлик ва намликнинг бир текисда тақсимланмаслиги билан боғлиқ. Улар кўпинча кенгликлар йўналишида чўзилган (Евросиё), бироқ рельеф таъсирида меридианал йўналишга ҳам эга бўлиши мумкин (Жанубий Америка).

1956 йилда географ-олимлар А.А. Григорьев ва М.И. Будико *географик зоналашиш тўғрисидаги қонунни* яратишди. Унинг моҳияти шундаки, ҳар бир минтақада бошқа минтақадагига ўхшаш зоналар мавжуд. Бу ушбу зоналарда иссиқлик ва намлик нисбати бир хил бўлганлиги билан боғлиқ. Айтиб ўтиш жоизки, иссиқлик ва намлик турлича бўлиши мумкин, лекин нисбат (бир кўрсаткични бошқасига нисбати) бир хил кўрсаткичга эга. Масалан, икки хонали хонадонда иккита одам яшайди, бир хонали хонадонда эса 1 киши, бироқ иккала ҳолатда ҳам яшовчилар сони ва хоналар сони нисбати 1 га тенг.

Иссиқлик ва намгарчилик нисбатини аниқлаш учун r қуруқлик радиацион индексини ҳисоблаш формуласидан фойдаланилади:

$$r = R / Lx$$

Бунда R – ястанувчи юзанинг йиллик радиацион баланси (ккал/см²), x – ёгингарчиликнинг йиллик миқдори, L – буғланишнинг яширин иссиқлиги.

Буғланишнинг яширин иссиқлиги L – бу 1 кг сувни буғга айлантириш учун зарур бўладиган энергия миқдори бўлиб, у сув учун 0°C ҳароратда **597 ккал/кг** ёки **2258,6 кДж/кг** га тенг.

Масалан, Африканинг экваториал минтақасида йиллик радиацион баланс R 80 ккал/см² га, йиллий ёгингарчилик миқдори x – 2000 мм, буғланишнинг яширин иссиқлиги L -597 ккал/кг (сувнинг 0°C ҳароратдаги доимий ҳарорати). Ушбу қийматларни ҳисоб-китобларни ўтказиш учун формулага қўямиз. Радиацион баланс см² кўрсаткичида ёгингарчиликлар эса – м² ифодаланганлиги сабабли, охиригини см² га айлантириб олишимиз лозим. 1 м²-10000 см². Шу сабабли 2000/10000=0,2.


$$\frac{80}{(597 \times 0,2)} = 0,67$$

Қуруқлик радиацион индекси бир йиллик ёғингарчилик миқдорини буглатиш учун қанча иссиқлик керак бўлишини кўрсатади.

Қуруқлик радиацион индекси 1 дан кам бўлган жойларда (керагидан ортиқ намланиш) ўрмонларнинг нам зоналари, ўрмон тундралар ва тундралар, индекс 1 дан юқори бўлганда (етарли бўлмаган намланиш), - даштларнинг қуруқ зоналари, ярим чўл ва чўллар, 1 га яқин индекс кўрсаткичларида (оптимал намланиш) – ўрмон-даштларнинг, баргли ва ёруғ ўрмонларнинг ва нам саванналарнинг зоналари ва зона остилари ҳукмронлик қилади (3-расм).

Тадқиқотлар кўрсатдики, индекснинг кўрсаткичи 1 га қанча яқин бўлса, шунча ҳудуднинг ўсимликлари хилма-хиллиги ва биомахсулдорлиги катта бўлади.

Агарда иккита турли ҳудуд турли иқлимий минтақада бир хил индексга эга бўлса, йиллик радиацион баланс катта бўлган зонада ўсимликлар хилма-хиллиги юқорироқ бўлади. Масалан, ўрмон-даштлар ва саванналар бирхил қуруқлик индексига эга, бироқ саванналар табиати хилма-хилроқ, чунки у ерда иссиқлик кўпроқ.



3-расм. Географик зоналилиқнинг даврий қонуни модели (айланалар диаметри ландшафтларнинг биологик маҳсулдорлигига пропорционал)



1. Йиллик радиацион баланс ва йиллик ёғингарчиликлар картасидан фойдаланиб 3-расмда келтирилган ҳар бир табиий зона учун қуруқлик радиацион индексни ҳисоблаб чиқинг.
2. Ўз ҳудудингиз учун қуруқлик радиацион индексини ҳисобланг.

Секторланиш. Материкларда океан олди ва қуруқлик ичи намла-нишларидаги фарқлар секторланишнинг шаклланишига олиб келади. **Секторланиш** – бу ўсимликлар ҳамжамиятларининг, тупроқ турларининг, рельефни шакллантирувчи жараёнларнинг қитъа ичкарасига кириб борган сари қонуний ўзгариб бориши. Мўътадил минтақада, ғарбдан шарққа материк ичкарасига кириб боришда океанлар таъсири камайиб боради, арктик ёки тропик ҳаво массалари таъсири кучаяди, намлик коэффициенти пасаяди. Буларнинг ҳаммаси бир табиий минтақада турли табиий зоналар (кенг баргли ўрмонлар, аралаш ўрмонлар, тайга, ўрмондашт, дашт, ярим чўл, чўл)шаклланишига олиб келади.



Картосхемада Евросиё мўътадил минтақасидаги секторларни кўрсатинг ва уларнинг шаклланишини тушунтиринг.



Тоғларда баландлик минтақалар ўрнатилган. **Баландлик минтақалар** – тоғларда пастдан тепага кўтарилганда табиий шароитлар ва табиий комплексларнинг қонуний алмашиниши.

Баландлик минтақалар юқорига кўтарилганда иқлимий кўрсаткичларнинг алмашиниши билан боғлиқ. Баландлик минтақалар шунингдек тоғ ёнбағирларининг экспозицияси ва қиялиги, денгиз ва океанлардан узоқлашганлиги, географик кенглиги таъсир кўрсатади. Баландлик минтақалари пастдан юқорига кўтарилишдаги алмашиниши кетма-кетлиги ушбу тоғ турган жойдан шимолга қараб ҳаракатлангандаги кенглик зоналарининг алмашинишига яқин бўлади. Аммо ушбу мосликдан четга чиқишлар ҳам учраб туради. Масалан, альп яйловлари ва баланд тоғ чўллари каби баландлик минтақаларига кенглик зоналарида ўхшашлари мавжуд эмас.

Зоналик билан бирга **азоналикни** ҳам ажратишади. У, қайсидир географик ҳодисанинг зоналик қонунига бўйсунмаслигини англатади. Азоналикнинг келиб чиқишига асосий сабаблар геологик тузилма, тектоник хоссалар, рельеф табиати ва ҳ.к. ҳисобланади. Азоналик тоғларда ва тоғ олди ҳудудларда кўпроқ ва ёрқинроқ намоён бўлади.



Тоғ тизимларининг табиати азоналик бўлиб ва ўзи жойлашган табиий зонанинг хусусиятларини акс эттирмайди. Бироқ тоғларда географик зоналик қонунияти қандай намоён бўлади?

“Географик шиор” геомашқ. Ҳар бир жуфтлик олдиндан аниқланган географик объект, ҳодиса ёки жараён “реклама” қилиш учун ўзининг шиорини таклиф этиши керак.

Географик қобикнинг **яхлитлиги** қонуниятлари муҳим географик қонуниятлардан ҳисобланади. Унинг мазмуни шундаки, табиий жараёнлар, ҳодисалар ва компонентлар (сув, ўсимликлар, тупроқ ва ҳ.к.) яқин ўзаро алоқада бўлиб, уларнинг бирини ўзгариши бошқасининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, ботқоқлик қурилгандан кейин ер ости сувлари сатҳи нафақат ботқоқнинг ўзида, балки унинг атрофидаги майдонларда ҳам пасаяди. Натижада тупроқ, ўсимликларнинг турлари таркиби ўзгаради, қияликлардаги эрозион жараёнлар фаоллашади, микроиқлим ўзгаради ва ҳ.к.

Глобал ўзгаришларга бошқа мисол – қоплама музликларнинг эриши дунё океани сатҳининг кўтарилишига олиб келади, бу ҳодиса эса дарёларнинг иши ортишига ва ўз навбатида материклардаги ўзгаришларга олиб келади.

Кўпинча моддалар айланиши энергия айланиши билан бирга кечади (масалан, сув буғининг конденсацияланганида иссиқлик ажралиши ва буғланиш пайтида иссиқликни ютилиши).



Табиат компонентларнинг бирининг ўзгариши бошқасининг ўзгаришига олиб келадиган ҳолатларга камида учта мисол келтиринг.

Моддалар айланиши географик қонуниятининг мазмуни шундаки, барча табиий комплексларга моддалар билан алмашилиш хусусияти хосдир. Мисол бўлиб ўсимликнинг ўсиши ва нобуд бўлиши жараёнида унинг тупроқ билан орасида кимёвий моддаларнинг айланиши, атмосферадаги ҳаво массаларининг айланиши (экватор ва тропиклар ўртасида) ва ҳ.к. Сувнинг табиатдаги айланишига мисол – океанлардан буғланган сув ҳаво оқимлари билан қуруқликка олиб келинади, ёғингарчилик кўринишида ерга тушади ва яна дерё, ер ости сувлари орқали океанга қайтади – шу тариқа сувнинг табиатдаги айланиши узлуксизлиги таъминланади. Моддалар айланиши – жуда муҳим қонуният, чунки унинг оқибатида жонли ва жонсиз табиат бирдамлиги таъминланади, ҳаёт мавжуд бўлади, озуқа маҳсулотлари пайдо бўлади ва ҳ.к.



Айланишларнинг бирининг график моделини тузинг ва бутун синфга тушунтириб беринг.

Табиий жараёнларнинг **ритмиклик** уларнинг сутка (кун ва тун алмашиши), йил – (фасллар алмашиши) давомида қайтарилиб туришидан иборат. Бунга табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳам киради. Шунингдек иқлим, ер юзи ва ер ости сувлари ўзгаришларининг глобал қонуниятлари ҳам ўрнатилган.

Суткалик ритмиклик Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши билан боғлиқ. Суткалик ритмиклик температура, босим ва ҳаво намлиги ўзгаришида, булутланишда, кучли шамолларда; океан ва денгизлар-

да сув сатҳи кўтарилишлари ва пасайишлари ҳодисаларида, енгил шамолларнинг(бризларнинг) циркуляциясида, ўсимликларда фотосинтез жараёнларида, жониворлар ва одамларнинг сукалик биоритмларида намоён бўлади.

Йиллик ритмиклик – Ернинг Қуёш атрофида орбита бўйлаб ҳаракатланиши оқибати. Бу йил фасллари алмашиши, тупроқ ҳосил бўлиши ва тоғ жинсларининг вайрон бўлишидаги жадалликнинг ўзгариши, ўсимликларнинг ривожланишидаги ва одамнинг хўжалик фаолиятидаги мавсумий хусусиятлардир. Қизиққи, сайёрамизнинг турли ландшафтлари турлича суткалик ва йиллик ритмикликка эга. Жумладан, йиллик ритмиклик кўроқ мўтадил кенгликларда намоён бўлади, ва жуда кам миқдорда экваториал минтақада.



1. Турли географик (мисол учун иқлимий) минтақаларда яшовчи икки халқни солиштиринг. Ушбу халқларнинг табиий-иқлимий яшаш шароитларини тушунтиринг, табиий ритмикликларини (суткалик, йиллик ва бошқа) ва ушбу ритмикликларга боғлиқ равишда келиб чиққан анъаналарнинг қисқачи тавсифи билан таништиринг.



2. Қозоғистон халқининг қандай анъаналари географик қобикнинг ритмиклиги билан боғлиқ?



Геофакт. Паспортнинг қуввати унинг эгаси визасиз нечта давлатга бориши мумкинлиги билан баҳоланади. 2017 йилда паспортлар рейтингда биринчи ўринни Германия ва Сингапур эгаллади - ушбу давлат фуқаролари визасиз 150 дан ортиқ мамалакатга ташриф буюришлари мумкин. Бизнинг республикамиз Passport Index рейтингда 56 ўринни эгалади, қозоғистонликлар визасиз 69 та давлатга боришлари мумкин.



Яқун ясанг

1. Барча географик қобик қонуниятларини инфографикада акс эттиринг. Қуйидаги топшириқларга жавоб бериб инфографикани тегишли жойларини тўлдириг:

1.1. Қозоғистон ҳудуди қайси географик минтақада жойлашган? Қозоғистон ҳудуди қайси географик зоналарда жойлашган? Қозоғистон ҳудуди қайси секторларда жойлашган? Қозоғистоннинг қаерида баланглик минтақалар ва азоналик намоён бўлади?

1.2. Ўз юртингиз мисолида табиий ҳодисаларнинг ритмиклиги, моддалар ва энергия айланиши, яхлитлилик намоён бўлишига мисоллар келтиринг.

1.3. Агар географик қобик қонуниятлари қонун бўлганда, параграфда таърифланган қайси қонуниятларнинг қайси бирлари ер шарида кузатилмас эди?



№7- амалий иш



1. Геологик вақтнинг қисмини кўрсатган ҳолда матни жадвалга айлантиринг. Бунинг учун геохронологик жадвалдан ва бошқа манбалардан фойдаланинг. Нотаниш сўзларнинг маъносини қўшимча ахборот манбалари ёрдамида аниқланг. Ҳар бир вақт оралиги учун ушбу даврда ўзаро тегиб турган ва ўзаро фаолият юритган геосфераларни кўрсатинг. Қайси босқичларда сфераларнинг биттаси, иккитаси, учтаси, тўрттаси ўзаро таъсирлашган? Умумий хулосани шакллантиринг.

Географик қобиқнинг эволюцияси барча босқичларида турли жадалликдаги ва аҳамиятдаги бир қанча сайёравий жараёнлар намоён бўлган. Уларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилар:

- Базальт магманинг оқиб чиқиши ва унинг газлардан тозаланиши билан кечадиган вуқонлилик;
- Ўқ қисмида, платформаларда, бурмали жойларда марказий–океаник тоғайликлар ва рифтли зоналарга эга ҳаракатланувчи минтақаларнинг ҳосил бўлиши билан кечадиган ер қобғининг йўналтирилган эволюцияси;
- Гидросферанинг ривожланиши;
- Спрединг – океаник қобиқнинг ўсиши ва ҳаракати (ёйилиши) жараёни;
- Рельефнинг боқичма-босқич ўзгаришлари цикли: Дунё океани сатҳидан кўтарилиш – экзоген омиллар таъсирида денудация нураш(текисланиш) қобиғи билан пенеплен ташкил топиши;
- Қуёш энергияси, Ернинг равитацион ва ички энергиялари оқимида катта геологик моддалар айланиши;
- Фотоллиз – ёруғлик таъсирида модда молекулаларининг парчаланиши (масалан, сув молекулаларининг барг хлоропластларида ёруғлик таъсирида эркин кислород ҳосил қилиб парчаланиши);
- Ўсимлик қатламининг ва жониворлар дунёсининг ривожланиши, фотосинтез;
- Қуёш ва гравитацион энергиялар оқимида моддалар кичик биологик ва географик айланиши;
- Инсоннинг хўжалик фаолияти сайёравий ҳодиса сифатида.



Жуфтликда ёки гуруҳда ишлаш. Ўз яшаш ҳудудингизда бузилган ландшафтни яхшилаш лойиҳасини тузинг. Бузилган ландшафтнинг фотосуръати “гача”ни илова қилинг, яхшилланган ландшафтнинг лойиҳасини (тасвирини) бутун синфга намоёйиш қилинг. Ушбу ландшафтни қандай яхшиламоқчисиз? Сизга қандай ресурслар керак бўлади? Маҳаллий аҳоли қандай экологик, ижтимоий, иқтисодий смарага эришади? Бузилган ландшафтни яхшилланганга айлантириш иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ўзини оқлайдими? Жавобларингизни далиллар билан тасдиқланг.

3.5 бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот

“Табиий-ҳудудий комплекслар” 3.5 бўлимнинг дарслари орқали сиз билиб олдингиз:

Географик қобик – Ернинг ландшафт қобиғи бўлиб, унинг доирасида атмосферанинг пастки қатламлари, литосферанинг юқори қатламлари, гидросфера ва биосфера бутунича ўзаро бири-бирига киришиб, таъсирлашади.

Уларнинг ўзаро таъсирлашими табиий-ҳудудий комплекслар (ТХК, ландшафтлар) – маълум ҳудуддаги ўзаро боғлиқ табиий компонентларнинг жамланмаси пайдо бўлишига олиб келади.

Географик қобикнинг бош хусусияти, уни ташкил этувчи моддаларнинг ҳам таркиби, ҳам ўзининг хусусиятлари ва ҳолатлари бўйича хилма-хиллигидир. Географик қобик энергия турларининг ва уларнинг айланиши шакллариининг хилма-хиллиги билан тавсифланади. Моддаларнинг ва энергиянинг ҳаракатлари қобикнинг барча қисмларини боғлайди. Географик қобикда фазовий дифференциация яққол ифодаланган.

Географик қобикнинг ривожланиши ва фаолияти юритишида қуйидаги қонуниятлар ажратилади: *зоналлик ва азоналлик, секторланиш, баландлик минтақаланиши, моддалар айланиши, табиий ҳодисаларнинг ритмиклиги, яхлитлик.*

Географик қобикнинг инсон фаолияти билан ўзгартирилиши *антропоген ландшафтларнинг* пайдо бўлишига олиб келди. Антропоген аралашув қобикдаги табиий жараёнларнинг бузлишига ва экологик муаммоларга оиб келади. Уларнинг ечимини топиш бутун инсониятнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сиз биласиз:

- географик қобикнинг ҳолатини, тузилмасини ва хусусиятларини таҳлил қилишни;
- “радиал рўйхат” диаграммаси билан, “иерархия” схемаси билан ишлашни;
- географик қобик компонентлари асосида мавзуга оид схемаларни тузишни;
- “географик қобик”, “географик муҳит”, “биосфера” ўртасидаги фарқларни аниқлашни ва уларни “Эйлер доираларида” акс эттиришни;
- қурқликнинг радиацион индексини ҳисоблашни;
- мавзуга оид картосхемалар, график моделлар, инфографика тузишни;
- матнни жадвалга ўтказишни;
- антропоген ландшафтларнинг ҳолатини яхшилаш йўллариини таклиф этишни.

ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ

4.1. Аҳоли географияси

38–39

Аҳолини рўйхатга олиш

Даре мақсади:

- аҳоли сонини аниқлаш услубларини тушунтириш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- аҳолини ўрганиш нима учун зарур;
- аҳоли сонини рўйхатга олиш қандай амалга оширилади;
- аҳолини рўйхатга олиш қандай ва нима учун амалга оширилади.

АҲОЛИ СОНИ АҲОЛИ РИТМИКЛИК РИТМИЧНОСТЬ МОДДА АЙЛАНИШИ
ДЕМОГЕОГРАФИЯ ЯХЛИТЛИГИ СЕКТОРЛИК ЗОНАЛЛИК АЗОНАЛЛИК

Аҳолини ўрганиш зарурати. Маълум бир ҳудудда яшовчи одамларнинг жамланмаси аҳоли деб аталади. Аҳолининг ва аҳоли пунктларининг таркиби ва жойлашишини, маълум ҳудудда тарихий шаклланган демографик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўртасидаги муносабатларни демография ўрганади. Демографиянинг тадқиқот объектлари бўлиб аҳолининг жинси ва ёши таркиби, ижтимоий, профессионал тузилмаси, унинг табиий ва механик ҳаракати, бандлиги, миграцияси ва б. хизмат қилади. Ушбу барча тушунчалар бўлим дарслари давомида сиз томондан ўрганилади.

Аҳоли исталган давлатнинг базавий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Мустақиллигини, ҳудудини сақлаш, иқтисодиётини ривожлантириш учун одамлар зарур. Аҳоли ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмол қилувчи сифатида қатнашади. Ҳар қандай давлат ўз фуқароларининг турмуш сифати ортишида манфаатдор. Ушбу мақсадларда мамлакатда яшовчи одамларнинг сонини билиш зарур. Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кўп мақсадлари учун аҳолининг миллий, диний, ижтимоий, профессионал, жинсий, ёш таркибини ва ҳар бир гуруҳнинг сони тўғрисидаги маълумотлар жуда муҳим. Шу сабабли деярли барча давлатлар аҳоли сонини ҳисобини юритувчи махсус давлат органларига эга.



Оилавий, мактабдаги, жамоатдаги муҳим тадбирларда қанча одам қатнашаётганлигини билишингиз қачон ва нима учун керак бўлганлиги бўйича бир нечта мисол келтиринг.

Аҳоли сонини ҳисобини юритиш. Аҳоли сони – маълум бир ҳудудда яшовчи одамлар сони. Туғилиш, ўлим, миграция натижасида доимо ўзгариб туради ва маълум бир вақт ҳолатига ҳисобланади ва баҳоланади.

Аҳоли сонини анқлаш икки шаклда амалга оширилади: 1) рўйхатга олиш ва 2) туғилиш, ўлим, одамларнинг ҳудудга кириши ва чиқиши ҳисобини юритувчи давлат органларининг ҳисоботлари шаклида.

Аҳолини рўйхатга олиш – маълум вақт ҳолатига мамлакат аҳолисини тавсифловчи демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш жараёнларини ўз ичига оловчи умумдавлат тадбири.

Қозоғистон ҳудудида биринчи бор аҳолини рўйхатга олиш 1897 йилда, Россия империясининг Биринчи умумий аҳолини рўйхатга олиш доирасида амалга оширилган. СССР таркибида Қозоғистон ҳудуди аҳолини рўйхатга олиш билан 1920, 1926, 1937, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда қамраб олинган. Мустақил давлат сифатида Қозоғистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 1999 ва 2009 йилларда амалга оширилди. Кейингиси 2020 йилда кутилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш принциплари. Аҳолини рўйхатга олиш марказлашган ҳолда мамлакат ҳукумати томонидан маҳаллий ҳокимият органлари иштирокида амалга оширилади. Ҳар бир маҳаллий ҳокимият органига маълум бир аниқ чегараланган ҳудуд бириктирилади. Рўйхатга олиш билан истисносиз ва икки марталик ҳисобсиз барча аҳоли қамраб олинади. Аҳолини рўйхатга олиш бир вақтда, яъни маълум санъаларда ва вақт оралигида ўтказилади. Рўйхатга олиш бланкига маълумотлар ҳар бир шахс бўйича алоҳида киритилади, оила аъзолари бўйича умумлашган маълумотларни киритиш таъқиқланади. Бунда маълумотларнинг ошкор этилмаслиги таъминланади. Тўпланган шахсий маълумотлар кейинчалик фақат умумлаштирилган ҳолда ишлатилади. Рўйхатга олинган фуқароларнинг шахсий маълумотларини бошқа шахсларга бериш қатъий тақиқланади. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар мамлакатнинг географик-ҳудудий бўлинмалари бўйича ва аҳолининг асосий демографик, иқтисодий ва ижтимоий белгилар (жинси, ёши, миллати, дини, маълумоти даражаси, касби ва б.) бўйича қайта ишланади ва эълон қилинади. Асосий демографик белгиларни ҳар бир фуқаро ўзи ўрнатади. Рўйхатга олиш ягона дастур асосида оли борилади ва барча қатнашчларга бир хил саволлар берилади. Рўйхатга олиш мамлакат қонунларида ўрнатилган йиллар оралигида ўтказилади.

Аҳолини рўйхатга олиш мақсадлари. Рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг аниқ сонини, унинг таркиби, яшаш шароити, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни олиши имконини беради. У олдинги рўйхатга олишдан кейин ушбу кўрсаткичлар ўзгариши динамикасини баҳолашга имкон беради. Ушбу ахборот аҳоли сонини ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятининг асосий кўрсаткичларини яқин йилларга прогнозлаштиришга асос бўлади.

Қишлоқ, шаҳар, район, вилоят аҳоли сони ва унинг таркиби тўғрисидаги аниқ маълумотларни олади. Ушбу маълумотлар асосида аниқ муаммолар бўйича қарорлар қабул қилинади. Масалан, янги мактаб қуриш керакми? Ўсиб келаётган авлодлар ҳисобига мактабларга нечта ўқитувчи керак? Касалхона, болалар боғчаси, ва б. қуришига эҳтиёж борми.

Аҳолини рўйхатга олишда аҳолининг асосий тоифаларини ажратишади: доимий ва мавжуди.

Мавжуд аҳоли (МА) – вақтинчалик аҳолини қўшган ҳолда, рўйхатга олиш пайтида ўрганилаётган жойда мавжуд бўлган барча аҳоли.

Доимий аҳоли (ДА)- рўйхатга олинаётган жойда доимий яшовчи(6 ойдан ёки 1 йилдан кўпроқ муддат) аҳоли.

Мавжуд аҳолининг рўйхатга олиш пайтида доимий яшаш жойида бўлмаган қисми **вақтинча йўқ (ВЙ)** аҳоли деб ҳисобланади. Мавжуд аҳолининг рўйхатга олиш пайтида шу жойда яшаб турган, бироқ доимий аҳоли ҳисобланмайдиган қисми, **вақтинча яшовчилар (ВЯ)** деб аталади.

Улар орасида қуйидагича алоқа мавжуд.

$$\begin{aligned} \text{МА} &= \text{ДА} + \text{ВЯ} - \text{ВЙ} \\ \text{ДА} &= \text{МА} - \text{ВЙ} - \text{ВЯ} \\ \text{ДА} &: \text{МА} \times 100\% \end{aligned}$$

Аксарият ҳолатларда доимий аҳоли доим мавжуд аҳолидан камроқ бўлади.

Рўйхатга олишни ўтказиш услублари. Статистика органлари/хизматлари аҳолини рўйхатга олишнинг учта услубидан фойдаланади:

Сўров - рўйхатга олиш варағи рўйхатга олувчи (ҳисобчи) томонидан рўйхатга олинаётган шахс билан шахсий суҳбат давомида тўлдирилади.

Ўз-ўзини рўйхатга олиш - рўйхатга олинувчилар рўйхатга олиш варағини ўзлари тўлдиради, рўйхатга олувчи эса уни тўғри тўлдирилганлигини текшириб олади ва ўтказиб юборилган ёки тушунарсиз маълумотларни аниқлаштиради.

Аралаш (анкетали) усул – рўйхатга олинувчиларга анкеталар юборилади ва уларнинг ўзи анкеталарни тўлдириб, рўйхатга олиш бюроларига ёки статистика и дорларига юборади. Тўлдирилган анкеталар йиғиб олингач статистика хизмати уларни солиштириб чиқади ва анкеталар келмаган жойлардаги рўйхатга олинувчиларга сўровни ўтказиш учун анкеталарни юборади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури – аниқ ифодаланган саволлар рўйхати. Саволлар шундай ифодаланиши лозимки, уларни барча бир

хил тушуниши лозим. Барча саволлар рўйхатга олиш мақсадларига мос келиши керак.

Рўйхатга олиш дастурига қуйидагилар киритилар эди:

Манзил қисми (рўйхатга олинаётган шахснинг исми фамилияси, яшаш манзили);

Рўйхатга олиш дастури: а) шахсий демографик (жинси, ёши, оилавий шароити), б) ижтимоий-иқтисодий (мълумоти даражаси, касби, машғулотлари, даромад манбалари, ижтимоий ҳолати), в) этник (этник тегишлилиги, она тили, тилларни билиши, эътиқоди/динга тегишлилиги) тавсифи; г) аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ саволлар; миграция тўғрисидаги саволлар;

Бошқа ўрганишлар билан боғлиқ саволлар (масалан, яшаш шароитлари).

Рўйхатга олиш натижаларига кўра маълумотномалар, тўпламлар, мақолалар ва бошқа статистик, таҳлилий ва ахборот материаллари босиб чиқарилади.



1. Қозоғистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш Миллий дастурини ўрганиб чиқинг. Хужжатнинг қандай маълумотлари дастурнинг аҳолини рўйхатга олиш принципларига мослигини кўрсатмоқда? Ҳар бир принцип бўйича маълумотлардан мисол келтиринг.



2. Саволлар табиатига қараб Қозоғистонда 2009 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш мақсадларини аниқланг.

3. Қандай аҳоли рўйхатга олинган – доимийми ёки мавжудми? Барча жавобларингизни рўйхатга олиш дастури маълумотлар билан тасдиқланг.



4. Аҳолини рўйхатга олишнинг қандай услуби қўлланилган?

5. Рўйхатга олиш дастурида бошқа тадқиқотлар билан боғлиқ саволлар мавжудми?



6. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари асосида мамлакатнинг келгусида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши бўйича давлат томонидан қандай қарорлар қабул қилиниши мумкин?

“Суперобъект” геомашқ. Иштирокчилар уч-тўрт кишидан бир неча гуруҳга бўлинади. Жамоалар бир неча дақиқа ичида иложи бори-ча кўпроқ бирорта географик объектнинг қўлланилиши усулларини топиб ёзиб чиқишлари керак. Вақт тугагандан сўнг, жамоалар ўз вариантларини ўқиб беришади ва қайтарилган вариантлар ўчириб юборилади. Қайси гуруҳда энг кўп жавоб қолса ўша гуруҳ ғалаба қозонади.

Аҳолининг жорий ҳисобини юритиш фуқаролик ҳолатларини ёзиш ва миграция ҳаракати актлари асосида амалга оширилади. Бундай ахборот асосида мамлакат аҳолиси сони, туғилиш ва ўлимнинг nisбий кўрсаткичлари, никоҳга кириш ва чиқиш (аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари билан уйғунликда) ҳисоб – китоб қилинади, аҳоли сони ва таркиби бўйича истиқболга прогнозлар тузилади.

номер перелисного отдела	номер инструкторского участка	номер счетного участка	номер списка	номер бланка	порядковый номер домохозяйства	порядковый номер в пределах домохозяйства

ПЕРЕПИСНОЙ ЛИСТ 3С
(по одному на каждого жителя)

Утвержден приказом Агентства РК по статистике № _____ от _____ 2008 г.



Образец заполнения:

А В Б Г Д Е Ж З И Й К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ Ъ Ы Ь Э Ю Я 1 2 3 4 5 6 7 8 9 0

1 ФИО

ФАМИЛИЯ _____ ИМЯ _____ ОТЧЕСТВО _____

- 2 Отношение к лицу, записанному первым**
лицо, записанное первым жена/муж
дочь/сын мать/отец
сестра/брат родители супруга(и)
невестка/сноха/зять бабушка/дедушка
внучка/внук другая степень родства, свойства
не родственник

3 № одного из родителей по бланку 2П в пределах домохозяйства

4 Временное проживание временно проживает временно отсутствует

5 Пол мужской женский

6 Дата рождения (День-месяц-год) _____ - _____ - _____

7 Место рождения

РАЙОН ГОРОД _____ ОБЛАСТЬ _____ ГОСУДАРСТВО _____

8 Гражданство Казахстан без гражданства

другого государства, *укажите* _____

9 Национальность казах(шка) русский(ая)

другая, *укажите* _____

10 Вероисповедание

ислам буддизм
христианство отказываюсь указать
иудаизм неверующий
другое, *укажите* _____

11 Состояние в браке (15 лет и старше)

никогда не состоял(а) в браке вдовец/вдова
состою в браке разведен/разведена

12 Номер супруги(и) по бланку 2П в пределах домохозяйства

13 Датаступления в первый брак (месяц-год) _____ - _____

14 Умеете ли Вы читать и писать? да нет

15 Образование

дошкольное начальное
основное среднее общее среднее
начальное профессиональное среднее специальное
незаконченное высшее высшее
два и более высших послевузовское (аспирантура, магистратура, докторантура)

16 Ученая степень кандидат наук

доктор наук доктор PhD

17 Посещаете ли Вы организации образования?

дошкольная ВУЗ
средняя школа послевузовская
технического и профессионального курсы повышения квалификации

18 Родной язык казахский русский

другой, *укажите* _____

19 Степень владения казахским языком

понимаю устную речь свободно читаю свободно пишу

20 Степень владения русским языком

понимаю устную речь свободно читаю свободно пишу

21 Степень владения английским языком

понимаю устную речь свободно читаю свободно пишу

22 Какими компьютерными программами умеете пользоваться?

набор и редактирование текста
электронная почта и Интернет
другие программы

23 Имеете ли Вы работу (занятость)? да нет

24 Кем Вы являетесь? (положение в занятости)

работавший по найму работодатель
занятый в индивидуальной основе
занятый в личном подсобном хозяйстве (личное подворье)
член производственного кооператива
неоплачиваемый работник семейного предприятия прочее

25 Ищете ли Вы работу? (если не имеете работы/занятости) да нет

26 Можете ли Вы приступить к работе в ближайшие две недели? (если предложат) да нет

27 Если не можете приступить к работе, то укажите причину

нашел работу и ожидаю ответа занимаюсь ведением домашнего хозяйства
ожидаю начала сезона другая причина

28 Источники средств к существованию

1) доход от работ по найму
2) доход от самостоятельной занятости (кроме работы в личном подсобном хозяйстве)
3) работа в личном подсобном хозяйстве
4) стипендия 5) пенсия
6) пособие
7) материальная помощь от родных или близких
8) доход от собственности, дивиденды, вознаграждения 9) иное

29 Если указали несколько источников, укажите № основного

30 Периодичность получения дохода

ежедневно с другой периодичностью
ежемесячно не регулярно

31 Примерный доход за месяц (тенге)

менее 5000 35000 - 50000
5000 - 15000 50000 - 100000
15000 - 25000 100000 - 1 млн.
25000 - 35000 1 млн. и свыше

32 Местонахождение основной работы

РАЙОН ГОРОД _____ ОБЛАСТЬ _____ ГОСУДАРСТВО _____

33 Как Вы добираетесь до места работы/учебы?

пешком на личном автомобиле
общественным автотранспортом другим способом
железнодорожным транспортом

34 Сколько времени затрачиваете на дорогу до места работы/учебы (минут)?

35 В какой отрасли Вы работаете?

сельское хозяйство финансовая деятельность
промышленность госуправление
строительство торговля
образование, здравоохранение предоставление коммунальных услуг
транспорт и связь прочие услуги

36 Имеете ли Вы дополнительную работу? да нет

37 Проживаете ли Вы с родителем в данном населенном пункте? да нет

38 Место предыдущего жительства

РАЙОН ГОРОД _____ ОБЛАСТЬ _____ ГОСУДАРСТВО _____

Являетесь ли Вы оралманом? да нет

39 Дата прибытия на место текущего проживания (когда приехали жить сюда?) (месяц-год) _____ - _____

40 Проживали ли Вы один год или более в других странах? да нет

страна, *укажите* _____

41 Сколько детей Вы родили? (женщины от 15 лет и старше)

42 Сколько из них живы?

43 Дата рождения первого ребенка (месяц-год) _____ - _____

44 Планируемое число детей (включая имеющихся) (женщины 15-55 лет)

45 Испытываете ли Вы трудности при ходьбе, со слухом, зрением и речью? да, иногда да, часто нет

Кўпчилик замонавий давлатларда аҳолининг жорий ҳисобини ва унинг фуқаролик ҳолатини маҳаллий ҳокимият органлари олиб боради. Фуқаролик ҳолати – бу одамнинг жамиятдаги ҳуқуқий ва оилавий мақоми: дунёга келиши (туғилиши), фуқаролик етуклилик ва ҳуқуқий жавобгарлик ёшига етиб (шахсни тасдиқловчи ҳужжатни олиш), никоҳга кириши ёи ундан чиқиши, ота-оналик, бола асраб олиш, ворислик, фуқароларнинг вафот этиши. Қозоғистонда бу ҳисоб акиматлар қошидаги фуқаролик ҳолатларини рўйхатга олиш бўлимлари (ФХРО бўлимлари) томонидан амалга оширилади. Фуқаролик ҳолатлари– туғилиш, вафот этиш, никоҳ, ажрашиш, ворислик, бола асраб олиш актларини ёзиш фуқароларнинг вазифасига киради ва уларнинг юридик расмийлаштирилишини белгилаб беради.

Миграция ҳаракати полиция, чегара хизмати, миграцион полиция ва ФХРО бўлимлари томонидан рўйхатга олинади.

ФХРО бўлимлари маълумотлари ўрнатилган шаклда статистика хизматларига юборади. Статистика органлари барча маълумотларни умумлаштиради ва аҳолининг жорий сонини охириги рўйхатга олиш маълумотлари + жорий ҳисоб маълумотлари формуласига асосан аниқлайди.



ФХРО бўлимлари ёки Ички ишлар Вазирлиги томонидан берилган ҳужжатларни (туғилганлик тўғрисидаги, никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ва ҳ.к.) ўрганиб чиқинг ва уларга асосан қандай демографик маълумотларни ўрнатиш мумкинлигини аниқланг.

Аҳоли билан боғлиқ касблар: демограф, социолог, ижтимоий ишлар бўйича мутахассис, статистика бўйича мутахассис, миграцион полиция хизматчилари.

Яқун ясанг



1. Қандай манбаларга асосан аҳоли сонини аниқлаш мумкин?
2. Аҳоли ҳисобини юритишни қандай давлат органлари амалга оширади?
3. Аҳолини рўйхатга олиш билан унинг жорий ҳисоби ўзаро қандай боғлиқ?
4. Одамларнинг ҳаётидаги қандай ҳодисаларга асосан аҳолининг жорий ҳисоби юритилади? Ушбу ҳодисалар рўйхатга олинганда қандай ҳужжатлар берилади?

Дарс мақсади:

- Аҳоли кўпайиши типига қараб дунё мамлакатларини классификация қилиш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:


- Аҳолини кўпайиши нима;
- Асосий демографик таркиби;
- Аҳоли кўпайиши режимлари.

АХОЛИНИНГ КЎПАЙИШИ**КЎПАЙИШ РЕЖИМИ**

Аҳоли таркибий тузилмаси. Аҳолининг кўпайиши – туғилиш ва ўлиш асосида (аҳолининг табиий ҳаракати) одамлар авлодларининг алмашилиши жараёнида аҳоли сонининг ва таркибининг доимий янгиланиб бориши. Кенгроқ маънода у, аҳолининг табиий ҳаракати, миграция, одамларнинг бир ижтимоий гуруҳдан бошқасига ўтиши асосида доимий янгиланиб боришини англатади.

Таркиби – бутун аҳолидаги одамларнинг турли гуруҳлари нисбати(улуши).Одамларни турли гуруҳларга классификациялашни амалга оширишнинг, аҳолининг кўпайишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қуйидаги белгилари ажратилади (1- схема):


Схема 1

Аҳолининг демографик таркиби

Аҳолининг жинсига кўра таркиби эркаклар ва аёлларнинг аҳоли таркибидаги нисбатига қараб аниқланади.

Аҳолининг ёшига кўра таркиби – бу аҳолининг ёшига қараб гуруҳланиши бўлиб, улар ажратилган гуруҳлар сони билан ва уларнинг ўзаро нисбати билан тавсифланади. Демографик таҳлил ўтказишда кўпинча беш йиллик (1-4,5-9,...95-100 ёш) ёш гуруҳларга ажратилади, умумлашган таҳлил учун ўн йиллик – 10 йил интервали билан гуруҳлар ажратилади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) қуйидагича ёш даврийлигини қабул қилган:



Аҳолининг никоҳга муносабати бўйича таркиби – бу аҳолини никоҳдаги ҳолати бўйича тақсимланиши, одатда жинси ва ёши билан уйғунликда олиб борилади.

Никоҳ (эр-хотинлик) – оила ташкил этиш мақсадида, томонларнинг эркин ва тўлиқ розилиги асосида қонунда ўрнатилган тартибда, эркак ва аёл киши ўртасидаги тузилган тенг ҳуқуқли иттифоқ. Демография учун никоҳ оила ташкил этиш ва фарзанд туғилиши, шунингдек туғилиш ва ўлиш жараёнлари учун омил ҳисобланади.

Никоҳга муносабати бўйича аҳолини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Хеч қачон никоҳда бўлмаган шахслар;
- Никоҳдаги шахслар;
- Ажрашганлар;
- Бевалар.

Аҳолининг оилавий таркиби никоҳ ва оила институтларига нисбатан ҳолати бўйича аҳолининг тақсимланишини акс эттиради. **Оила** – никоҳ (эр-хотинлик), қариндошлик, хусусиятлар, бола асраб олишдан келиб чиқадиган муносабатлар билан боғланган ва оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш мажбуриятини олган шахслар доираси. Оила – асосий демографик гуруҳидир. У қуйидагича демографик функцияларни бажаради:

Фарзанд туғиш ва парваришлаш;

Оила аъзоларининг соғлиги ва умрининг узайиши учун зарур бўлган шароитларни таъминлаш;

Ўзининг барқарорлигини таъминлаш (бу жуда муҳим функция бўлиб, оила институти барқарорлиги ва жамият барқарорлиги кўп ҳолатларда ўзаро боғлиқ). Аҳолининг кўпайиши асосан оилада рўй беради.

Оилалар демографияда ўлчамлари, таркиби ва турига қараб гуруҳланади.

Оиланинг ўртача ўлчами айрим гуруҳ аҳоли учун оиласи билан яшаб турган одамларнинг сонини оилалар сонига бўлиш билан аниқланади. Оиланинг ўлчами унинг аъзолари сони билан аниқланади.

Фарзандлар сонига қараб оилалар қуйидагича бўлинади:

- Кам фарзандли оила- 1-2 та фарзанд;
- Ўрта фарзандли оила – 3-4 та фарзанд;
- Кўп фарзандли оила – 5 ва ундан ортиқ фарзанд.

Оила таркиби қариндошлик даражаси, авлодлар мавжудлиги, оилага бошчиликнинг тақсимланиши бўйича ҳам аниқланиши мумкин.

Турлари бўйича оилалар нуклеар, мураккаб, тўлиқ, тўлиқ бўлмаган турларга бўлинади.

Нуклеар оила – фарзандлари билан бирга никоҳдаги бир жуфтликдан иборат оила.

Мураккаб оила – бошқа қариндош оилалар(ота-онаси оиласи, фарзандлар оиласи ёки ака-ука ва опа –сингиллар оилалари) билан яшовчи оила.

Оиланинг тўлиқлиги оилавий жуфтликнинг тўлиқлигига боғлиқ. Агар бир ёки иккаласи турмуш қурганлар бўлмаса (ўлим, ажралиш ёки бошқа сабабларга кўра) оила тўлиқ эмас деб ҳисобланади.

Дин, миллат, даромадлар каби белгилар туғилишга билвосита таъсир кўрсатади.

Одамлар жараён давомида бошқа таркибларга ўтишлари мумкин. Бошқа гуруҳларга ўтиш имкониятига қараб демографик таркиблар учта гуруҳга ажратилади:

- 1) Бир гуруҳдан бошқасига ўтиш мажбурий ва муқаррар гуруҳлар, масалан, бир ёшдаги гуруҳдан бошқа ёшдагилар гуруҳига ўтиш;
- 2) Бир гуруҳдан бошқасига ўтиш деярли мумкин бўлмаган ёки жуда чекланган гуруҳлар, масалан, бир жинсдан ёки миллатлар бошқасига;
- 3) Бир гуруҳдан иккинчисига ўтиш имконияти мавжуд гуруҳлар, масалан, даромадлари бўйича, никоҳ ва оилавий ҳолатлари бўйича.



8 синф ўқувчисининг ўз оиласи тўғрисидаги иншосини ўқинг ва бир гап билан унинг асосий ғоясини ифодаланг.

Менинг оилам

Оила муқаддас даргоҳ. Бизнинг оила етти кишидан иборат. Онамнинг исми Айжан, отамники- Айдар, мен, Рауан, – энг катта фарзандман, ўн тўрт ёшдаман. Укам Нурлан олтинчи синфда ўқийди, у ўн иккига тўлди, Аслан – иккинчи синфда, синглим Ажар боғчага боради, куза биринчи синфга боради. Менинг ота-онам ёш ва чиройли, отам – 38 ёшда, онам -36 да. Онам ҳам отам ҳам оилада якка фарзанд бўлганлар. Балким шунинг учун улар кўп фарзандли бўлишга қарор қилгандирлар. Шу билан бирга оиламиз тарихига боғлиқ яна бир қизиқарли фактлар мавжуд.

Менинг отамни бувим ва бобом болалар уйдан олишган ва ўз фарзандларидек катта қилишган. Бувим афсуски оламдан ўтган, бобомни эса ҳаммамиз жуда яхши кўрамиз, у ҳам бизни яхши кўради. Унинг исми Нурасил, биз уни ота, қариндошлар ва қўшнилари – “оқсоқол”, “Нуреке” деб аташади. Унинг ёши 73 да.

Онам меҳрибон, мулойим ва эътиборли. У сотувчи бўлиб ишлайди. Унинг нозик елкасида барча уй ташвишлари турибди. Биз онамизни эҳтиёт қилишга ҳаракат қиламиз ва унга уй ишларида ёрдам берамиз. Отам ҳамма нарсада бизга таянч ҳисобланади. У уйдаги барча эркакларга хос ишларни бажаришга улгуради ва бизни ҳам катта хўжалигимиздаги ишларга ўргатади: бизда бузоқ-часи билансигиримиз, қўйларимиз ва товуқларимиз бор. Отамиз электромонтёр бўлиб ишлайди.

Оиламиз жуда иноқ. Барча нарсада бир-биримизга ёрдам берамиз. Оила – худди оила аъзолари атрофида йиғиладиган ўчоқ сингари. Кўпчилик одамлар айтишича оила ўчоғини аёл киши сақлаши керак. Бироқ ундай эмас. Ўчоқдаги оловни барча оила аъзолари ушлаб туриши керак. Эркак киши оиласини ҳимоя қилиши, у ҳақида қайғуриши лозим; аёл киши – унга бунда ёрдам бериши лозим; фарзандлар ота-оналарига қулоқ солиши, яхши ўқиши ва уларга ҳамма нарсада ёрдам беришлари лозим. Оила бир бутун бўлса- уй ҳам мустаҳкам бўлади. Одам ўзи нима учун яшайди? Ерда ҳаётни давом эттириш учун. Оилада фарзанд бўлса – бу улкан бахт, ота-онага ёрдамчи. Ота-оналар ва фарзандлар бирга бўлган уйдан бахтлироғи йўқ! Оила ҳаётни бутунлигини ва бахт келтиради. Мен, ер юзида кўпроқ бахтли оилалар бўлишини истайман.



2. Оила таркибини таҳлил қилинг ва жинс, ёш, никоҳга ва оилага муносабати, фарзандлар сони, оила тури бўйича унинг таркибини аниқланг.



3. Оиланинг ўртача сонини параграф матнида келтирилган услубга таяниб ҳисобланг.



4. Оиланинг қандай қадриятлари, унда одамлар қайта туғилиши жараёни доимий давом этишига ишонч туғдиради? Матндаги қайси фактлар ва фикрлар буни исботлайди?

5. Ушбу оилада туғилишга ҳал қилувчи омил бўлиб даромад ҳисобланиши мумкинми?

6. Оила аъзолари ўтиши а) муқаррар; б) мумкин бўлмаган; в) мумкин бўлган структураларни аниқланг.


“Виртуал совға” геомашқ. Ҳар бир қатнашчи синфдошига “виртуал совға” – “географик объект” совға қилади. Совға қилишдан олдин уни пантомима ёрдамида, имо-ишоралар билан кўрсатиши ёки таянч бўлмаган сўзлар билан тушунтириши лозим. Синфдош объектни аниқлайди ва совғани олади.

Кўпайиш режими. Аҳоли кўпайишининг барча аниқ миқдорий кўрсаткичлари кўпайиш режими дейилади.

Олимлар кўпайишнинг учта режимини ажратишади: *торайтирилган, оддий ва кенгайтирилган (2-схема)*.

2 схема

Аҳоли кўпайиши режими



1. Ҳар бир кўпайиш режимига фарзандлар сонини ўрнатинг. Маълумотлар ушбу параграфнинг “Оила таркиби” бўлимида келтирилган.
2. Танловингиз бўйича бир оиланинг уч авлоди мисолида кўпайиш режимини аниқланг.

Аҳоли кўпайиши типи. Аҳолининг оилавий таркиби сабабли кўпайиш режими томнидан учта типдаги кўпайиш шаклланган.

Аҳолининг биринчи кўпайиш типи “Демографик инқироз”. Унга унча юқори бўлмаган туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари хосдир. У доимий равишда катта ёшдаги ва қария одамлар сони (*миллатнинг қариши*) ортиб бораётган иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Қария одамларнинг юқори улуши аҳолининг туғилиш кўрсаткичларини пасайтириб, ўлим кўрсаткичларини ошириб боради.

Бу типдаги кўпайиш Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия мамлакатларида, яъни анча юқори иқтисодий ривожланиш даражасига эга мамлакатларда кенг тарқалган. Жумладан, Францияда ҳар мингта одамга 13 та бола туғилади, ва 10 та одам ўлади, табиий ўсиш 3 га тенг. Буюк Британияда мингта одамга 13 та туғилади ва 11 тадан кўпроқ одам ўлади. Японияда 10 та туғилади ва 7 та ўлади, табиий ўсиш 3 га тенг.

Айрим мамлакатларда туғилиш шунчалик камки, ўлганлар сони ни қопламади ва мамлакат аҳолиси ҳар йили камайиб боради. Бундай ҳодиса **депопуляция** деб аталади.

Депопуляция- камайишга олиб келувчи торайтирилган кўпайиш натижасида мамлакат, ҳудуд аҳолисининг камайиши (Дания, Швеция, буюк Британия, Россия).

Туғилишнинг пасайиши сабаблари: қўл меҳнати улушининг кескин камайиши, шаҳар ҳаёт тарзининг кенг тарқалиши, аёллар ҳуқуқларининг мустақамланиши, карьера қилишга интилиш, никоҳга кеч кириш, биринчи фарзандни катта ёшда туғиш, миллатнинг қариши, ота-оналарнинг қариган чоғларида фарзандларидан мустақиллиги.

Кўпайишнинг иккинчи тип “**Демографик портлаш**”. Кўпайишнинг иккинчи тип учун туғилишнинг юқори ва жуда юқори кўрсаткичлари ва ўлимнинг анча юқори кўрсаткичлари хосдир. У биринчи навбатда ривожланаётган давлатларга хос (масалан, Конго, Нигер, Нигерия, Ямон, Ироқ, Покистон, Бангладеш ва б.).

Туғилишнинг юқори бўлиш сабаблари: никоҳга эрта кириш, оилани режалаштиришга тақиқ, кўп фарзандлилиқ анъаналари, аёл кишининг қаттиқ боғлиқлиги, қишлоқ аҳолисининг кўплиги, қўл меҳнати улушининг юқорилиги, фарзандлар ишчи кучи сифатида кўрилади, фарзандлар ота-онасининг қарилигидаги яғона таянчи.

Биринчи ва иккинчи типлар орасида **ўтиш тип** жойлашган. Уларга ҳали ҳам юқори туғилиш кўрсаткичлари хос бўлиб, аста-секин камайиб бориши кузатилади, шунингдек, ўлим кўрсаткичлари ҳам камайиб боради (Грузия, БАА, саудия Арабистони ва б.).

Ушбу давлатлар замонавий тиббиёт, санитария ва гигиена ютуқларини, айниқса эпидемик касалликларга қарши курашда кенг тадбиқ этишга эришган. Бу ўлим даражасининг кескин камайишига олиб келади. Туғилиш эса кўп ҳолларда юқори даражадалигича сақланиб қолади. Бироқ вақти келиб у камаяди ва мамлакат биринчи кўпайиш типига ўтади.



1. Дунё аҳолиси қайси тип кўпайишига мансуб мамлакатлар ҳисобига ўсади?
2. Аҳоли кўпайиши типларидаги Қозоғистоннинг ўрнини аниқланг. Ўз жавобларингизни далил ва фактлар билан тасдиқланг.
3. Туғилиш даражаси пастлиги оқибатида аҳолининг табиий камайиши ва ўлим даражасининг юқорилигига қарамай АҚШ, Ғарбий Европанинг юқори ривжланган мамлакатларида аҳоли сони камаймаяпти. Буни қандай тушунтириш мумкин?

Геофакт. Миллий байроқларда энг кўп учрайдиган ранглар – қизил, кўк ва оқ ранглар.



1. Ўз танловингизга асосан учта оилада анкета ёрдамида тадқиқот ўтказинг ва индукция услубида аҳолининг демографик сруктурасини, оила ўлчамини ва типини, аҳолининг кўпайиш режими ва типини аниқланг. Тадқиқот натижаларини график материаллар билан тўлдириг. Демографик вазиятнинг сабаблари ва оқибатларини тушунтириг. **Анкета** – тадқиқот объектининг миқдорий – сифат кўрсаткичларини аниқлашга йўналтирилган, бир фикр билан бирлаштирилган саволлар тизими.

Тавсия этилган саволлар.

1. Сизнинг ёшингиз. Сизнинг жинсингиз.
2. Никоҳдан ўтганмисиз?
3. Фарзандларингиз нечта?
4. Сизлар билан оилада нечта оила яшайди?
5. Сизлар билан яшаётган одамларнинг қариндошлик даражalarини кўрсатинг.
6. Ёшини, жинсини, никоҳга муносабатини, оиласи мавжудлигини кўрсатинг.

Демографик кўрсаткичлар ва демографик вазият

Дарс мақсадлари:

- *Демографик вазият таҳлил асосида асосий демографик кўрсаткичларни: аҳоли сони, туғилиш ва ўлиш коэффициентлари, табиий ва механик ўсиш, умумий ўсиш, жинс ва ёш кўрсаткичлари, миллий ва диний таркибини ҳисоблаш;*
- *Мамлакатларнинг демографик кўрсаткичларини график кўришида тушунтириш ва намоиши этиш.*

Мақсадларга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *Демографик вазият нима.*
- *Демографик кўрсаткичлар қандай ҳисобланади;*
- *Демографик кўрсаткичларни график тарзда қандай намоиш этилади.*

ТАБИЙ КЎПАЙИШ

ДЕМОГРАФИК ТУҒИЛИШ ВАЗИЯТИ

ДЕМОГРАФИК ПИРАМИДА

Демографик вазият – маълум ҳудудда кечадиган демографик жараёнларнинг миқдорий комплекс тавсифи ва сифат баҳоси (туғилиш, ўлим, миграция ва б.): уларнинг тенденциялари, маълум давр ҳолатига яқуни ва оқибатлари.

Демографик жараёнларга эндоген омиллар ёки аҳолининг ўзининг кўрсаткичлари: жинс ва ёш таркиби ва кўпайиш режими таъсир кўрсатади. Экзоген омилларга ижтимоий-иқтисодий таъсирлар киради.

Туғилиш, ўлиш, аҳолининг табиий ўсиши – биологик жараёнлардир. Бироқ уларга ҳал қилувчи таъсирни одамларнинг ижтимоий-иқтисодий яшаш шароитлари, улар орасида жамиятда ва оиладаги ўзаро муносабатлар кўрсатади.

Ўлим даражаси одамларнинг моддий яшаш шароитларига: озиқланиши, меҳнатининг ва турмушининг санитар-гигиеник шароитларига боғлиқ бўлади.

Туғилиш даражаси ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таркибига, одамларнинг яшаш шароитларига боғлиқ. Ушбу омиллар 40-41§ кўриб чиқилган эди.

Улкан инсоний йўқототишларга олиб келадиган урушлар, тўғридан-тўғри ҳарбий ҳаракатлар натижасида ёки уларнинг оқибатида очлик, касалликлар тарқалиши ва оилавий алоқаларнинг узилиши оқибатида аҳолининг ўсишига катта салбий таъсир кўрсатилади.

Ўлим даражасининг ошишига номаъқул бўлган қуйидаги ҳодисалар сабаб бўлади: жиноятчилик, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, табиий ва техноген офатлар, бахтсиз ҳодисалар, атроф муҳит сифатининг пасайиши.



1. Демографик кўрсаткичлар ва омиллар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш учун бир нечта тасаввурларни шакллантиринг. Таклиф этилган тузилмалардан фойдаланишингиз мумкин.
Агар аҳоли таркибида катта авлод вакиллари кўпроқ бўлса, унда туғилиш ... бўлади, ўлим даражаси эса ... бўлади.
Агар аҳоли таркибида ёшлар улуши катта бўлса, унда туғилиш сони ... бўлади, ўлим сони... бўлади.
Агар аҳоли таркибида оилавийлар кўп бўлса, унда туғилиш сони ... бўлади.
Агар аҳоли таркибида эркеклар ва аёллар сони кескин пропорционал бўлса, унда ...
Агар аҳолининг катта қисми юқори даромадларга эга бўлса, унда туғилиш ..., ўлим сони ...
Агар аҳолининг катта қисми даромадлари ўртачадан кам бўлиб, оғир қўл меҳнати билан шугулланса, унда туғилиш сони ... ўлим сони ...

Барча демографик кўрсаткичлар промиллеларда ўлчанади, яъни 1 минг одамга нисбатан кўрсаткичларда. Промилле (лот. *Per mille - мингтага*) – мингдан бир қисм, 1/10 процент; (%0) тарзида белгиланади; бирор бутуннинг мингдан бир улушлари сонини белгилашда фойдаланилади. Айрим ҳолларда ҳисоблар процентларда олиб борилганини учратиш мумкин, бунга ҳам йўл қўйилади.

Аҳолининг табиий ҳаркати – бу аҳоли сонининг туғилиш ва ўлим ҳисобига ўзгариши.

Туғилиш – маълум даврда мингта аҳоли сонига туғилишлар сони.

Демографик коэффициентларнинг ҳисоб-китобларида бўлувчи ўрнида аҳолининг барча доимий сонининг йиллик ўртача кўрсаткичи олинади.

Туғилиш коэффициенти : $K_p = \frac{N}{S} 1000\%$

N- бир йилда туғилганлар сони

S-аҳолининг ўртача йиллик сони

Ўлим сони- маълум даврда мингта аҳоли сонига тўғри келадиган ўлимлар сони.

Ўлим сони коэффициенти:

$$K_{\text{см}} = \frac{M}{S} 1000\%$$

M – бир йилда ўлганлар сони

S – аҳолининг ўртача йиллик сони

Аҳолининг табиий кўпайиши (ТЎ) – туғилиш сониниг кўпайиш сонидан ортиши, яъни маълум даврда туғилганлар ва ўлганлар сони орасидаги фарқ; аҳоли сони ўсишининг асосидир.

Аҳолининг табиий кўпайиши 1000 та аҳолига табиий ўсиш коэффициенти билан ўлчанади. Ҳам мусбат, ҳам манфий бўлиши мумкин. Аҳолининг манфий табиий ўсиши мамлакатда одамлар кўпроқ ўлиб, камроқ туғилаётганлигини кўрсатади (яъни, аҳолининг табиий камайиши).

Табиий кўпайиш коэффициенти

$$K_{\text{ест}} = K_{\text{р}} - K_{\text{см}}$$

Аҳоли миграцияси – доимий яшаш жойларини алмаштириш мақсадида, ёки вақтинчалик ўқиш ва меҳнат фаолиятини олиб бориш мақсадида бир ҳудуддан (мамлакатдан) бошқасига кўчиб ўтиши.

Ички миграцияларнинг сабаблари – иш қилиш, яшаш шароитларини яхшилаш, ҳаёт даражасини кўтариш ва ҳаёт тарзини ўзгартириш. Қишлоқ жойларига мавсумий ва қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун ва мавсум якунлангач қишлоқдан шаҳарга қайтиб ҳаракатланиш миграцияси катта улушга эга.

Халқаро миграциянинг сабаблари – дунёнинг турли мамлакатларида бир хил бажарилган иш учун тўланадиган иш ҳақи миқдорининг фарқи. Бугунги замонда миграциянинг энг катта йўналиши юқри малакали мутахассисларнинг – шарқий Европадан АҚШ, Канадага ва Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларига кўчишидир.

Қисман миграция уруш (Ироқдан, Босниядан, Афғонистондан, Сириядан АҚШ ва Европага), сиёсий жанжаллар ва табиий офатлар сабабли рўй бермоқда.

Миграциянинг асосий қонунлари:

- Энг кўп миграция қисқа масофаларга амалга оширилади;
- Ҳудудий марказ қанча катта бўлса у шунча кўп ўзига тортувчи таъсир кўрсатади;
- Йирик шаҳарларнинг ўсиши аҳолининг табиий ўсишидан кўра, кўп жихатдан аҳоли миграцияси билан боғлиқ;
- Миграция масштаблари саноат ва савдо, ва айниқса транспорт ривожланиши билан ошиб бора веради;
- Миграциянинг иқтисодий сабаблари ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кириш коэффициенти ($K_{кр}$) йил давомида маълум ҳудудга ҳар 1000 киши аҳолига қанча одам кириб келишини кўрсатади:

$$K_{кр} = \frac{S_{кр}}{s} 1000\%$$

Чиқиш коэффициенти ($K_{ч}$) йил давомида маълум ҳудуддан ҳар 1000 киши аҳолига қанча одам чиқиб кетганлигини кўрсатади:

$$K_{ч} = \frac{S_{ч}}{s} 1000\%$$

Миграцион (механик) ўсиш коэффициенти ($K_{мў}$) аҳоли пунктининг ҳар минг кишисига бир йил давомида тўғри келадиган механик ўсиш катталаиғини ифодалайди ва икки усулда ҳисобланади:

$$K_{мех} = K_{кр} - K_{ч}$$

Аҳолининг умумий ўсиши – маълум бир ҳудуд (давлат, ҳудуд, аҳоли яшаш пункти) аҳолисининг маълум бир вақт оралиғи бошланишидаги сонини ва охирига сони ўртасидаги фарқ. Умумий ўсиш туғилишлар сони, ўлимлар сони, миграция параметрларига, аниқроғи – туғилганлар ва ўлганлар, келганлар ва чиқиб кетганлар сони йиғиндисига боғлиқ, мусбат, манфий ёки нолга тенг бўлиши мумкин. **Умумий ўсиш коэффициенти**



1. Бир вилоят аҳолисининг йил бошига аҳолиси сони 2690 минг кишини ташкил этди.
Йил давомида:

Туғилди, минг	Ўлди, минг	Келди, минг	Чиқди, минг
35,0	21,5	29,8	22,3

Аниқланг:

- 1.1. Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти – туғилишлар сони, ўлимлар сони, табиий ўсиш;
- 1.2. Миграция коэффициентларини: кириш, чиқиш, механик ўсиш;
- 1.3. Аҳолининг умумий ўсиши;
- 1.4. Йил охирига аҳолининг умумий сони;
- 1.5. Вилоят аҳолисининг шаклланишида табиий ўсиш ва миграциянинг ўрнини кўрсатиб беринг.

“Виртуал совға” Геомашқ. Ҳар бир қатнашчи синфдошига “виртуал совға” – “географик объект” совға қилади. Совға қилишдан олдин уни пантомима ёрдамида, имо-ишоралар билан кўрсатиши ёки калит бўлмаган сўзлар билан тушунтириши лозим. Синфдош объектни аниқлайди ва совғани олади.


Демографик кўрсаткичларнинг график ифодаланиши.

Жинс ва ёш пирамидаси. Барча демографик кўрсаткичлар турли график ва диаграммалар кўринишида акс эттирилиши мумкин. Уларни қуриш методикаси билан сиз 7 синфда ва ушбу дарсликнинг 3-§ да танишгансиз.

Ўтган параграфда аҳолининг жинс ва ёш таркибини ўрганиб чиқдингиз. Уни таҳлил қилиш учун жинс ва ёш пирамидаси деб аталадиган, график усулларнинг бири кенг қўлланилади (*1-диаграмма*).

1-диаграмма

Жинс ва ёш пирамидаси



У икки томонлама йўл-йўл пирамидадан иборат. Ордината ўқи (y) бўйича эркин масштабда ёшга қараб гуруҳлар акс этади, абцисса ўқи (x) бўйича – маълум ёшдаги аҳоли сони кўрсатилади. Эркаклар сони ордината ўқининг чап томонида, аёллар ўнг томонида кўрсатилади. Ҳар бир ёш гуруҳи горизонтал йўлак шаклида тасвирланади ва унинг майдони тегишли ёшдаги аҳоли сонига пропорционал бўлади.


Ордината ўқи икки бўлакка ажратилиб, улар орасида ёшлар шкаласи жойлаштирилади. Ёш пирамидалари беш йиллик ёш гуруҳларидан қурилади.

Исталган аҳоли сони битта ўзгармас катталиқ сифатида қабул қилинади, кўпроқ 10 000, ҳамда ҳар бир жинс ва ёшга оид гуруҳ аҳолининг умумий сонига бўлинади ва юқорида кўрсатилган бир неча нолли бир рақами кўринишидаги кўпайтирувчига кўпайтирилади.


Пирамидада асосийси – унинг конфигурацияси, ўлчамлари эмас. Жинс ва ёшга оид пирамида ҳақиқий пираидаларга ўхшаш бўлади, чунки ёш ортиши билан ёшга оид гуруҳларда одмлар сони камайиб боради ва йўлакча қисқариб боради. Идеал аҳолининг ёшга оид пирамидаси, ундаги туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари узоқ вақт давомида ўзгаришсиз бўлганлиги туфайли, тенг томонли учбурчакка ўхшаш бўлар эди (2-диаграммадаги – ёш оила пирамидасидек). Бироқ бундай бўлиши қийин, чунки туғилганлар ва ўлганлар сони вақт ораликларида ўзгариб туради. Туғилишнинг кескин камайиб кетиши ёшга оид пирамидада ботиқлик вужудга келтиради. Туғилишнинг кескин ошиб кетиши пирамидада бўртиқнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

2-диаграмма


Жинс ва ёшга оид диаграммаларнинг турлари



Ёш аҳоли



Қарийётган аҳоли



Қари аҳоли



1-жадвал маълумотларига асосан жинс ва ёшга оид пирамидани қуринг, уни таҳлил қилиб натижаларини синфда муҳокама қилинг.

1-жадвал

Ёш	Эркаклар	Аёллар
0-5	171 006	172 256
6-10	219 068	240 292
11-15	290 190	285 443
16-20	400 116	357 384
21-25	431 936	395 288
26-30	373 021	336 178
31-35	347 500	323 467
36-40	368 910	355 648
41-45	397 500	363 467
46-50	325 922	289 656
51-55	243 303	208 258
56-60	202 685	189 991
61-65	120 813	110 238
66-70	85 980	74 808
70 дан катта	51 418	49 319

Геофакт. Қозоқ халқининг фаол нутқида бирор нарсанинг юздан бир(1/100) ва мингдан бир (1/1000) улушини англатадиган сўзлар, сўз бирикмалари ва маталлар мавжуд, масалан, “Жүзден жүйрік , мыңнан тұлпар” (юздан -чопқир, мингдан - тұлпор).



Яқун ясанг

1. Идрок-картасида мавзу мазмунини акс эттиринг ва уни тушунтиринг.
2. Microsoft Offic Excel дастурида демографик кўрсаткичларни автоматик равишда ҳисоблаб чиқариш услубини таклиф этинг. Параграфнинг тегишли топшириғида берилган маълумотлардан фойдаланинг.
3. Microsoft Offic Excel дастурида берилган кўрсаткичлар бўйича жинс ва ёшга оид пирамидани автоматик разда қуриш услубини таклиф этинг. Параграфнинг тегишли топшириғида берилган маълумотлардан фойдаланинг.
4. 2 жадвал маълумотлари бўйича Microsoft Offic Excel дастурида инсоният ривожланишнинг бутун даври давомида Ер аҳолисининг сони ўзгариши графигини қуринг ва кўрсаткичларнинг кескин сарқрашини тушунтиринг.

2-жадвал


Йил	Умумий (минг)	Йил	Умумий (минг)
8000 до н. э.	5 000	1960	3 021 475
4000 до н. э.	7 000	1965	3 334 874
1000 до н. э.	50 000	1970	3 692 492
500 до н. э.	100 000	1975	4 068 109
1 н. э.	300 000	1980	4 434 682
1000	400 000	1985	4 830 979
1750	791 000	1990	5 263 593
1800	1 000 000	1995	5 674 380
1850	1 262 000	2000	6 070 581
1900	1 650 000	2005	6 343 628
1950	2 518 629	2013	7 162 119
1955	2 755 823	2030 (прогноз)	8 551 000

5. Қозоғистон Республикасининг жинс ва ёшга оид пирамидасини(3-диаграмма) таҳлил қилинг ва 2-диаграммага ўхшаш тарзда аҳоли турини аниқланг.

3-диаграмма

Аҳолининг жинс ва ёшга оид пирамидаси

2017 йил бошига, фоизларда



Дарс мақсади:

- Демографик муаммолар бўйича дунё мамлакатларини классификациялаш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Демографик кўрсаткичларни баҳолаш шкалалари
- Асосий демографик муаммолар.
- Ўхшаш демографик муаммоли мамлакатлар гуруҳлари.

Демографик кўрсаткичларни баҳолаш шкалалари

Демографик инқироз

Демографик портлаш

Демографик муаммо

Демографик кўрсаткичларни баҳолаш. Демографик муаммоларнинг мавжуд эмаслиги ёки мавжудлигини аниқлаш учун, демографик кўрсаткичларни баҳолаш лозим. Олимлар аҳолининг туғилишлар сони, ўлимлар сони, табиий ўсиши, аҳолининг қариши баҳоланиш шкалаларини ишлаб чиқишган (3,4,5,6-жадваллар).

3-жадвал

Умумий туғилишлар сонини баҳолаш шкаласи

Умумий туғилиш коэффициенти, ‰	Туғилиш даражаси тавсифи
16 гача	Паст
16-24	Ўртача
25-29	Ўртачадан юқори
30-39	Баланд
40 ва ундан катта	Жуда баланд

4-жадвал

Ўлимларнинг умумий даражсини баҳолаш шкаласи

Ўлимларнинг умумий даражсини баҳолаш схемаси	
Ўлим умумий коэффициенти, ‰	Ўлим даражаси
7 гача	Жуда паст
7-10	Паст
11-15	Ўртача
16-20	Баланд
21 дан катта	Жуда баланд

Таблица 5

Аҳолининг умумий табиий кўпайиши/табиий пасайиши даражасини баҳолаш шкаласи

Табиий кўпайишнинг умумий коэффиценти, %0	Даража баҳоси	Табиий пасайишнинг умумий коэффиценти, %0
+2,0 гача	Жуда паст	-3,0 гача
2,0 -3,9	Паст	(-3,0)-(-5,9)
4,0-6,9	Ўртача	(-6,0)-(-8,9)
7,0-9,9	Баланд	(-9,0)-(-11,9)
+10 ва ундан катта	Жуда баланд	-12 ва ундан катта

Таблица 6

Демографик қаришни баҳолаш шкаласи (БМТ)

Босқич	65 ёш ва ундан катталар улуши, %	Аҳоли қариши ва қариллик даражаси босқичлари
1	<4	Ёш аҳоли
2	4-7	Аҳоли
3	>7	Қари аҳоли



Ҳисоб китоблар асосида(зарурат бўлса) умумий туғилишлар сони, ўлимлар сони, табиий ўсиш ва демографик қариш даражаларини баҳолаш шкалалри бўйича Қозоғистон ва Эстониянинг демографик кўрсаткичларини солиштиринг. Хулосаларни шакллантиринг.

Қозоғистон. Қозоғистон Республикаси миллий иқтисодиёт Вазирлиги статистика Қўмитасининг маълумотларига кўра, мамлакат аҳолиси сони 2017 йил 1 август ҳолатига 18054,0 минг кишини ташкил этди. Умумий туғилиш коэффиценти аҳолининг ҳар 1000 кишига 21,27 туғилганларни ташкил этди. Ўлимлар сонининг умумий коэффиценти ҳар 1000 кишига 7,38 ўлим сонини ташкил этди. Табиий ўсиш ҳар 1000 кишига 13,89 кишини ташкил қилди. 2017 йилга Қозоғистон аҳолиси аҳолининг ёши бўйича қуйидагича тақсимотга эга эди: 15 ёшдан кичик шахслар – 21,6%, 15 дан 65 ёшгача 71%, 65 дан катталар – 7,4%.

Эстония. Эстония демографик хизматлари прогнозларига асосан 2017 йилда мамлакат аҳолиси бўйича кўрсаткичлар қуйидагича бўлган: аҳолининг умумий сони- 1 300 935 киши; туғилган – 14 мингдан бир оз кўпроқ; ўлганлар сони – 15,5 мингдан кўпроқ; аҳолининг табиий ўсиши – (-1,5 минг кишини) ташкил этган. Ёши бўйича таркиби қуйидагича: 15 ёшдан кичиклар – 15,1%; 15 дан 65 ёшгача – 67% дан кўпроқ; 65 ёшдан катталар – деярли 18%.

Демографик муаммо.

Муаммо – чуқур ўрганишни ва ечимини топишни талаб этувчи қийин вазият. Ечилмаган муаммо нормал фаолият кўрсатиш ва ривожланиш жараёнига тўсқинлик қилиши мумкин.

Демографик муаммо – аҳоли сонининг кескин ўзгариши.

Демографик муаммо икки қисмдан иборат бўлади:

Аҳолининг тез ва суст назорат остида ўсиши, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳудудларида аҳолининг керагидан ортиқ ўсиши (*демографик портлаш*);

Ривожланган ва ўтиш иқтисодиётига эга давлатларнинг аҳолиси қариши ва камайиши (*демографик инқироз*).



1. Нима учун демографик муаммо келиб чиқишининг аҳамиятли тавсифи бўлиб “кескин” сўзи бўляпти?
2. Аҳоли сонининг доимий ўзгариши (ўсиши/камайиши) демографик муаммога олиб келиши мумкинми?
3. Сиз яшаб турган ҳудудда яшаётганлар сонининг кескин кўпайиши ёки камайиши ҳолатлари бўлганми? Бу қандай оқибатларга олиб келган?



Демографик инқироз – бу, аҳоли таркибидаги салбий миқдорий ва сифат ўзгаришлари билан боғлиқ вазият. Миқдорий ўзгаришлар – бу депопуляция, аҳоли сонининг кескин табиий камайиши. Сифат ўзгаришларига аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви киради. Бу ушбу аҳолининг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

Демографик инқироз оддий ёки торайтирилган режимли биринчи типдаги кўпайишли мамлакатларда кузатилади.

АҚШ, Канада, Австралияда аҳоли ўсиши 5-10 % 0 га тенг ва у кам бўлса ҳам бироқ маълум даражадаги аҳоли ўсишини таъминламоқда.

Италияда, Буюк Британияда, Польшада аҳолининг табиий ўсиши катта тезликда нольга яқинлашиб келмоқда, аммо ҳозирча туғилишлар сони ўлимлар сонини қопламоқда.

Яна бир ажратиладиган учинчи гуруҳ мамлакатлари мавжуд бўлиб, уларнинг аҳолиси сони камайиб бормоқда(7-жадвал).

**Аҳолисининг манфий табиий ўсишига эга бўлаган
Европа мамлакатлари, 2015 й.**
(демографик портал маълумотларига кўра)

Мамлакатлар	Табиий ўсиш, %0	Мамлакатлар	Табиий ўсиш, %0
Болгария	-6,2	Германия	-2,3
Сербия	-5,4	Португалия	-2,2
Украина	-4,5	Босния ва Герцеговина	-1,2
Венгрия	-4,0	Эстония	-1,0
Хорватия	-4,0	Польша	-0,7
Руминия	-3,8	Молдова	-0,4
Литва	-3,5	Беларусь	-0,1
Латвия	-3,3	Испания	-0,1
Италия	-2,7	Чехия	0,0
Греция	-2,7	Россия	0,3



Нима учун ушбу мамлакатларда демографик инқироз бошланди, фараз қилиб кўринг.

Демографик инқирознинг оқибатларини тасаввур қилинг, ўз фаразингизни далил ва фактлар билан тасдиқланг.

Геомашқ Географик ҳодисаларни, объектларни ёки жараёнларни “жонли” диаграмма кўринишида ёки динамикада кўрсатинг. Кўрсатилётган объект, ҳодиса ёки жараённи ўсиш ёки камайиш тартибида, ёки кўрсаткичлари камайиши ёки ўсиши кўринишидаги динамикада кўрсатишингиз мумкин. Асосий шарт – маълумотлар ҳақиқий бўлиши, сизнинг синфдошларингизга кўрсатмаларингиз ва солиштиришларингиз – хушмуомала бўлиши, иш – тез амалга оширилиш лозим. Графигингизнинг етишмаётган элементларини олдиндан турли материаллардан тайёрлаб олишингиз мумкин.

Демографик портлаш аҳолининг иккинчи типдаги кўпайиши хос бўлган юқори ва жуда юқори туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичларига ва нисбатан паст ўлим кўрсаткичларига эга бўлган ривожланаётган мамлакатларда кузатиш мумкин (8-жадвал). Уларнинг кўпчилиги XX асрда тиббиёт ютуқларини кенг қўллаш имкониятига эга бўлишди, айниқса турли хилдаги кассаликларни ва эпидемияларнинг олдини олиш масаласида. Ўлим даражаси пасайишига ушбу давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланишдаги маълум даражадаги ютуқлари сабаб бўлди. Натижада у жуда қисқа ват ичида тахминан икки баробар пасайди.

Инсоният тарихида бундай қисқа вақтда ўлим даражасининг бунчалик пасайиши ҳоллари учрамаган. Туғилиш бу мамлакатларда юқори ва жуда юқори даражада сақланиб қолмоқда. Туғилиш ва ўлим даражасининг бир вақтда бундай мос келмаслиги кўпчилик дунё мамлакатларида мисли кўрилмаган демографик портлашнинг вужудга келишига олиб келди.

Ушбу мамлакатларда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини анчага ортда қолдирган аҳоли сонининг тез ўсиши кузатилмоқда, бу эса ишсизликни, озиқ-овқат ва бошқа ресурсларнинг етишмаслигини, аҳолининг керагидан ортиб кетишини кучайтириб, шу билан бирга – жиноятчиликнинг умумий ўсишига олиб келди. Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида, иқтисодий ривожланган мамлакатларга қочоқлар ва мигрантлар оқимига олиб келувчи, маҳаллий урушлар ва тўқнашувлар вазиятни янада ёмонлаштирмоқда.

8-жадвал

Аҳоли табиий ўсиши юқори даражада бўлган мамлакатлар, 2016 й.
(The World Factbook маълумотларига кўра)

Мамлакатлар	Табиий ўсиш, %0	Мамлакатлар	Табиий ўсиш, %0
Малави	33,2	Танзания	28,2
Уганда	33,0	Шарқий Тимор	27,8
Бурунди	32,7	Бенин	27,5
Нигер	32,7	Ангола	27,3
Мали	31,8	Ирак	27,1
Буркина-Фассо	30,1	Сомали	26,7
Замбия	29,4	Того	26,6
Газа сектори(палестина)	29,1	Мозамбик	26,4
Эфиопия	29,0	Сан-Томе ва Принсипи	26,3
Жанубий Судан	28,2	Гвинея	26,2
Газа сектори(палестина)	29,1	Мозамбик	26,4
Эфиопия	29,0	Сан-Томе ва Принсипи	26,3
Жанубий Судан	28,2	Гвинея	26,2

Айтиб ўтиш жоизки, кўпчилик мамлакатлар демографик портлашнинг чўққисидан ўтиб бўлган, бироқ “инерция” бўйича ҳали ҳам туғилиш юқори даражадалигича қолмоқда.



Геофакт. Этник Қозоқлар айрим мамлакатларда сиёсат билан шуғулланади. Стехликова Джамиля – чех сиёсий арбоби ва руҳшунос-врач. 2007 йил 9 январидан 2009 йил 23 январигача Инсон ва озчилкларнинг ҳуқуқлари бўйича вазир ва Чех Республикаси ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши раиси бўлган.

Яқун ясанг



Ўрганилган баҳолаш шкалалари ва қўшимча манбалар асосида контур картасида демографик инқироз ва демографик портлашлар турлича намоён бўлган мамлакатларни белгилаб чиқинг. Картани қўшимча тавсифлар элементлари билан: туншунтириш матнлари, графиклар, диаграммалар, фотосуръатлар, мамлакатлар турига хос демографик пирамида конфигурациялари ва бошқа материаллар билан тўлдиринг. Ўз ишингизни муҳокама учун синфингизга тақдим қилинг.

Дарс мақсади:

- “демографик сиёсат” тушунчасини тушунтириш асосида, алоҳида мамлакатлар учун демографик сиёсатнинг ўз шахсий моделингизни таклиф этиш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Демографик сиёсат нима.
- Мамлакатларда демографик кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш бўйича кўрилайётган чоралар;
- Демографик сиёсат вариантлари;
- Демографик сиёсатнинг ҳужжат сифатидаги таркиби.

**ДЕМОГРАФИК
ЧЕКЛОВЛАР****ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ
ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ ЧОРАЛАРИ****ДЕМОГРАФИК
СТИМУЛЛАР**

Демографик сиёсат – давлат томонидан аҳолининг ўсишига, таркибига, тарқалишига ва сифатига, ўзига керакли йўналишларда таъсир кўрсатишга ёрдам берувчи иқтисодий, маъмурий ва тарғибот чоралари комплекси.

Унда иккита йўналишни ажратишади:

Аҳолининг табиий ҳаракати табиатига, олдинги кетаётган авлодлар ўрнига янгисининг табиий равишда алмашишига, яъни туғилишга, ўлим даражасига, никоҳланишга, жинс ва ёшга оид таркибига таъсир кўрастиш;

Миграция ва аҳоли зичлигига таъсир кўрсатиш.

Демографик сиёсатнинг турли вариантлари мавжуд.

Аҳолининг кўпайишига нисабатан бир мамлакатлар уни алмаштирмақчи бўлади, бошқалари мавжуд режимни сақлаб қолишга интилади.

Аҳолининг сонига бўлган талабга асосан қатор мамлакатлар аҳоли сонини оширишга ҳаракат қилади. Бошқа мамлакатларнинг демографик сиёсати аҳоли сонини камайтиришга қаратилади.

Бир мамлакатлар демографик жараёнларнинг бирини(масалан, туғилишни) тартибга солмақчи бўлади, бошқалари – бирданига бир нечтасини.

Айрим мамлакатлар миграция оқимини рағбатлантиради, бошқалари ақсинча чеклайди. Айрим мамлакатлар эса ўз демографик сиёсатларида миграция масаласини умуман кўтаришмайди.

Аҳолини кўпайиши биринчи типдаги мамлакатларда демографик сиёсат туғилишнинг кўпайишига ва аҳоли сонининг табиий ўсишига қаратилган (*рағбатлантирувчи*). Фаол демографик сиёсат олиб борувчи мамлакатларга Франция ва Японияни мисол қилиш мумкин.

Иккинчи типда кўпайишли мамлакатларнинг кўпчилиги туғилишни ва аҳолининг табиий ўсишини камайтиришга йўналтирилган демографик сиёсати (чекловчи демографик сиёсат) олиб бормоқдалар. Бу йўналишда энг кўзга кўринарли ҳаракатларни Хитой ва Ҳиндистон олиб бормоқда. Кўпчилик мусулмон араб давлатлари, айниқса жанубий-ғарбийлари, диний эътиқод нуқтаи назаридан келиб чиқиб, “оилани режалаштиришга” умуман қаршилар. Тропик Африканинг энг кам ривожланган мамлакатлари ҳам ҳеч қандай демографик сиёсат олиб бормади.



Нима учун мамлакатлар демографик сиёсатни олиб боришга ҳаракат қилади? Нима учун уларга ўз аҳолисининг миқдорий ва сифат демографик кўрсаткичлари муҳим? Нима учун кўпчилик мамлакатлар демографик вазиятни “ўз ҳолича” қолдира олмайди?

Демографик сиёсат чоралари ҳам рағбат, ҳам чекловлар сифатида қўлланилиши мумкин. Уларнинг вазифаси – фуқароларнинг демографик ҳулқини ўзгартиришдан иборат. Шу борада давлатлар уларнинг демографик сиёсатига мос келувчи ҳаракатларни амалга оширувчиларга имтиёзлар ўрнатади. Сиёсат мақсадларига тўғри келмайдиган ҳаракатларни амалга оширувчиларга чекловлар ўрнатади. Энг кўп учрайдиган чоралар қуйидагилар:

1. Иқтисодий чоралар:

- Пулли таътиллар;
- Бола туғилганда турли нафақалар, кўпинча уларнинг сонига қараб;
- Ссудалар, кредитлар, солиқ имтиёзлари – туғилишни кўпайтириш учун;
- Кам фарзандли оилаларга имтиёзлар – туғилишни камайтириш учун.

2. Маъмурий-ҳуқуқий чоралар:

- Никоҳга кириш ёшини, ажрашишни, ахборот ва контрацепцияга муносабатни, онанинг ва болаларнинг ажралишдаги мулкӣ ҳолатини, ишловчи аёлларнинг иш режимини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари;

3. Тарбиявий ва тарғибот чоралари:

- Демографик ҳулқ атворнинг меёрлари ва стандартлари бўйича ижтимоий фикрни шакллантириш;
- Диний меъёрларга, анъаналарга ва одатларга муносабатни белгилаш;
- Оилани режалаштириш сиёсати;
- Ёшларнинг жинсий таълими;
- Жинсий муносабатлар масалаларида ошқоралик.
- Францияда ва Японияда қуйидагича рағбатлантирувчи чораларни ишлаб чиқишди:

- А) ёш оилаларга бир марталик ссудалар;
- Б) ҳар бир фарзанд туғилишида нафақалар;
- В) болалар учун ҳар ойлик нафақалар;
- Г) пулли таътиллар ва б.

Иккинчи типдаги кўпайиш мамлакатларига кировчи Ҳиндистон ва Хитойдаги демографик сиёсат туғилишниг камайтирилишига йўналтирилган.

Ҳиндистонда:

- А) оилани режалаштириш миллий дастури қабул қилинган;
- Б) никоҳга кириш ёши кўтарилган: эркакларда – 21 ёш, аёлларда – 18 ёш;

- В) аҳолининг оммавий кўнгилли стерилизацияси ўтказилмоқда;
- Г) сиёсий шиор: “Биз иккитамиз- бизга иккита ”.

Хитойда:

- А) бола туғилишини режалаштириш қўмитаси тузилган;
- Б) никоҳга кириш ёши кечроқ ўрнатилган: эркакларга – 22, аёлларга – 20 ёш;

- В) битта бола учун давлат ҳар ой нафақа тўлаб туради;

- Г) сиёсий шиор: “Бир оила-бир фарзанд”.

Иккала мамлакатда ҳам демографик сиёсат меъёрларни бузганлиги учун жарималар, давлат хизматларидан фойдаланишга таъқиқ ва бошқа жазо чоралари кўрилади.



Қандай иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий, тарбиявий-тарғибот чоралари билан бевосита ёки билвосита танишсиз? Бу ҳақида батафсил гапириб беринг.



“Тўрт унсур” геомашқ. Олиб борувчи тўпни исталган қатнашчига ташлайди ва тўртта сўздан бирини айтади: ер, ҳаво, сув ёки олов. Тўп ташланга иштирокчи ушбу унсурга тегишли бўлган исталган объектни номини айтиб тўпни кейинги иштирокчига отади. Айтилган сўзларни қайтриш мумкин эмас. Адашган иштирокчи ўйинни тарк этади.

Демографик сиёсат таркиби. Ҳужжат сифатида демографик сиёсат мақсаддан, вазифалардан, жорий демографик вазиятнинг таҳлиладан, чора-тадбирлар режасидан иборат бўлади.

Мақсадда мамлакат қандай демографик кўрсаткичларга эришмоқчилиги аниқ кўрсатилади. У кўпинча умумлашган сўзлардан иборат бир гап билан ифодаланади – масалан, “аҳолининг табиий ўсиши тезлигини ошириш, унинг ўсиши учун шароитлар яратиш. Шунингдек турмуш даражасини кўтариш ва кутилаётган умр узқлигини ошириш. ”

Вазифалар – бу ҳар бир демографик кўрсаткич бўйича аниқ та-
лаб этилаётган кўрсаткичларни ўрнатиш, масалан, “туғилиш дара-
жасини 24% кам бўлмаслигини таъминлаш”, ўлим даражасини “7%
гача” тушуриш.

Жорий вазиятни таҳлил қилиш – бу демографик коэффициент-
ларни ҳозирги пайтга ҳисоблаб чиқариб, уларни баҳолаш шкалала-
ри билан солиштириш ва муаммоларни аниқлаш. Масалан, “умумий
ўлим коэффициенти 1000 та одам сонига 7,38 ўлимни ташкил эти-
ши аниқлаган ва паст деб тавсифланган. Бироқ ушбу кўрсаткични
“жуда паст”, яъни, “7% 0” даражагача тушириш имконияти мавжуд.

Демографик кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш чораларида аҳоли
кўпайишига таъсир этиши бўйича давлатнинг ҳаракатлари ифода-
ланади, масалан, “иккинчи фарзанд ва кейингиларини туғилишини
икинчи фарзанд ва кейингилари учун тўланадиган нафақани оши-
риш йўли билан рағбатлантириш”.

Чора-тадбирлар режасида уларнинг кетма-кетлиги ва бажари-
лиш муддатлари белгиланади, масалан, аҳоли сонини 2017 йилдаги
17 962 170 кишидан 2020 йилгача 18 596568 кишига етказиш.



1. Матнда мисол тариқасида келтирилган вазият қандай типдаги кўпайишли мамлакат учун долзарб. Олдиги параграфлар маълумотларига кўра мамлакатни аниқланг.
2. Ушбу мисоллар қандай демографик тавсифларни ўзгартиришга қаратилган?
3. Келтирилган мисоллардан келиб чиқиб, ушбу мамлакат қандай чораларни кўришни режалаштирмоқда?

Геофакт. Европа футбол ассоциациялари иттифоқи (Union of European Football Associations, қис. UEFA/УЕФА) – Европа футболни бошқарувчи спорт ташкилоти. Унга айрим қисман Европада жойлашган Осиё мамлакатлари – Қозоғистон, Туркия ва Азарбайжон.



Яқун ясанг

1. Интервью усулида олдинги икки авлод вакилларида уларнинг демографик ҳулқларига таъсир этиш учун қандай иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий, тарбиявий ва тарғибот услублари қўлланилганлигини билиг. Умумий хулосани шакллантиринг.
2. Демографик вазиятлари 44-45§ларда таърифланган, Қозоғистон ва Эстония учун демографик сиёсатнинг ўз шахсий моделингизни яратинг. Ўз танловигизга асосан мустақил равишда учинчи мамлакатни ўрганиб чиқинг. Ўз таклифларингизни мақсад, вазифалар, жорий вазият таҳлили, таклиф этилаётган чоралар ва чора-тадбирлар режаси аниқланган ҳужжат кўринишида расмийлаштиринг. Натижаларни бутун синфга муҳокама учун тақдим қилинг.



Қозоғистондаги демографик вазиятнинг айрим кўрсаткичлари узилишлари таҳлилини (GAP-Analysis) бажаринг (танлов асосида): Аҳоли сони, туғилишлар сони, ўлимлар сони, табиий ўсиш, кутилаётган умр узоқлиги ва бўлим таркибида акс эттирилган бошқа кўрсаткичлар.

GAP инглиз тилидан таржимаси *узилиш* маъносини англатади. Бундай таҳлил кўрсаткичнинг мавжуд катталиги билан талаб этилаётган катталиги ўртасидаги узилишни аниқлашга йўналтирилган. Узилиш таҳлилли ёрдамида 8 синф географияси доирасидаги исталган мавзу бўйича исталган статистик маълумотларни кўриб чиқиш мумкин.

Аҳоли сонини таҳлил қилишда 2030 йилга Қозоғистон аҳолисининг талаб этилаётган сони 25 млн киши деб белгиланг. Уни аҳолининг жорий сони билан солиштиринг. Улар орасидаги узилишни аниқланг. Узилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Масалан, меҳнат ресурслари етишмаслиги, уларнинг меҳнат мигрантлари ҳисобига тўлдирилиши, аҳолининг этник таркибининг ўзгаришига олиб келади. Узилишнинг сабаби нимада? Эҳтимол бу туғилиш темпларининг пастлиги, ўлимлар сонининг юқорилиги ёки аҳолининг миграция натижасида камайиши сабабидир. Қандай чоралар мақсадга эришишга ва сабабларни йўқ қилишга ёрдам беради? Масалан, туғилишни моддий рағбатлантириш, соғлом ҳаёт тарзини тарғибот қилиш, мамлакатга собиқ юртдошларни қайтариш ва ҳ.к.

Қозоғистон дунёнинг 30 та энг ривожланган мамлакатлар клубига аъзо бўлишга интилмоқда. Шунинг учун демографик кўрсаткичларнинг таҳлилини олиб боришда мақсад сифатида ушбу параметрлар бўйича 30-ўринни эгаллаб турган мамлакат кўрсаткичларини олиш мумкин.

Масалан, АҚШ умр давомийлигининг ўртача кўрсаткичлари бўйича 30 ўринни эгаллайди (78 ёш). Қозоғистон 124 ўринда (67 ёш). Ўринлардаги узилиш 94 бандни ташкил этади, умр дваомийлиги эса – 11 йил.

Демографик кўрсаткичлар даражасини аниқлашда 44-45§ да келтирилган баҳолаш шкалаларидан фойдаланинг.

*Таҳлил натижаларини жадвал кўринишида расмийлашти-
ринг. Кераклигига қараб сатрларни қўйишингиз мумкин.*

Мақсад	Ҳақиқатдаги ҳолати	Узилиш	Узилиш оқибатлари	Узилиш сабаблари	Узилишни бартараф этиш чоралари

Олдинги жадвалнинг охирги устунини алоҳида “Чора-тадбирлар
режаси” жадвалида акс эттиринг.

№	Чора-тадбир	Муддати	Ресурслар (чора-тадбирларни амалга ошириш учун нима керак)	Жавобгарлар (ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ким жавоб беради)



Икки жадвалнинг мазмунини 200-250 сўздан иборат битта мат-
нга ўтказинг.

4.1 бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот

“Аҳоли географияси” бўлими дарсларидан

Сиз биласиз:

Давлатлар аҳоли сонининг ҳисобини: 1) *рўйхатга олиш ва 2) давлат органлари ҳисоботларига асосан юритади.*

Аҳолининг кўпайиши – туғилиш ва ўлим асосида аҳоли сонининг ва таркибининг доимий янгиланиб туриши.

Структура – бу, ёши, жинси, никоҳга муносабати, оилавий мақомига кўра ажратилган одамларининг турли гуруҳлари нисбати (улуши).

Аҳоли кўпайишининг миқдорий катталиклари тавсифлари **кўпайиш режими** деб аталади. Торайтирилган, оддий ва кенгайтирилган кўпайиш режимларни ажратишади.

Аҳолининг биринчи тип кўпайиш режими учун туғилишлар сони ва ўлимлар сонининг катта бўлмаган кўрсаткичлари хосдир. Аҳолининг иккинчи типдаги кўпайиш режими учун туғилишлар ва ўлимлар сонининг юқори кўрсаткичлари хос бўлади.

Маълум бир ҳудудда кечаётган демографик жараёнларнинг комплекс миқдорий тавсифи ва сифати баҳоланиши **демографик вазият** деб аталади.

Ҳар бир демографик кўрсаткич бўйича **баҳолаш шкалалари** ишлаб чиқилган бўлиб, улар бўйича мавжуд демографик муаммоларни аниқлаш мумкин. Ривожланган мамлакатлар учун **“демографик инқироз”** хос бўлса, ривожланаётган мамлакатлар учун **“демографик портлаш”** хосдир.

Демографик жараёнларга ўзига керакли бўлган йўналишларда таъсир кўрсатиш учун ёрдам берувчи чора-тадбирлар комплекси **демографик сиёсат** деб аталади. Биринчи типдаги аҳоли кўпайиш режимига эга мамлакатлар рағбатлантириш сиёсатини, иккинчи тип мамлакатлари – чеклаш сиёсатини олиб борадилар.

Сиз бажара оласиз:

- Аҳолини рўйхатга олиш дастурини, мақсадларини, фуқаролик ҳолатини рўйхатга олиш ҳужжатларини таҳлил қилишни, улар асосида демографик маълумотларни аниқлашни;
- Матнларни таҳлил қилиш ва улардан тадқиқот мавзусига оид ахборотни ажратиб олишни, матнни жадвалга, жадвални эса матнга ўтказишни;
- Демографик мойилликларни ва муаммоларни аниқлаш, тадқиқот мавзуси бўйича анкета сўровларини ва интервью ўтказиш, туғилишлар ва ўлимлар, табиий ўсиш, миграция, аҳолининг механик ва умумий ўсиши коэффициентларини ҳисоблаб чиқаришни, жинсга ва ёшга оид пирамидасини тузишни;
- Демографик кўрсаткичларни баҳолаш шкалалари бўйича баҳолашни, демографик муаммоларни ечиш йўллари таклиф қилишни;
- Дунё мамлакатларини демографик муаммолари бўйича классификациялашни, мавзуга оид картасхемаларни тузишни;
- Узилишлар таҳлилини ўтказишни.

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

5.1. Табиий ресурслар

49–50

Табиий ресурсларнинг иқтисодий ва экологик баҳолаш

Дарс мақсади:

- Табиий ресурсларнинг иқтисодий ва экологик баҳолашни амалга ошириш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Ресурсларнинг иқтисодий баҳолаш нима;
- Ресурсларнинг экологик баҳолаш нима;
- Ресурслар қандай баҳоланади.

РЕСУРСЛАРНИ
ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

РЕСУРСЛАРНИ ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ
ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш. 7-синфда сиз “табиий ресурслар” тушунчаси билан, табиий бойликлар классификацияси билан, ресурслар билан таъминлаганликни ҳисоблаш усуллари билан танишдингиз. 8 синфда сиз табиий ресурсларни баҳолаш услубларини ўрганишни давом эттирасиз.

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш – бу уларнинг пул кўри-нишидаги қиймати.

Исталган давлат ёки корхоналар ресурсларни ўзлаштириш оқиба-тида қандай моддий самара олишларини олдиндан билишни истайди. Уларни қандай даромад олишлари, табиий бойликларни ўзлаштириш жараёнида қандай харажатлар пайдо бўлиши мумкинлиги қизиқти-ради. Бундай баҳолаш уларни ўзлаштириш керак ёки йўқлигини ол-диндан ўрнатишга имкон беради.

Табиий ресурсларнинг пул кўринишидаги қийматини баҳолаш учун уларнинг натурал ўлчамларини (тегишли ўлчов бирлигидаги умуй захирасини) аниқлаш зарур.

Барча рудалар, биологик ресурслар, ёғочдан ташқари, қимбат-баҳо тошлар оғирлик ўлчов бирликларида ўлчанади; сув, газ ва ёғоч – ҳажм бирлигида; ер ресурслари – майдон ўлчов бирлигида ўлчанади.

Айрим табиий ресурсларни натурал катталикларда ўлчаш имко-ни йўқ ва уларни балларда баҳолаш ўрнатилган – булар тупроқ, ре-креацион ресурслар.

Айрим ҳолларда алоҳида турдаги ресурслар ҳам натурал катта-ликларда, ҳам балларда ўлчанади. Масалан, иккита ер майдони ўл-чамлари бир хил, бироқ бирининг нархи баландроқ бўлиши мумкин, чунки унинг тупроғи ҳосилдорлиги юқорироқ бўлиши ёки рельефи текисроқ бўлиши ва бошқа қўшимча афзалликлари – сув таъминоти, ўрмон мавжудлиги ёки у йўлларга ва шаҳарларга яқин жойлашган бўлиши мумкин.

Ер майдониниг ушбу қўшимча хусусиятлари унинг баллардаги баҳосини оширади.

Табиий ресурсларнинг пул қийматини аниқлаш учун уларнинг натурал ўлчамларини бир бирлик ўлчамнинг савдода ўрнатилган нархига кўпайтириш лозим.

Масалан, ўрмон майдонида игнабаргли ёғочнинг тахминий ҳажми 100 000 м² миқдорида баҳоланмоқда. 1 м² тилоғочнинг бозор нархи 25 200 тенгега тенг. У ҳолда ёғочнинг умумий нархи 2 520 000 000 тенгега баҳоланади.

Шуни эсда тутиш лозимки, ресурслар – бу шундай табиий жисмларки, улар тўлиқ керакли элементлардан иборат бўлмайди. Уларнинг таркибида кераксиз материаллар бўлиши мумкин. Масалан, Қостанай вилоятининг Сарибай конидан олинадиган темир рудаси таркибида 33% темир мавжуд, қолганини кремнезем, олтингугурт ва фосфор ташкил этади.

Ундан 1 тонна чўян эритиб олиш учун 3 тонна рудани қайта ишлаш керак бўлади. Темир рудалари ресурсларини баҳолашда руданинг ўзининг нархи эмас, балки чўяннинг нархи олинади. 2017 йил ҳолатига 1 тонна чўян Қозоғистонда 200 минг тенге нархида сотилган.

Қостанай вилояти Сарибай конининг умумий темир рудалари захираси 889 млн. тоннани ташкил этади.

Ресурсларни иқтисодий баҳолашда уларни ўзлаштириш учун кетадиган умумий харажатларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ресурсларни ўзлаштиришдаги харажатлар ўзи ичига умумий кўринишда техникага, қўшимча материалларга, инфратузилмани ташкил этишга, иш ҳақиға харажатларни олади. *Масалан*, 1 тонна чўян ишлаб чиқариш учун 3 тоннадан ортиқ темир рудаси, 1,1 тонна кокс, 20 тонна сув, яна турли миқдордаги бошқа материаллар керак бўлади.

Агар ресурслар кам бўлиб, уларни ўзлаштиришга харажатлар кўп талаб этилса, уларни кўпроқ ҳолларда табиатдан қазиб олишмайди.

Табиий ресурслар олди-сотдиси тўғрисидаги ОАВ материалларини ўрағниб чиқинг ва уларнинг ҳар бирининг ўлчов бирликларини аниқланг.

Майдаланган темир рудасини сотаман. Темирнинг массадаги улуши – 42%. Ортиш кондан. Умумий ҳажми 10 990 тонна.

Йирик улгуржи усулида ўрмон меваларини – черника, брусника, голутика, маймунжон сотиб оламиз. 1 тоннадан кам таклиф этилмасин.

Қарағай ёғочидан тахталар. Қалинлиги 20-50 мм, калинлиги 100 мм дан, узунлиги 4-6 м. Бир ойда 10 та вагонгача юкланади.

РБИН тошини сотаман, ўлчами 53.36 карат. Нархи келишувга асосан.

Техник сувни етказиб берамиз. Қанча кўп кубометр сувга буюртма берилса, уни етказиб бериш нархи шунча паст бўлади.	2017 йил 1 августидан табиий газга тарифлар 1000 куб метрга 17 336,94 тенге миқдоридан ўрнатилди.	Уй-жой қурилишига мўлжалланган 57 сотиқ ер майдонини сотаман. Бўлинмас, свет, сув ва канализация ўтказилган.	Лондон биржаси савдоларидан маълум бўлишича Brent марказидаги нефтнинг нархи баррель учун 64 доллардан ошиб кетди.
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

2. Параграф матнида кўрсатилган малумотларга асосан сарибай конидаги темир рудалари захираларининг нархини ҳисоблаб чиқинг.
3. Табиий ресурсларни ўзлаштириш билан боғлиқ харажатларнинг янада кенгайтирилган рўйхатини таклиф этинг.

Геомашқ. Кўз учун машқлар. *Шартлари:* шимол-тепага, жануб-пастга, ғарб – чапга, шарқ-ўнғга, дунё бўйлаб – айланма ҳаракатлар, куну-тун – киприк қоқиш.

Кўз олмаларини максимал амплитуда билан ҳаракатлантиринг: 1) шимол-жануб (8 марта); 2) дунё бўйлаб соат стрелкаси йўналишида (4 марта) ва қрама-қарши (4 марта); 3) шарқ-ғарб ва ғарб-шарқ (3 марта); 4) куну-тун (8 марта).

Табиий ресурсларни экологик баҳолаш – бу, экологик чора-тадбирларга кетган харажатларнинг ёки уларни ўзлаштириш билан боғлиқ экологик зарарларнинг пул кўринишидаги қийматини аниқлаш.

Табиат ресурсларини ўзлаштириш билан шуғулланадиган ҳар бир корхона табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ҳом-ашё ва материаллар харид қилади. Улар табиатни муҳофаза қилиш объектларини ўз маблағлари ҳисобидан таъминлаб туради. Бундай объектларнинг фаолият юритиши учун тозалаш ускуналари, филтрлар, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва йўқ қилишга мўлжаллаган усуналарни сотиб олади. Компаниялар, заводлар, фабрикалар, фермерлар тева-рак атрофни ифлослантирганлиги учун, табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун, уларни қайта ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилиш учун солиқлар тўлайди ва тўловлар амалга оширади. Уларнинг ҳисобидан тиклаш ишлари (ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, ер фондини, сув объектларини тиклаш) амалга оширилади. Экологик хатар вужудга келганда корхоналар экологик экспертизалар хизматларини тўлаб беради. Уларнинг ҳар бири экологик суғурта тўлайди. Бундан ташқари табиатни муҳофаза қилиш доирасида меҳнат қилувчиларнинг иш ҳақиларига кетадиган харажатлар ҳам кўзда тутилган.

Агар ресурсларни сотишдан тушган тушум ушбу ҳаражатларни қопласа табиий ресурс манбаси иқтисодий фойдали ҳисобланади. Иқтисодий фойдадан ташқари ижтимоий самара ҳам ҳисобга олинади.

Алматидан узоқ бўлмаган Иле дарёсидаги Капшағай сув омборининг қурилишида бирнеча аҳоли яшаш пунктлари, кенг далалар, минерал сувлар манбалари, яйловли ўрмонлар – тўқайлар, маҳаллий флора ва фауна вакиллари сув остида қолган. Ҳаражатларнинг бир қисми одамларни бошқа жойларга кўчириш билан боғлиқ бўлган. Бироқ сув омбори қурилиши оқибатида гидроэлектр энергиясини ишлаб чиқариш, 400 минг га ҳайдаладиган ерларни экинзорларга айлантириш ва Алмати шаҳрини сув билан таъминлаш имкониятлари пайдо бўлди.

Айрим ҳолларда ресурсларни ўзлаштиришдан катта миқдордаги даромадлар олиниши мумкин, бироқ бунинг орқасидан табиатга етказилаётган қопланмас зарар, ресурсларни сотишдан тушган фойдадан анча кўпроқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ресурсларни табиатдан чиқариб олишдан воз кечилади.



1. Қозоғистон компанияларидан бирининг “Йиллик ҳисоботи” бир қисмини ўрганиб чиқинг. Қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, матнда кўрсатилган ўсимликларнинг бир дона кўчатни нархини аниқланг ва компаниянинг ҳудудни кўкаламзорлаштириш учун умумий сарф-ҳаражатларини ҳисобланг.



“Шаҳар кўчаларини кўкаламзорлаштирилишини қўллаб туриш учун компания ҳовлисида ва яқин атрофларидаги майдонларда дарахтлар, буталар, гуллар экилади ва улар устидан компания ходимлари томонидан кундалик парваришlash ва суғориш ишлари олиб борилади. Майдон доирасида кўкаламзорлаштириш 306 м² ни ташкил этади: 17 та арча- баландлиги 3,5 – 4 м (13-16 ёш); туядарахт – 16 та (10-13 ёш), кўп сонли гулзорлар. Чегара ҳудудда шимолий ва шарқий томонда 150 м² майдонда дарахтлар ва буталар экилди: эман -22 та (6 ёш, d=0,01 м); спирея буталари – 18 та. Кўкаламзорлаштириш умумий майдони 456 м², бу эса бутун комплекс томонидан эгаллаган майдонинг 5,9% ни ташкил этади”.

Геофакт. ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида Қозоғистондан “Хўжа Ахмад Яссавий мақбараси”, “Тамғали археологик ландшафти петроглифлари”, “Сариарка – Шимолий Қозоғистон даштлари ва кўллари”(Қоргалжин ва наурзум қўриқхоналари), “Чаньянь-Тянь-Шань тоғ оралиғидаги буюк Ипак йўли объектлари” (Каялик, Карамерген, Талгар, Ақтобе, Ақиртас, Кулан, Қостобе ва Орнек қўҳна шаҳарлари), “Ғарбий Тянь-Шань” (Қаратау ва Ақсу –жабаглин қўриқхоналари, Сайрам-Оғеммиллий боғи) жойлаштирилган.


Замонавий касблар рўйхатида *баҳоловчи мутахассислиги* пайдо бўлди. У табиий ресурсларнинг нархи ва қимматлилигини аниқлаш билан шуғулланади.



Яқун ясанг

1. Гант диаграммасида табиий ресурсларни баҳолаш бўйича, иқтисодий ва экологик баҳолашни қўшган ҳолда, барча ҳаракатларнинг кетма-кетлигини кўрсатинг. Гант диаграммасини қуриш усулини 7 синфда ўргангансиз.

2. “Ер ресурсларини баҳолаш” лойиҳасини бажаринг. Интервью усулида



томорқа эгалари улардан ҳосил йиғиб олиш учун, қандай ҳаражатларни амалга оширишини билиб олинг. Томорқа эгалари маблағ сарфлайдиган товарлар ва хизматларнинг нархлари тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиб, умумий ҳаражатлар миқдорини ҳисобланг. Улардан олинган ҳосил миқдори тўғрисида сўранг. Ҳосилни пул кўринишида ифодаланг. Даромадлар ва ҳаражатлар ўртасидаги фарқни аниқланг ва томорқадан фойдаланишнинг фойдалилиги даражасини аниқланг. Томорқа эгалари қандай ижтимоий самарага эга бўладилар? Ҳаражатларни ва даромадларни оптималлаштириш йўллари таклиф этинг. Умумий хулосани шакллантиринг.



Оммунал тўловлар учун квитанцияларни ўрганиб чиқинг ва бир ўлчов бирлигидаги совуқ сув ва иссиқ сув, газ, электр энергияси учун нархларни билиб олинг. Кўмир, ўтин, суюқ ёқилғини қандай ўлчов бирлигида харид қилинади? Уларнинг бир ўлчов бирлиги учун нархини аниқланг.

Астана яқинидаги 10 сотиқ майдонга эга бўлган ер майдонларининг сотилиши тўғрисидаги иккита эълонни ўқинг ва нима учун уларнинг нархи турлича эканлигини аниқланг. натурал ўлчамларидан ташқари нархга яна нималар таъсир кўрсатиши мумкин?

**10 сотиқ ер майдони,
Жибек Жولي 4,5 млн. тенге
Астана**

Шаҳарга туташган, ИУЖҚ, свет, давлат акти, ер майдонлари Жибек Жولي поселкасида №7 микрорайонда, 0,9 сотиқдан 14 сотиқгача, Есиль дарёси яқин, Астананинг чап қирғоғига узоқдан чиройли манзара, тоза ҳаво, гўзал табиат, котеджлар қурилиши кетяпти.

Эгаси
984 марта қўрилган 26 ноябрь

**10 сотиқ ер майдони,
Алмати райони, 2 млн тенгега
Астана,**

Бўлинадиган, боғдорчилик, павлодар трассаси бўйида 1- қатор сотаман. ДАН постидан 8 км да, тижорат учун қулай. Барча ҳужжатлар қўлимда, давлат акти. “Вишневий сад” БЖ. Яқинида қўллар, дам олиш зонаси. Савдолашса бўлади.

Эгаси
897 марта қўрилган 1 та изох 26 ноябрь

Дунё минтақаларининг табиий-ресурслар потенциали

Дарс мақсади:

- Дунёнинг алоҳида ҳудудларининг табиий-ресурслар потенциалини баҳолаш

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Табиий-ресурслар потенциали нима;
- Табиий-ресурслар потенциали қандай баҳоланади;
- Табиий ресурслар дунё ҳудудлари бўйича қандай тақсимланган;
- Табиий-ресурслар потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини қандай ошириш мумкин.

ҲУДУД ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИ

ПОТЕНЦИАЛ

ТАБИЙ-РЕСУРСЛАР ПОТЕНЦИАЛИ

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ТАҚСИМОТИ

Ҳудуднинг табиий-ресурс потенциали – илмий-техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда хўжалиқда ишлатилиши мумкин бўлган, маълум бир ҳудуддаги барча табиий ресурслар.

Аммо “потенциал” тушунчаси ресурслар жамланмаси тушунчасидан кенгроқ. Потенциал – бу, халқнинг юқори даражадаги моддий ва маданий ҳаётига эришиш мақсадида, давлат томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган манбалар, имкониятлар, воситалар, захира-лардир.

Табиий ресурсларнинг хилма-хиллиги, етарли миқдордалиги ва сифатлилиги исталган мамлакатга ўз хўжалигини самарали ривожлантириш, катта турдаги товарларни ишлаб чиқариш, ўз аҳолисининг турмуш даражасини оширишга, бошқа мамлакатларга боғлиқ бўлмасликка имкониятлар яратади. Кўпчилик ресурсларнинг охири яқин бўлган шароитда, тикланадиган ресурсларга эга бўлишнинг аҳамиятлидир. Технологиялар ривожланиши илгари қайта ишланган ресурслар чиқиндиларидан янги зарур элементларни олишимкониятини беради ва ҳудуднинг потенциалини оширади. Янги турдаги ресурсларнинг аниқланиши мамлакатга ўз иқтисодиётини қайта йўналтиришга вва янги товарлар ишлаб чиқаришга имконият яратади. Бир ресурсларнинг ўзини комплекс тарзда ишлатилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, йирик дарёлар сув билан таъминлаш билан бир қаторда кемалар ҳаракати, балиқчилик, гидроэнергия ишлаб чиқариш, туризм соҳасида ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ресурсларнинг нархи ва қимматлилиги кўп мартаба ошади.

Дунё хўжалигининг табиий-ресурс потенциали (табиий ресурслари) хилма-хилдир. У энергетик, ер ва тупроқ, сув, ўрмон, биологик

(ўсимлик ва жониворлар дунёси), минерал(фойдали қазилмалар), иқлимий ва рекреацион ресурсларни ўз ичига олади.

Табиий – ресурс потенциали барча ресурсларнинг биргаликдаги баҳосида ифодаланади. Бунинг учун бошида ҳар бир ресурсларнинг нархи аниқланади, сўнг ҳар бирининг нархи кўрсаткичлари жамланади.

Нарх, ушбу ҳудуддаги ҳар бир ресурсларнинг захиралари ва ушбу ресурс бирлигининг нархидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ресурс бирлигининг нархи кўпчилик оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Барча харидор ва сотувчилар уларни диққат билан кузатиб боради.

Алоҳида ресурсларнинг нархи уларнинг миқдорига қараб эмас, балки улардан тайёрланадиган маҳсулотлар нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Масалан, шамолнинг нархи йўқ, унинг ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергияси эса пул миқдори билан ифодаланади. Тупроқларнинг нархини улардан олинган ҳосил нархига қараб ўрнатилади.

Табиий ресурс потенциалини баҳолашда муҳим кўрсаткич бўлиб табиий ресурсларнинг *таркиби*, *миқдори* ва *сифати* ҳисобланади.

Таркиб мавжуд ресурслар рўйхатини акс эттиради. Рўйхатда қанча кўп ресурслар бўлса ҳудуднинг шунча потенциали юқори бўлади.

Миқдор деганда ресурсларнинг физик катталикларидаги(оғирлиги, ҳажми, майдони) захиралари тушунилади.

Сифат деганда фойдали моддаларнинг улуши, қуввати, колориялиги, эришиш имкониятлари ва ҳ.к. тушунилади.

Табиий – ресурслар потенциали нархини аниқлашда турли хил ресурсларнинг ҳудудий яқинлиги ҳам аҳамиятга эга. Масалан, темир рудасидан чўян эритиб олиш учун катта миқдорда коксланувчи кўмир ишлатилади. Агар мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳам темир рудаси ва ҳам кўмир конларига эга бўлса унинг потенциали бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Рангли металлларни ишлаб чиқариш учун металл рудаларидан ташқари арзон электр энергия ва сув манбалари зарур. Шу сабабли рангли металл, қўнғир кўмир, дарёларга эга бўлган мамлакатлар уларни ишлаб чиқаришда катта афзалликларга эга бўлади.



1. Табиий-ресурс потенциали дунё мамлакатларига қандай афзалликлар беради?
2. Табиий-ресурс потенциали қандай кўрсаткичларга асосан баҳоланади?
3. Қайси ҳолатларда табиий ресурслар нархи ошади?

Дунё мамалакатлари бўйича табиий ресурсларнинг тарқалиши. Табиий ресурслар мамлакатлар орасида бир маромда тарқалмаган. Фақат дунёнинг бир неча улкан мамлакатларигина (Россия, АҚШ, Канада, Хитой, ЖАР, Австралия, Қозоғистон) уларнинг кўп турларига эга.

Деялри бирорта мамлакат замонавий иқтисодиёт учун етарли бўлган барча минерал ҳом-ашё захираларига эга эмас ва уларнинг импортсиз туролмайди.

Ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатлар томонидан товарлар ишлаб чиқариш учун кўп миқдордаги ресурслар ишлатилади. Уларнинг кўпчилиги ўз ресурсларини ишлатиб бўлган ва уларни сайёрамизнинг бошқа ҳудудларидан олиб киради.

Товар ишлаб чиқариш ҳажмлари кичик бўлган ривожланаётган давлатларда ресурслар захиралари етарли миқдорда бўлиб, улар табиий бойликларни ривожланган мамлакатларга сотади.

Шу сабабли дунёда ривожланаётган мамлакатлар жойлашган ҳудудлардан ривожланган мамлакатлар жойлашган ҳудудларга ҳом-ашё тарнспорти оқимлари шаклланган. Шимолий Америкага, Ғарбий Европага, Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиёга Африка, Лотин Америкаси, Жанубий ва Жанубий-Ғарбий Осиё мамлакатлари ўз ресурсларини йўналтиради. Канада ва Австралия сингари айрим ривожланган мамлакат ҳам ўз ҳом-ашёларини четга сотиш учун йўналтиради.

Бунда харидорларнинг ҳом-ашё етказилишидан боғлиқлиги ўсиб боради, табиий ресурсларни сотувчи-мамлакатларда эса ҳом-ашё қазиб чиқаришдан бошқа соҳалар ривожланмайди.

Шу сабабли бир қатор мамлакатлар ўз табиий-ресурс потенциалларини самаралироқ ишлатишга ҳаракат қилмоқда.



1. Танлов асосида атласлар ва қўшимча манбалар ёрдамида турли ҳудудларнинг табиий-ресурс потенциалларини солиштириг – Чет эл Европаси, Чет эл Осиёси, Лотин Америкаси, Шимолий Америка, Австралия ва Океания, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги. Ҳар бир ресурс турига бир баллдан қўйинг. Умумий яқун ясанг ва ҳулосаларни шакллантиринг. Ҳулосаларда ресурс билан таъминланганликнинг муҳим омиллари/сабабларини тушунтириб беринг. Ортиқча қайтарилишлар бўлмаслиги учун синфдошларингиз билан солиштирилаётган ҳудудларни келишиб олинг. Натижаларни жадвал кўринишида аск эттиринг. Заруратга қараб сатрларни қўшиб боринг. Масалан, минерал ресурсларни санаб чиқиётганда “нефть”, “газ”, “қалай рудалари” ва б. сатрлар пайдо бўлиши мумкин. Сув ресурсларини санаб ўтишда “дарёлар”, “кўллар”, “минерал сувлар” ва ҳ.к. сатрларнинг пайдо бўлиши ўринлидир.

Табиий ресурс	1-худуд	2-худуд
Минерал ресурслар		
Ер ресурслари		
Ўрмон ресурслари		
Сув ресурслари		
Биологик ресурслар		
Жами		
Хулоса		

2. Синфдошларингизнинг жавобларини ўрганиб чиқинг ва сайёрамизнинг табиий ресурслар билан энг кўп ва энг кам таъминлаган ҳудудларини аниқланг. Ҳудудлар рейтингини тузинг.

“Салом, сайёра” геомашқ. Чап ва ўнг томонингиздаги қўшнилари-гизни бирон бир чет тилида олқишланг. Машқ тезлигини ошириш учун топшириқни барча бир вақтда бажариши лозим. Олқишладан олдин қўшни билан нигоҳ орқали алоқа ўрнатиб унга жилмайиб қўйиш лозим. Олқишларни иложи борича такрорламасликка ҳаракат қилинг. Олдиндан сўзларни ёдлаш ва карталарни тайёрлаб олиш мумкин.

Табиий – ресурс потенциалидан фойдаланиш. Параграф бошида айтиб ўтилганидек, потенциал – бу имкониятлар. Дунёда улкан ресурсларга эга бўлган мамлакатлар мавжуд, бироқ улар камбағал (Африка, Осиё, Лотин Америкаси мамлакатлари). Мамлакатлар борки, уларда деярли табиий бойликлар мавжуд эмас, лекин улар сайёрамизнинг энг таъминланган мамлакатлари сафига киради (Япония).

Биринчи гуруҳ мамлакатари ўз бойликларига тежамкор муносабатда бўлмай, уларни табиатдан катта миқдорларда олади ва арзон нархда сотиб юборади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлари фанга, ижодга, инновацияларга ва янги технологияларга таяниб ҳар бир турдаги табиий ресурсдан оқилана фойдаланади ва миллий бойликларини кўпайтиришга эришади.

Масалан, Австралия улкан яйловларга эга бўлиб, қўй етиштиради. Уларнинг сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Австралия қўйлариниг жуни бутун дунё бўйлаб катта талабга эга. Лекин қўй гўшти бозори чекланган бўлиб, уни Европа ва Америка мамлакатлари деярли истеъмол қилмайди, унинг ўрнига мол, чўчқа ва товуқ гўшти ва балиқни хуш кўришади. Қўй гўшти эса асосан мусулмон давлатларида истеъмол қилинади. Бироқ ушбу мамлакатлар қўйларни ислом меъёрларига асосан сўйилгандагина сотиб олишлари мумкин. Шу сабаб австралия фермерлари ўз ишлаб чиқаришларини қайта ташкиллаштириб, “Халол” мусулмон сифат стандартига ўтишди ва ўз маҳсулотларини мусулмон мамлакатларига жадал сотиб келмоқдалар. Бу, табиат бойликлари, хўжалик юритиш анъаналари, харидорларга ҳурмат мамлакат бойлигини кўпайтириб берганлигига ёрқин мисол.

- Бугунги кунда дунёда табиий-ресурс потенциални сақлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари шаклланган:
- Фойдали қазилмаларни ўзлаштириш технологияларини замонавийлаштириш;
- Олинаётган ҳом-ашёнинг барча компонентларини комплекс тарзда қайта ишлаш ва аста-секин камчиқиндили ва чиқиндисиз технологияларга ўтиш;
- Ишлатиб келинаётган технологияларнинг материал ва энергия сарфини камайтириш;
- Айрим турдаги табиий ресурсларни бошқа материаллар билан алмаштириш;
- Чиқиндилардан иккиламчи фойдаланиш;
- Ноанъанавий энергия манбаларидан ва янги материаллардан фойдаланиш;
- Янгиланадиган ресурсларни(сувлар, ўрмонлар, тупроқлар) тиклаш бўйича комплекс тадбирларни ўтказиш;
- Далаларни қайта ишлашда ва суғоришда янги технологияларни тадбиқ этиш;
- Барча соҳа корхоналарида тозалаш ускуналарини ўрнатиш.



1. Исроил собиқ бош вазири Шимон Переснинг 2015 йил Киевда айтган нутқи қисмини ўрганиб чиқинг (қисқартиришлар билан чоп этилмоқда) ва битта гап билан унинг асосий ғоясини ёритинг.



“Биз ўз еримиз тўғрисида орзу қилар эдик, бироқ биз олган ер, орзу эмас эди. У кичкина бир қийтиқ, Яқин Шарқнинг мингдан бир қисми эди. Бу ер бизга унчалик яхши муносабатда бўлмади. У ерда ботқоқликлар, чивин, жанубда чўл, тошлар бор эди. Чивинларни ёки тошларни танлаш лозим эди. Унда иккита кўл бўлиб, унинг бири ўлик, иккинчиси ўлиб бораётган эди. Машҳур дарё бор эди- бироқ унда сув йўқ эди. Яъни умуман сув йўқ эди. Хеч қандай табиий

ресурслар мавжуд эмас эди – на олтин ва на нефть. Ўша пайтда ай-тишардики, Яқин Шарқда икки турдаги мамлакатлар бор, бирлари нефтли, бошқалари авлиё. Бизниг мамлакатимиз буткул авлиё эди, чунки унда умуман ҳеч нарса йўқ эди.

Биз ўйлаб кўрдик: Табиатнинг энг катта иноми – бу одам. Одамлар ерни бойитишди, ер одамларни эмас.

Биз ҳаммамиз олимларга айландик. Исроилдаги ҳар бир фермер, ҳар бир кибуц қандай қилиб сувсиз ва ерсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мумкинлигини ўйлай бошлади. Биз уни ривожлантира бошладик. Бу дунёдаги биринчи хай-текка асосланган қишлоқ хўжалиги бўлди.

Бизни ҳайрон қолдиргани, ташкил этилган қишлоқ хўжалигини нафақат ерда, хай-текда ҳам ишляпти. Бугун бизда сув етарли. Сувни одатда топишади – уни ишлаб чиқаришмайди. Биз уни ишлаб чиқара бошладик. Ва ютуқларга эришдик. Биз сувни чучуклаштира бошладик, кам сув ичадиган сабзавотларни қидириб топдик, селекция билан шуғулландик. Мана сизга ҳақиқий сир: келажак учун сиз топган нарса эмас, ишлаб чиқарган нарса муҳим.

Барча одамларда потенциал жуда катта. Аммо уларнинг ҳаммаси биров ялқовроқ. Бирор нарсага эришмоқчи бўлсангиз меҳнат қилиш керак. Осмондан ҳеч нарса тушмайди. Биз Исроилда жуда кўп ишладик. Буни нимаси ёмон? ... Фақат пессимист бўлманг – бекорчи вақт кетказиш, айниқса замонлар ўзгараётган пайтда.

Фаннинг орқасидан бориш керак. Фанда чегара, чекловлар мавжуд эмас... ”

2. Исроилнинг табиий –ресурс потенциалини баҳоланг.

3. Исроил бугун самарали иқтисодиётга эга мамлакат бўлишига қандай омиллар туртки бўлди?

Геофакт. Давлатлар ҳаво ҳудудларига эга, яъни давлатнинг қуруқлик ва сув ҳудуди устида жойлашган ҳаво бўшлиғига эга. У давлат ҳудуди таркибига киради. Униг ён чегаралари бўлиб қуруқлик ва сув ҳудудлари чегаралари устидан ўтувчи вертикал текислик ҳисобланади. Давлатларнинг ҳаво ҳудудлари юқори чегаралари тахминан 100-110 км баландликда жойлашган.



Яқун ясанг

1. Карталар, қўшимча ахборот манбаларидан ва табиий-ресурс потенциалларини солиштириш бўйича топшириқ натижаларидан фойдаланиб таъминланганлиги бўйича дунёнинг 10 та биринчи мамлакатини аниқланг: а) ресурсларнинг кўп турлари билан; б) алоҳида турдаги ресурслар билан. Ушбу мамлакатларда қандай ўхшашлик бор?
2. Табиий ресурслар билан кам таъминланган мамлакатларни аниқланг. Ушбу мамлакатларда қандай ўхшашлик бор?
3. Австралия ва Исроилнинг қайси тажрибаси Қозоғистон учун айниқса фойдали бўлиши мумкин?
4. “Қозоғистон табиий-ресурс потенциали” мавзусида полилог тайёрланг.

Саволларнинг тахминий рўйхати.

- Мамлакат табиий ресурсларнинг қандай турларига эга?
- Қандай ресурсларни бошқа мамлакатлардан сотиб олиш керак?
- Мавжуд ресурслардан нима ишлаб чиқариш мумкин?
- Алоҳида турдаги ресурсларни нималар билан алмаштира бўлади?
- Улардан яна янги нима ишлаб чиқиш мумкин?
- Алоҳида ресурсларни бошқача қилиб қандай ишлатса бўлади?
- Ресурсларни қандай қилиб кўпайтириш ва тежаш мумкин?

Даре мақсади:

- Маҳаллий компонентни қўшимча қилган ҳолда алоҳида турдаги табиий ресурсларни қайта ишлаш технологияларини тавсифлаш асосида тайёр маҳсулот турлари марказларини айтиш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- алоҳида турдаги табиий ресурслар қандай қайта ишланади;
- турли табиий ресурслардан қандай маҳсулот олинади;
- табиий ресурсларни қайта ишлаш марказлари қаерларда жойлашган.

**ҚАЙТА ИШЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ТАБИЙ
РЕСУРС**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
МАРКАЗЛАРИ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
ЖОЙЛАШТИРИШ
ОМИЛЛАРИ**

АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Алоҳида турдаги табиий ресурсларни қайта ишлаш технологиялари.

Нефтни қайта ишлаш. Ҳом нефтни тозалаш ва қайта ишлаш нефтни қайта ишлаш заводида (НҚИЗ) амалга оширилади. Бу ерга нефтни қувурлар орқали, темир йўл ёки денгиз танкерларида олиб келинади.

НҚИЗда олдин ундан турли механик аралашмаларни ва эриган газларни ажратилади, ортиқча туз ва сувдан тозаланади.

Нефтни қайта ишлашни бирламчи ва иккиламчи турларга ажратилади.

Нефть таркибига суюқ, қаттиқ, ярим қаттиқ, газ-симон ҳолатларда 1000 дан ортиқ моддалар киради. Шу сабабли у аниқ қайнаш температурасига эга эмас. Унинг таркибидаги айрим моддалар кичик температурада, айримлари эса юқори температураларда қайнайди. Нефть таркибидаги бир хил қайнаш температурасига эга бўлган моддалар гуруҳи фракция дейилади.




Рис. 4. Нефтни бирламчи қайта ишлаш

Нефтни бирламчи қайта ишлаш ёки ректификация – бу нефтни фракцияларга ажратиш жараёни. У махсус ректификацион колонналарда амалга оширилади (4-рсм). Унда қиздирилган буғнинг совиб боровчи юзаларда конденсацияси рўй беради.

Ҳом нефть махсус ўчоқда 320-390 °С гача қиздирилади, бу унинг буғланишига олиб келади. Қайноқ нефть буғлари улкан фракцион ажратиш колонналарга иссиқ суюқлик ва буғ ҳолатида йўналтирилади. Унда фракцияларга бўлиниш содир бўлади. Енгилроқ моддалар колоннанинг юқори қисмига кўтарилади, оғирроқлари колоннанинг пастки қисмига йиғилади. У ерда турли фракциядаги буғлар кетма-кет конденсацияланади ва махсус совуқ ликобларга тушади – улар 30 дан 60 тагача бўлиши мумкин. Ҳар бир ликобдаги конденсат колоннадан чиқарилади ва алоҳида йиғилади.

Одатда 6 та фракцияга ажратиш амалга оширилади:

1) Газлар (қайнаш нуқтаси 40°С гача). Асосий компонентлари – метан, пропан ва бутан. Турли пластмассалар ишлаб чиқаришда ёқилғи сифатида фойдаланилади.

2) Бензин (40-180°С). Ундан автомобиль ва авиацион бензин олинади.

3) Керосин(180-270°С). Ракета ёқилғиси сифатида ишлатилади.

4) Солярали ёғлар (270-360°С). Мойловчи ёғлар ва дизель ёқилғиси олишда фойдаланилади.

5) Мазут (360-550°С). Мойловчи ёғлар ва минерал ёғлар, вазелин, парафин олишда ишлатилади.

Асфальт (550°С дан юқори). Бу фракцияга қолдиқ қаттиқ ва ярим қаттиқ материаллар киради.

Нефтни ҳайдагандан кейин қоладиган материал гудрон деб аталади ва у йўл ва қурилиш қопламалари учун ишлатилади.

Нефтни иккиламчи қайта ишлаш – бу маълум хоссаларга эга бўлган нефть маҳсулотларини, шунингдек нефтькимё саноати учун ҳом-ашё олиш мақсадида айрим фракциялар таркибига кирувчи моддалар молекулаларини кимёвий усулда ўзгартириш. Бундай ҳом-ашёдан синтетик каучуклар ва резиналар; синтетик матолар; пластмассалар; полимер пленкалар(полиэтилен, полипропилен); ювиш воситалари; эритгичлар; бўёқлар ва локлар; бўёвчилар; ўғит; заҳарли кимё маҳсулотлари; мум ва к.б.

Нефтни ҳайдаш чиқиндиларидан кокс ишлаб чиқарилади. Ундан электродлар ишлаб чиқаришда ва металлургияда фойдаланилади. Нефздан олинандиган олтингурут сульфат кислотаси ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Нефтни қайта ишлаш жараёни кимёвий бирикмаларнинг атмосферага чиқарилишига олиб келади, жараён шовқин ва ҳид ажралишлари билан бирга кечади. Шу сабали НҚИЗ аҳоли яшаш жойларидан етарли даражада узоқроқда ва ҳом-ашёни етказиш ва маҳсулотларни олиб чиқиш учун транспорт тармоқлари яқинида жойлашиши лозим. Кўпчилик НҚИЗ да кўп миқдордаги буғ ва совитувчи сув кераклиги сабабли, яқин жойда сув ҳавзаси - дарё ёки кўл бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда нефть маҳсулотларини денгиз транспорти ёрдамида ташишни энгиллатиш учун заводларни портларга яқин жойга жойлаштирилади.

Дунё нефтни қайта ишлаш саноати асосий эътибори нефть ва нефть маҳсулотлари асосий истеъмолчиларига-ривожланган мамлакатларга йўналтирилган. Айниқса АҚШ (дунё НҚИЗлари қувватининг 21%), Ғарбий Европа (20%), Россия (19%), Япония (6%) улушлари катта.

Қозоғистоннинг йирик НҚИЗлари Атирау, Павлодар ва Чимкент шаҳарларида жойлашган.



1. НҚИЗ га нефть қаердан ва қандай йўл блан олиб келинади?
2. НҚИЗни жойлаштириш учун қандай шароитлар зарур?
3. НҚИЗлари қурилишига қандай экологик талаблар қўйилади?
4. Вақт лентасида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг кетма-кетлигини кўрсатинг.




Рудали фойдали қазилмаларни қайта ишлаш. Рудали фойдали қазилмаларга темир рудалари ва рангли металл рудалари киради. Мис ишлаб чиқариш учун асосан мисли колчедан ишлатилади, алюминий ишлаб чиқаришга – бокситлар, қўрғошинга – галена минерали, рухга-йилтироқ рухтош ишлатилади. Бир неча металлларни ўз таркибига олган рудалар ҳам мавжуд, масалан, мис, рух, қўрғошин, қалай ва б.бундай рудаларн полиметалл рудалар деб аталади.

Темир ва унинг қотишмаларини **қора металллар** деб аташади; мис, алюминий, қўрғошин, рух, қалай ва бир нечта бошқа муталлар **рангли металллар** деб аталади.

Металлларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган саноат соҳаси **металлургия** деб аталади. Металлларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш усуллари кетма-кетлиги **металлургик жараён** дейилади(3-схема).

Схема 3



Металлургияк жараёнларга рудадан тортиб то металл қўймаси-гача бўлган айланишлар занжири кириштириш мумкин:

- Рудани қазиб олиш: шахта(ёпиқ) ёки карьер (очиқ) усулда;
- Рудани бўлаклаш;
- Рудани майдалаш;
- Рудани бойитиш;
- Концентратни металлургияк қайта ишлаш;
- Металлни тозалаш;
- Товар маҳсулотини (чўян, пўлат, прокат, қотишмалар) ва тайёр буюмларни ишлаб чиқариш.

Металлардан конструкцион материаллар тайёрланади.

Металлар ва уларнинг **қотишмалари** – замонавий цивилизациянинг энг асосий конструкцион материали. Бу уларнинг мустақкамлиги, бир таркиблилиги ва суюқлик ва газларни ўтказмаслиги билан белгиланган. Бундан ташқари қотишмаларнинг таркибини ўзгартириб, жуда кенг доирада металлларнинг хусусиятларини ўзгартириш мумкин.

Металл ишлаб чиқариш катта миқдордаги ҳом-ашёни талаб этади ва шунинг учун завод ва комбинатларни ҳом-ашё манбалари яқинига ёки уларнинг транспорти йўналишларига(темир йўлларга) яқин жойлаштирилади. Товарларни тез истеъмолчиларга етказишда транспортнинг аҳамияти катта. Металлургияк жараён катта миқдордаги сув талаб этади, шу сабаб сув объектларининг мавжудлиги – муҳим шарт. Харидорга яқинлиги ҳам муҳим. Бугунги кунда асосий ўринларни экологияк омил ҳам эгалламоқда.

Тўлиқ цикли металлургияк заводларни ҳом-ашёга ва ёнилғига яқин, ёки руда(ҳом-ашё) ва ёқилғи оқими бўйлаб жойлаштирилади.

Айрим заводлар (қайта қурилган ёки кичик) металлургия (машинасозлик заводларининг чиқиндиларига) мослаштирилган, шунинг учун харидорга мослашиб йирик шаҳарларда жойлаштирилади.

Қора металлургиянинг асосий маҳсулотлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: қайта ишланган (пўлат қуйиш учун) ва қўйма чўянлар(қолипли қўймалар учун); ферроқотишмалар; пўлат қўймалар – сортли прокат ишлаб чиқариш учун (рельслар, балкалар, прутоклар, симлар, листлар, қувурлар ва ҳ.к.) ва темирчилик қўймалари - машиналарнинг болғаланган йирик деталларини ишлаб чиқариш учун (валлар, роторлар, турбиналар, дисклар ва ҳ.к.).

Рангли металлургиянинг асосий маҳсулотлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: рангли металл қўймалари, сортланган прокат учун(бурчаклар, қалин симлар, полосалар ва ҳ.к.); машинасозлик заводларида шакли қўймалар учун рангли металл қўймалари (чушқалари); лигатура – қолипли қўймалар учун мураккаб легирланган қотишмаларни ишлаб чиқариш учун; машинасозлик эҳтиёжлари учун тоза ва ўта тоза металл қўймалари.

Металлургик корхоналар фойдали қазилмалар конлари яқинида ва сув энергетик рурлар мавжуд бўлган республиканинг тўртта вилоятида жойлашган (Костанай, Қарағанда, Ақтүбинск, ва Павлодар).

Қарағанда вилоятининг Темиртау шаҳрида тўлиқ циклли металлургик комбинат фаолият юритмоқда. Ақтобе шаҳрида Ақтүбинск рухли қотишмалар заводи ишлаб турибди.

Темир рудаси қора металлургияни ривожлантириш учун 50 та дунё мамлакатларида қазиб олинади ва қазиб олиш бўйича илғор мамлакатлар бу, Хитой, Бразилия, Австралия, Россия, Ҳиндистон ҳисобланади. Энг йирик пўлат ишлаб чиқарувчи мамлакатлар Хитой, Япония, АҚШ, Россия, Германия ҳисобланади. Пўлатни энг кўп импорт қилувчилар: ЕИ мамлакатлари, Япония, СНГ давлатлари.

Рангли металлургиянинг йирик марказлари Шарқий –Қозоғистон, Алмати, Жанубий Қозоғистон, Қарағанда, Костанай, Павлодар вилоятларида жойлашган.

Мис қуйиш бўйича илғорлар Чили, АҚШ, Индонезия, Россия, Канада. Мис саноатининг энг йирик ҳудудларидан бири “Мис минтақаси” бўлиб, у Марказий Африкада жойлашган. Алюминийнинг асосий ишлаб чиқарувчилари: Хитой, Россия, Канада, АҚШ, Австралия, Бразилия, Норвегия ҳисобланади. Қалай ишлаб чиқаришда Хитой, Индонезия, Перу, Бразилия, Боливия, Малайзиялар илғор ўринни эгалайдилар. Қўрғошин ва рухнинг энг катта ишлаб чиқарувчилари АҚШ, Япония, Канада, Австралия, Бразилия ҳисобланади.



1. Қора ва рангли металларни қайта ишлаш ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқ мавжуд?
2. Рудали фойдали қазилмаларнинг қайта ишланиши босқичларини схема кўринишида кўрсатиб беринг.



“Буюмни кўриб ол” геомашқ. География дарсларига тегишли бўлган бир буюмни танланг. Уни диққат билан кўриб чиқинг. Ушбу буюмда бошқалар сезмааслиги мумкин бўлган хусусиятларни топинг. Ушбу хусусият тўғрисида синфингизда гапириб беринг ва буюмни ўйиннинг бошқа иштирокчисига беринг.

Табий ресурсларга ишлов бериш марказларининг тавсифи режаси. Иқтисодий географияни ўрганиш жараёнида турли иқтисодий марказларни ва соҳаларини тавсифлашни амалга оширишигизга тўғри келади.

Ушбу параграфда муаллифлар **табиий ресурсларга қайта ишлов бериш марказлари тавсифларининг** умумлашган режасини таклиф этмоқдалар:

- Маълум турдаги табиий ресурсларни қайта ишловчи соҳа номи ва аҳамияти;
- Қайта ишлашнинг асосий технологик босқичллари;
- Қайта ишлашнинг асосий ва қўшимча маҳсулотлари;
- Соҳани жойлаштириш омиллари;
- Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича –Қозоғистон ҳудудлари ва мамлакатлар.



1. Табиий ҳом-ашёни қайта ишлаш марказларидан бирини (танловингизга асосан) тавсифлаб бериг.
2. Сизнинг ҳудудингизда қандай турдаги табиий ресурслар қайта ишланади?

Табиий ресурсларни қайта ишлаш соҳасидаги муҳим ишчилари бўлиб муҳандис ва технологлар ҳисобланади.

Геофакт. Қозоғистон майдони ғарбдан шарққа қараб 3000 км га ва шимолдан жанубга 1600 км га ястанган. Ернинг марказигача масофа 6371 км, космосгача, Халқаро аэроавтика федерациясининг ўрнатганига кўра – 100 км.

Яқун ясанг



1. Табиий ҳом-ашё турларини қайта ишлаш технологиялари қандай қилиб ҳудудларнинг табиий-ресурс потенциалларининг очилишига ёрдам бериши мумкин? Жавобингизни мисоллар билан тасдиқланг.
2. Ҳом-ашё захиралари тугаган тақдирда ҳом-ашёни қайта ишловчи корхоналардан қандай фойдаланиш мумкин? Жавобингизни мисоллар билан тасдиқланг.
3. Параграфда таърифланган, табиий ресурсларни қайта ишлаш марказларини жойлаштириш омиллари рўйхатини тузинг.
4. Табиий ресурсларни қайта ишлаш марказларини жойлаштиришда қайси омил борган сари муҳимлашиб бормоқда?

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

5.2. Ижтимоий-иқтисодий ресурслар

53

Иқтисодий инфратузилма элементлари ва функциялари

Даре мақсади:

- Қозоғистон компонентини қўшимча қамраган ҳолда иқтисодий инфратузилма элементлари муҳимлигини уларнинг тавсифлари асосида баҳолаш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Иқтисодий инфратузилма нима;
- Инфратузилма объектларининг вазифаси нима;
- Қандай объектлар иқтисодий инфратузилмага кирди.

**МОЛИЯВИЙ
ИНФРАТУЗИЛМА**

**САВДО
ИНФРАТУЗИЛМАСИ**

**ИҚТИСОДИЙ
ИНФРАТУЗИЛМА**

Иқтисодий инфратузилма. 7-синфда аниқланган эдики, саноат ва қишлоқ хўжалиги турли маҳсулот ишлаб чиқаради. Уларни ишлаб чиқариш учун кўплаб хизматлар, иншоотлар, компаниялар керак бўлади ва уларсиз товар ишлаб чиқариш имконияти бўлмас эди. Бу энергия ва сув таъминоти, омборхона хўжалиги, йўллар, транспорт компаниялари ва маблағлар. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этади. Товар ишлаб чиқариш учун кадрларни тайёрлайдиган ўқув муассасалари ҳам керак. Мактабалар, боғчалар, касалхоналар, клублар, туристик марказлар, яъни, одамларга ишлаши, даволаниши, таълим олиши, дам олиши учун керак бўлган барча нарсалар зарурдир. Бу билан ижтимоий инфратузилма шуғулланади.

Бу параграфда иқтисодий инфратузилма ҳақида гап боради.

Иқтисодий инфратузилма – бу, товарлар ва хизматлар, пул, қимматли қоғозлар, ишчи кучи ҳаракатини таъминловчи корхона ва ташкилотлар тизими. Уларга биржалар, банклар, дилерлик ва брокерлик идоралари, бандлик хизматлари, ахборот-тижорат, улгуржи ва савдо-таъминот ташкилотлари, ижара ва лизиг пунктлари кирди.

Иқтисодий инфратузилманинг хусусияти шундаки, у маҳсулот ишлаб чиқармайди, лекин уларнинг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши учун шарт-шароитларни яратади.

Иқтисодий инфратузилманинг асосий белгилари.

Тизимлилик. У ўзаро яқин алоқада бўлган кўплаб компаниялар, маблағлар, иншоатлардан иборат.

Ресурсларга эҳтёжлилик. Йирик инфратузилма объектларини яратиш катта маблағларни талаб этади. Шунинг учун уни яратиш учун давлат ва йирик бизнеснинг иштироки зарур.

Мустаҳкамлиги. Инфратузилма моддий объектлари узоқ муддат фойдаланиш учун яратилади.

Универсаллиги. Инфратузилма қандайдир алоҳида завод, фирма, ҳудуд ёки шаҳарга хизмат қилишга йўналтирилмаган. Ундан барча фойдаланиши мумкин.



1. Ўз ҳудудингиздаги инфратузилма объектларидан бирини (масалан, савдо)кўриб чиқинг ва у тизимлилик, ресурсга эҳтёжлилик, мустаҳкамлик, универсаллик белгиларига мос келишини аниқланг. Жавобларингизни даллилар билан тасдиқланг.

“Бир сўз билан аташ” геомашқ. Олиб борувчи қайсидир белгисига асосан бир гуруҳга мансуб бўлган бир қанча объектларнинг номи-ни айтади, синф эса ушбу номларни бир сўз билан бирлаштириши лозим.

Иқтисодий инфратузилма таркиби.

Бозор инфратузилмаси қуйидаги элементлардан ташкл топади:

Савдо ташкилотлари ўзлари товар ишлаб чиқармайди. Уларнинг асосий вазифаси яратилган неъматларни сотишдан иборат. Бир томондан улар ишлаб чиқарувчиларни асбоб-ускуналар, технологиялар, ҳом-ашё билан таъминлайди, иккинчи томондан – улар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотади, аҳолининг улардаги эҳтиёжни қондиради.

Биржа. **Биржа** – бу ташкиллаштирилган ва доимий фаолият юритувчи ташкилот бўлиб, унда товарларнинг йирик партиялари, валюта ва ҳ.к. олди-сотдиси амалга оширилади.

Товар биржаси - биржа товарларининг олди-сотдиси амалга ошириладиган жой. Биржалар савдо-сотик учун барча шароитларни яратиб беради. Биржа товарларига 100 дан ортиқ турдаги товарлар киради ва улар тўлиқ ёки қисман биржа орқали сотилади. Уларнинг улушига халқаро савдонинг 20% тўғри келади. Бу – бошоқли, ёғли, толали экинлар, тирик мол, гўшт, шакар, кофе, какао, ўсимлик ёғи, картошка, қалампир, тухум, ер ёнғоқ, апельсин шарбати концентрати, ёғоч тахта материаллари, фанер, табиий каучук, мис, қалай, рух, қўрғошин, никель, алюминий ва қимматбаҳо металллар, нефть ва нефт маҳсулотлари.

Фонд биржаси – бу, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, уларнинг бозор нархи ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тарқтилиши амалга ошириладиган жой. Қимматли қоғозларни паст курсда сотиб олиб ва баландроқ курсда сотиб катта биржа даромадига эга бўлиш мумкин.

Валюта биржаси – бу, миллий валюталарнинг эркин олди-сотдиси амалга ошириладиган жой. Валюта биржасининг тўғридан-тўғри вазифаси чет эл валютасининг нархини ифодаловчи валюта курсини аниқлашдан иборат.

Меҳнат биржаси – бу ишчи кучини жалб қилинаётган пайтда корхоналар ва ишчилар ўртасида воситачилик қилувчи ташкилот(бандлик маркази, ишга жойлашиш маркази). Меҳнат биржасининг асосий вазифалари: ишсизлар ёки иш жойини алмаштиромоқчи бўлганлар учун иш қидириш, ишчи кучига ва аниқ касбларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, иш берувчиларга талаб этиладиган янги касбларни ўргатиш ва қайта ўргатиш. Таназзул ва ишсизликнинг кескин ортиши билан меҳнат биржасининг ижтимоий аҳамияти юқорига қараб кўтарилиб боради.

Савдо-сотиқнинг бир шаклларида бири аукцион ҳисобланади.

Аукционлар - бу, очиқ савдо йўли билан олдиндан ўрнатилган вақтда, махсус тайинланган жойда аукцион товарлари савдосини ташкиллаштирадиган махсус компания. Улар одатда ўз маблағлари ҳисобига ишлаб чиқарувчилардан маҳсулотларни улгуржи сотиб олиб, қимматроқ нархда сотадилар ва катта фойда оладилар. Аукционлар ташкилотчиси сифатида музейлар, баъдий салонлар, кўرғазмалар бўлиши мумкин. Аукцион товарлар шахсий сифатларга эга бўлиб, камдан кам стандартлаштирилади. Аукционга қўйилаётган товар лот деб аталади. Дунёнинг энг йирик аукционлари: Christies, Sotheby's, eBay, Amazon, Taobao.

Банклар. Бозор иқтисодиёти барча қатнашчилари орасида пул муомаласини таъминловчи ташкилотлар банклар ҳисобланади. Қозоғистоннинг замонавий банк тизимини Миллий банк ва тижорат банклари ташкил этади.

Нобанк ташкилотлари, пул маблағлари билан ишловчи бироқ банк мақомига эга бўлмаган ташкилотлар. Уларга суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари, инвестиция фондлари, кредит ташкилотлари, ломбардлар ва ҳ.к. киради.



Ўзингизга қулай бўлган шаклда қуйида келтирилган иқтисодий инфратузилма объектларининг ҳар бирининг вазифалари тўғрисидаги ахборотни тайёрланг.

 <p>ДЎКОН</p>	 <p>ЛОМБАРД</p>	 <p>ВАЛЮТА АЛМАШТИРИШ ШАХОБЧАСИ</p>
 <p>БАНК</p>	 <p>АУКЦИОН</p>	 <p>МЕҲНАТ БИРЖАСИ</p>



Аҳолининг мурожаати сонидан келиб чиқиб ушбу объектларнинг рейтингини тузинг. Ўз рейтингизни тушунтириб беринг.



Геофакт. Шаҳарларда ҳавонинг тозалиги ва баландликни психологик қабул қилиш нуқтаи назаридан тиббиётчиларнинг ва экологларнинг фикрича 5-7 қаватларда яшаш идеал ҳисобланар экан. 5- қавт-гача автомобил чиқинди газлари етиб бормас, 7-қаватдан кейин эса корхоналарнинг зарарли чиқиндилари тўпланар экан.

Иқтисодий инфратузилма соҳасида *брокерлар, дилерлар, маклерлар, молиявий таҳлилчилар, сотувчилар* иш олиб боради.



Яқун ясанг

1. Оддий дўконларда йирик партияларда буғдой, пахта, какао, мис, қалай нефть ва нефт маҳсулотларини, тирик чорвани сотиб олиш мумкинми? Улар қаерда сотилади?
2. Параграфда келтирилган иқтисодий инфратузилма объектларини жойлаштиришнинг энг маъқул жойларини гуруҳда муҳокама қилинг ва таклиф беринг. Ўз танловингизни тушунтиринг. Ўз қарорларингизни картосхемада кўрсатинг.
3. Сизнинг аҳоли пунктингизда иқтисодий инфратузилманинг қандай элементлари мавжуд? Ўз юртингизни қандай янги объектлар билан тўлдиришни истар эдингиз?
4. Иқтисодий инфратузилма объектлари бўлмаган тақдирда, аҳоли ва ишлаб чиқариш қандай муаммоларга дуч келар эди?

№9- амалий иш

1. Матнни ўқинг ва унга ном беринг.


Хўжалик мақсадларида қазиб олинadиган ҳар қандай жисм **табиий ресурс** деб аталади. Табиатдан олинган ва келгуси қайта ишлашга тайёрланган табиий ресурс **ҳом-ашё** деб аталади. Барча қайта ишлаш жараёnlари **технология** дейилади.

Қайта ишлаш жараёнида турли меҳнат воситалари – асбоблар, ускуналар ва б. Ҳом-ашёдан тайёр маҳсулот олинади.

Масалан, мис рудалари – бу мис ажратиб олинadиган барча тоғ жинслари ва минералларнинг умулаштирилган номи. Борнит – бу рудаларнинг бирининг аниқ номи. Уни карьер ва шахта усулида қазиб олишади. Қазиб олинган рудани бойитишади – бойитиш пайтида ажралмайдиган бир қанча аралашималар билан мисни қолдириб, ундан кераксиз элементларни чиқариб ташлашади. Бойитилган рудани **концентрат** деб аташади.

Комбинатларда мис концентратини шахтали печларда эритиб ундан қавариқ мис олинади. Қавариқ мисдан кейинги тозалаш жараёнларидан сўнг қуймалар, қотишмалар, прокат олинади. Қўшимча маҳсулот сифатида сульфат кислотаси, олтин, кумушни айтиш мумкин.

Қўшимча ахборот манбаларидан фойдалниб, схемада бир табиий ресурснинг қайта ишланиши жараёнини унинг ва ундан олинadиган ҳом ашёнинг, технология ва асбобларнинг, асосий ва қўшимча маҳсулотнинг номини киритган ҳолда кўрсатинг.



Дунё контур картасига сиз танлаган табиий ҳом-ашёни қайта ишлаш марказларини киритинг ва униг бундай жолашуви сабабларини тушунтириб беринг.

7 синфда сиз ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасини ўрганиб чиққансиз. Ушбу ва янги билимларингиз асосида қуйидаги корхоналар орасидаги алоқаларни схема кўринишида намойиш қилинг:

Техника, ускуна ва асбоблар сотиш бўйича фирма; 2) Аҳолига тайёр маҳсулот сотадиган дўкон; 3) ишлаб чиқарувчи корхона; 4) банк; 5) меҳнат биржаси ; 6) транспорт фирмаси; 7) омбор хўжалиги; 8) ҳом-ашё сотиш бўйича фирма; 9) ломбард; 10) валюта айрбошлаш шахобчаси; 11) аҳоли.

Ушбу объектларнинг қайси бири кўпроқ ишлаб чиқарувчига керак, қайсилари – аҳолига? Қайсилари иккала томон учун умумий хисобланади?

5.1 ва 5.2 бўлимлар бўйича умумлаштирув

Маълумот

“Табиий ресурслар” 5.1 бўлими ва “Ижтимоий-иқтисодий ресурслар” 5.2. бўлимлар дарслари бўйича

Биласиз:

Табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳолаш – бу уларнинг пулда ифодаланган нарҳини аниқлаш.

Табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳоланишида уларни ўзлаштиришга кетган умумий ҳаражатлар ҳам ҳисобга олинади. Улар техникага, қўшимча материалларга, инфратузилмага ва иш ҳақиға ҳаражатларни ўз ичига олади.

Табиий ресурсларни экологик баҳолаш - бу, экологик чора-тадбирларга кетган ҳаражатларнинг ёки уларни ўзлаштириш билан боғлиқ экологик зарарларнинг пул кўринишидаги қийматини аниқлаш.

Ҳудуднинг табиий-ресурс потенциали – илмий-техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда хўжалиқда ишлатилиши мумкин бўлган, маълум бир ҳудуддаги барча табиий ресурслар.

Табиий ресурс потенциалини баҳолашда муҳим кўрсаткич бўлиб табиий ресурсларнинг *таркиби, миқдори* ва *сифати* ҳисобланади.

Табиий ресурслар мамлакатлар орасида бир маромда тарқалмаган. Фақат дунёнинг бир неча улкан мамлакатларигина уларнинг кўп турлари-га эга.

Ҳар бир мамлакат табиий – ресурс потенциалидан оқилона фойдаланиши лозим, чунки у бир маромда тарқалган эмас.

Хўжалиқ мақсадларида қазиб олинадиган ҳар қандай жисм **табиий ресурс** деб аталади. Табиатдан олинган ва келгуси қайта ишлашга тайёрланган табиий ресурс **ҳом-ашё** деб аталади. Барча қайта ишлаш жараёнлари **технология** дейилади.

Қайта ишлаш жараёнида турли **меҳнат воситалари** – асбоблар, ускуналар ва б. Ҳом-ашёдан **тайёр маҳсулот** олинади.

Иқтисодий инфратузилма – бу, товарлар ва хизматлар, пул, қимматли қоғозлар, ишчи кучи ҳаракатини таъминловчи тизим. Уларга биржалар, банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар, савдо ва воситачи корхоналар, бандлик хизматлари ва ҳ.к. киради.

• Сиз биласиз:

- табиий ресурсларнинг иқтисодий ва экологик баҳосини ҳисоблашни;
- табиий ресурсларнинг баҳосига, табиий ресурслар қайта ишлаш марказларининг жойлаштирилишига, иқтисодий инфратузилма объектларига таъсир этуви омилларни аниқлашни;
- маълум бир ҳудудларнинг табиий – ресурс потенциалларини баҳолаш ва солиштиришни, улардан рационал фойдаланиш йўллари аниқлашни;
- табиий ресурсларни қайта ишлаш жараёнларини ва иқтисодий инфратузилма объектларини режа асосида тавсифлашни;
- карта бўйича табиий ресурсларни қайта ишлаш марказларини аниқлашни;
- Гант диаграммасини қуришни, мавзу бўйича схемалар, картосхемалар ва полилог тузишни.

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

5.3. Дунё хўжалигининг тармоқ ва ҳудудий тузилмаси

55–56

Дунё хўжалигининг тармоқ таркиби: кон, қайта ишлаш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаси

Даре мақсади:

- *Хўжалик соҳаларини классификациялаш: кон ва қайта ишлаш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаси.*

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *кон саноати нима;*
- *қайта ишлаш саноати нима;*
- *хизмат кўрсатиш соҳаси нима.*

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ
САНОАТ ҚАЙТА ИШЛАШ
ҚАЗИБ ОЛИШ

ХИЗМАТЛАР
ИСТЕЪМОЛ
ПРЕДМЕТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ
КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ

Кон саноати. Турли хил ҳом-ашё ва ёқилғиларни ер қаъридан, сув ҳавзаларидан ва ўрмонлардан олиш билан шуғулланадиган барча соҳалари ва ишлаб чиқаришлар **кон саноати** деб аталади. У инсон томонидан яратилмайдиган табиат маҳсулотларини қазиб олади.

Тоғ-кон саноати фойдали қазилмаларни топиш ва қазиб олиш билан, уларни бирламчи қайта ишлаш ва яримфабрикат олиш билан шуғулланади. Унда қуйидаги соҳалар ажратилади:

- Минерал энергетик ҳом-ашё (нефть, газ, кўмир, торф, ёқилғи сланецлар, уран, геотермия);
- Қора ва легирланувчи металл рудалари (темир, марганец, рух, вольфрам, молибден, ванадий);
- Рангли металл рудалари (алюминий, мис, никель, қалай, қорғошин-рух рудалар, сурма);
- Тоғ-кимё фойдали қазилмалари (апатитлар, калийли тузлар, нефелин, селитра, олтингугурт колчедани, борли рудалар, фосфатлар);
- Норудавий индустриал ҳом-ашё ва қуррилиш материаллари (графит, асбест, гил, гранит, доломит, охактош, кварц, каолин, мергел, дала шпати; қимматбаҳо ва ишлов бериладиган тошлар);
- Гидроминерал (ер ости минерал сувлари).

Ов ва ёввойи жониворларни кўпайтириш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Тижорат мақсадларида овлашни ва тутишни;
- Овқатга ишлатиш учун, мўйна, тери олиш учун ёки тадқиқот мақсадларида фойдаланиш учун, ҳайвонот боғларига жойлаштириш учун ёки уй шароитларида парваришlash учун овлаш ва ушлашни;
- Жониворларни овлаш ва ушлаш орқали судралиб юрувчиларнинг, қушларнинг терисини ишлаб чиқариш, мўйна ишлаб чиқаришни;
- Морж ва тюлень сингари денгиз сут эмизувчиларини овлашни.

Балиқ овлаш саноати ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Океанда, қирғоқ олди ва ички сувларда балиқ овлаш;
- Денгиз ва чучук сувдаги қисқичбақасимонларни ва молюскаларни овлаш;
- Сув жониворларини овлаш;
- Денгиз маҳсулотларини: марварид, кораллар ва денгиз ўсимликларини йиғиш.

Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Ўрмон материалларини ва ходаларни ишлаб чиқариш;
- Ўтин, дарахтлар қолдиқларидан ва ўрмон материаллари чиқиндиларидан ёқилғи материалларни йиғиш ва ишлаб чиқариш;
- Ўрмонда ёғоч кўмир ишлаб чиқариш;
- Ёввойи ўсимликларни ва уларнинг меваларини: қўзиқорин, резаворларни, ёнғоқларни, доривор ўсимликларни ва б. териш.

Иқтисодий карта бўйича Қозоғистонда қандай қон саноати соҳалари ривожланганлигини аниқланг. Уларнинг йирик марказларини айтинг.

Ишлаб чиқариш саноати – бу ҳом-ашёга ва ундан олинган ярим тайёр маҳсулотларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш билан шуғулланадиган барча соҳалар. У материалларни ва уларнинг компонентларини янги маҳсулотга қайта ишлаш(хоссаларини механик, физик ёки кимёвий ўзгартириш) билан боғлиқ фаолият турларини қамраб олади. Бошланғич материал бўлиб қишлоқ хўжалиги ҳом –ашёси, ўрмончилик ва балиқ овлаш маҳсулотлари, тоғ жинслари ва минераллар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш саноати ҳам *ишлаб чиқариш воситаларини*, ҳам *истеъмол маҳсулотларини* ишлаб чиқаради.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқларга *металлургия, энергетика, машинасозлик, кимё саноати* киради. Ишлаб чиқариш воситаларига ишлаб чиқариш бинолари, иншоатлари, машиналар, жиҳозлар, ускуналар, асбоблар киради. Улар барча заводларга, фабрикаларга, фирмаларга керак. Уларни ишлатиш орқали бошқа товарлар ишлаб чиқарилади.

Металлургия – конструкцион материаллар ва кимё саноати учун ҳом-ашё ишлаб чиқарувчи саноатнинг комплекс тармоғи.

Конструкцион материаллар - турли конструкциялар, машина деталлари, кучли юкламаларга чидамли иншоатлар элементлари ишлаб чиқариладиган материаллар.

Қора металллар уларга мустаҳкамлик ва қаттиқлик беради. Бутун дунёда эритиб олинадиган ва ишлатиладиган металлларнинг 94% қора металллар улушига тўғри келади.

Рангли металллар, таркибидан келиб чиқиб, конструкцион материалларга иссиқликка чидамлилик (никелли ва кобальтли қотишмалар), энгиллик (алюминий ва магнийли қотишмалар), мустаҳкамлик ва коррозияга чидамлилик (титанли қотишмалар) каби хусусиятларни беради.

Энергетика электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, трансформациялаш ва истеъмол қилиш каби барча жараёнларини бирлаштирувчи, комплекс базавий тармоқ ҳисобланади. Тармоқ таркибига ИЭС, ГЭС, АЭСлар киради.

Иссиқлик электр станциялари (ИЭС) ёқилғини ёқиш йўли билан электр энергияни ишлаб чиқаради. Улар ДРЭС (давлат район электр станциялари) ва иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) шаклида ташкил этилади. Иссиқлик электр станциялари электр энергиясидан ташқари иссиқлик ҳам ишлаб чиқаради ва уни аҳолига ва корхоналарга етказиб беради.

Гидроэлектр станциялар (ГЭС) сув ҳаракатининг энергиясини ишлатади. Дарёларда гидроресурслардан комплекс тарзда фойдаланувчи ГЭСларнинг каскадлари барпо этилади ва уларда элетр энергияси ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқаришларни ва аҳолини сув блан таъминлайди, сув тошқинларини олдини олишда ва транспорт шароитларини яхшилашда фойдаланилади.

Атом электр станциялари атом ёқилғисини ишлатади ва радиоактив материаллар билан ишлайди.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари **энергиянинг алтернатив манбаларини** ривожлантирмоқдалар. Уларга қуёш, шамол, денгиз сатҳи кўтарилиши ва тушиш, Ер қаърининг иссиғи киради. Уларни ишлаб чиқариш экологик тоза бўлиб, асосий ресурси – тугамасдир. “Келажак энергияси” мавзусида Астанада ЭКСПО-2017 бутун дунё Ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди, ва унда энергиянинг алтернатив манбаларидан фойдаланишнинг дунё ютуқлари намойиш этилди.

Энерготизимлар. Иссиқлик, гидравлик, атом электрстанциялари ўзаро юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари (ЭУТ) билан бирлаштирилади ва электрэнергетик тизимларни ҳосил қилинади.

Машинасозлик кўп сонли турлича машина конструкциялари ва уларнинг қисмларини, кесувчи ва бошқа асбоб-ускуналарни ва назорат-ўлчов асбобларини ишлаб чиқаради.

Машиналар – одамлар меҳнاتини енгиллаштириш ёки тўлиқ ал-маштириш учун мўлжалланган маълум даражадаги ишларни бажа-радиган техник мосламалар. Улар меҳнат унумдорлигини оширади. Машиналар турли даражада мураккаб бўлиши мумкин – оддий бир гилдиракли аравадан лифтлар, автомобиллар, босма ва тўқимачилик машиналари, компьютерларгача.

Маҳсулотининг вазифасига кўра машинасозлик қўйидаги соҳа-ларга ажратилади: энергетик, транспорт, қишлоқ хўжалиги маши-насозлиги, станоксозлик, саноатнинг турли тармоқлари ва қурилиш учун машина ва мосламалар ишлаб чиқариш.

Кимё саноати барча хўжалик соҳаларини кимёвий технология-лар ва материаллар билан таъминлайди. У икки асосий қисмлардан иборат: *органик синтез ва полимерлар кимёси (органик кимё)* ва таркибига тоғ-кимё саноатини киритувчи *ноорганик (асосий) кимё*. Унга шунингдек лак бўёқ, анилин бўёқ, фотокимё ва б. соҳалар ки-ради.

Органик кимё этилен, полиэтилен; пропилен, полипропилен, пластмассалар ва синтетик сақичлар, кимёвий толалар ва иплар, синтетик каучук ишлаб чиқаради.

Асосий кимё минерал ўғитлар, кислоталар, ишқорлар, сода ишлаб чиқаради.

Истеъмол буюмларини ишлаб чиқарувчи соҳаларга тўқимачи-лик, трикотаж, тиқувчилик, пойафзал, мебель, гўшт-сут, балиқчи-лик, шакар ва ҳ.к. киради.

Истеъмол буюмлари аҳолига уйда фойдаланиш мақсадида сотиш учун мўлжалланган. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал, бошқа товарлар(маиший техника, енгил автомобиллар, мотоцикллар ва ҳ.к.) киради.



Қозоғистон иқтисодий картасидан ишлаб чиқариш саноатининг қайси соҳалари мамлакатимизда ривожланганлигини аниқланг, уларнинг йирик марказларини айтинг.

“Номенклатура” геомашқ. Бошловчи синфдагиларга 1 дақиқа да-вомида диққат билан картанинг мълум бир қисмини кузатишни таклиф этади. Сўнг синфдагилар ёддан картада кўрган географик объектларни санаб беришлари керак.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хизматларни ишлаб чиқа-ришни ўз ичига олади. **Хизматлар** – истеъмолчи учун маълум қий-матга ва баҳога эга бўлган ҳаракатлар. Хизмат кўрсатиш жараёнида ҳеч қандай моддий буюм яратилмайди. Истеъмолчига ҳаракатлар-нинг ўзи керак. Хизматлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш турларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш хизматлари:

- Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича (юк транспорти ва алоқа, моддий-техник таъминот, ускуналани таъмирлаш ва созлаш, ахборот ва консалтинг хизматлари ва ҳ.к.).

Аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича (йўловчи транспорти, савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизматлар – индивидуал кийим кечак ва пойафзал тикиш, мебель тайёрлаш ва таъмирлаш, кир ювиш ва кимёвий тозалаш, маиший техника, транспорт воиталари, хонадаонларни ва ҳ.к. таъмирлаш).

Ноишлабчиқариш хизматлари:

- **Шахсий:**

1) Маиший шароитларни яхшилаш (сартарошхоналар, косметика хоналари, буюмлар ижараси, хонадонларни йиғиштириш, воситачилик хизматлари);

2) Жисмоний ва маънавий қобилиятларни ривожлантириш билан боғлиқ(таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, саёҳат ва дам олиш, кулблар хизмати, кутубхоналар, томоша кўрсатувчи муассасалар);

- Илмий хизматлар: илмий ишлар, лаборатория тадқиқотлари;
- Ижтимоий хизматлар (бошқарув, жамоа тартибини сақлаш, мудофаа).

Хизматлар ишлаб чиқариш, транспорт, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилма корхоналари томонидан кўрсатилади.



Сизнинг ҳудудингизда қандай хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган? Уларни кўрсатувчи ҳар бир соҳа бўйича камида учтадан корхона номларини келтиринг.



Геофакт. Қозоғистон – олма ватани. Ер юзиде олма дарахти хозирги Қозоғистоннинг тоғли ҳудудларида Хитой чегараси яқинида икки минг метр баландликдан юқорироқда пайдо бўлган.

Яқун ясанг

1. Иқтисодиётда қон, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини мос равишда бирламчи, иккиламчи ва учинчи даражадаги иқтисодиёт тармоғи деб аташади. Тушунтириб беринг, нима учун?
2. Бир турдаги табиий ресурс мисолида қон, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб беринг.
3. Параграф матнида ҳар бир соҳанинг таклиф этилган классификацияланиши белгиларини аниқланг. Қон, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини яна қандай белгилари бўйича ажратиш мумкинлигини фараз қилинг. Сиз томондан таклиф этилган классификациялаш белгилари бўйича мисол келтиринг.



Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш шакллари

Даре мақсади:

- Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини ташкиллаштириш шаклларини, қозоғистон компанентини қўшган ҳолда тавсифлаш.

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакллари;
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари;
- Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари;
- Хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш шакллари.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ

КООПЕРАЦИЯЛАШИШ

КОМБИНАТ

КОМБИНАЦИЯЛАШИШ

ФЕРМА

ЗАВОД

ФАБРИКА

ФИРМА

ИХТИСОСЛАШИШ

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш – мавжуд ресурсларни, шароит ва омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқ бир жойда ва вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат шакли ва тартиби.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шаклларига ихтисослашиш, кооперациялашиш ва комбинациялашиш киради.

Ихтисослашиш – корхона томонидан аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқарилишини билдиради. Ихтисослашиш бир корхонада ва/ёки унинг қуйи бўлинмаларида бўлиши мумкин. Масалан, фақат автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар мавжуд. Бу уларнинг ихтисослашиши. Аммо ушбу компаниянинг ҳар бир цехи бир ёки бир неча операцияни амалга ошириши мумкин, масалан, машина эшигини ўрнатиш. Бу цехнинг ихтисослашиши.

Кооперациялашиш биргаликда бир маҳсулотни ишлаб чиқарувчи турли корхоналар ўртасида мустақкам ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатилишини кўзда тутди. Бунда ҳар бир корхона умумий маҳсулот учун аниқ бир нарсани ишлаб чиқаради. Масалан, автомобиль заводининг бўёқ, ойна, автомобиль мебелини ишлаб чиқарувчилар билан алоқалари бўлади.

Комбинациялаш бир корхонада бир неча, айрим ҳолларда турли тармоқларга тегишли бўлган, бироқ яқин ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришларни бирлаштиришни кўзда тутди. Масалан, автомобиль заводи машиналар учун мебелни сотиб олишдан воз кечиб, ўзи ишлаб чиқара бошлайди. Ёки металлургия заводи ҳом-ашё чиқиндиларидан, одатда кимё саноати ишлаб чиқарадиган сульфат кислотаси ишлаб чиқаради.



1. Сизга таниш бўлган йирик компанияларнинг номларини ва уларнинг ихтисослашувини айтинг.
2. Мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи завод қандай корхоналар билан ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлиши мумкин?
3. Иссиқлик электр маркази (олдинги параграфдан) мисолида ишлаб чиқаришни комбинациялашни аниқланг.

Қишлоқ хўжалигини ташкил этиш шакллари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхона ферма деб аталади. Унинг одатда битта эгаси бўлади. Дунёнинг турли қисмларида ва ихтисослашувидан келиб чиқиб улар турлича аталиши мумкин.

Тропик ва субтропик районларда жойлашган экин етиштириш фермалари *плантациялар* деб аталади. Улар ёлланма меҳнатдан фойланади ва сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаради. Уларнинг асосийлари – кофе, чой, шакар қамиш, каучук, банан, какао, какос ёнғоқлари, ерёнғоқ, пахта, тамаки, цитруслар, ёғ палмаси, гуллар, ананаслар ва б. Плантациялар одатда 5 га дан катта майдонга эга ва 10 тадан кўп ёлланма ишчиларга эга бўлади.

Шимолий Америкадаги чорвачилик фермалари *ранчо* деб аталади. Уларда йирик шохли қора молларни парваришшлашади. Бразилияда исталган йирик қишлоқ хўжалиги фермаси *fazenda* деб аталади.

Австралиядаги қўйчилик фермалаи қўйчилик станциялари (*“шипстейшнз”*) деб аталади. Уларда яйловлар симли сеткалар билан алоҳида майдонларга(паддокларга) ажратилган бўлади. Қўйлар бир майдондаги ўтларни еб бўлган уларни бошқасига ҳайдаб ўтишади. Бўшаган майдонларга ем-хашак ўтлари уруғи сепилади.

Бугунги кунда Хитой, Япония, Корея, Филиппина, Индонезия ва бошқа мамлакатларда *марифермалар* пайдо бўлди. Уларда турли балиқлар ва малюскалар етиштирилади, шунингдек сув ўтлари плантациялари яратилган.

Кичик ер майдонлари эгалари *қишлоқ хўжалиги кооперативлари*га бирлашадилар. Уларнинг мақсади – уларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган ер ресурсларини, ишлаб чиқариш воситаларини, уруғлар фондини биргаликда ишлатиш.

Кўп фуқаролар ўзларининг унча катта бўлмаган томорқаларга эга бўлиб, у ерда сабзавот ва мевалар етиштиришади ёки уй ҳайвонларини ва паррандаларни шахсий истеъмоли учун кўпайтириб боқишади.

Бундай шакл *томорқа хўжалиги* деб аталади.

Ихтисослашиш, коопрециялашиш ва комбинациялашиш қишлоқ хўжалигини хизмат кўрсатувчи соҳалар билан интеграциялашувига олиб келди, натижада **агросаноат комплекслари (АСК)** шаклланди. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи хўжалик соҳаларини бирлаштиради.

АСК қуйидаги асосий соҳаларни ўз ичига олади:

Ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи тармоқларни - қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, комбинациялашган ем ишлаб чиқариш саноати.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи экин етиштириш ва чорвачилик.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташуш ва сотиш соҳалари: озиқ-овқат саноати, тара ва омбор хўжалиги, транспорт, улгуржи ва чакана савдо. Улар маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беради.

АСК инфратузилмаси – АСК нинг барча бўғинларининг етарли даражада ишлашини таъминловчи тармоқлар ва ташкилотлар. Булар йўл ташкилотлари, молия ва банк тизими, воситачилик, инвестиция компаниялари ва б.



1. Ўзингизнинг ҳудудингизда қишлоқ хўжалигидаги ихтисослашиш, коопрециялашиш ва комбинациялашишга мисоллар келтиринг.
2. Ферма, кооператив ва тармоқ хўжалиги орсидаги асосий фарқларни аниқланг.
3. Нима сабабли АСК нинг ривожланишига шароит туғилди?

“Ўхшашликни топиш” геомашқ. Олиб борувчи иккита ихтиёрий танланган географик объектни танлайди ва ўқувчилар уларнинг имкон борича кўпроқ ўхшаш белгиларини топишлари лозим.

Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари.

Саноат корхонаси “” завод ёки “фабрика” деб номланиши мумкин. Уларнинг бир тури комбинат ҳисобланади. “Фабрик” номи энгил ва кон саноатда (ип газлама фабрикаси, тоғ-кон бойитиш фабрикаси), бошқа тармоқларда “завод” ишлатилади (ёғ заводи, автозавод, механик завод).

Барча саноат корхоналари (завод, фабрика ва комбинатлар) машиналардан фойдаланишга асосланган бўлиб, шлаб чиқаришнинг катта кўламлари билан тавсифланади.

Улар тармоғи ва ҳудудига қараб бир биридан фарқ қилиши мумкин, аммо уларни бошқа ишлаб чиқариш шаклларида ажратиб турувчи умумий белгилари мавжуд.

Улар механизациялаштирилган ёки автоматлаштирилган бир-биридан узок бўлмаган масофада жойлашган асосий ва ёрдамчи цехлардан ташкил топади. Асосий цехларда заводнинг бош маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи цехлар асбоблар билан таъминлаш, таъмирлаш ва машиналарга техник хизмат кўрсатиш, электр энергияси, сув, газ ва буғ билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Завод ва фабрикаларда омборлар, транспорт воситалари, тиббий-техник инфратузилма, ҳом-ашё, маҳсулот, чиқиндилар назоратини олиб боровчи лабораториялар мавжуд. Маъмурий ходимлар учун офис хоналари, ошхона, ходимлар учун маиший хоналар кўзда тутилган.

Комбинат – турли тармоқларга тегишли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи саноат корхонаси. Бунда бир цехнинг ёки ишлаб чиқаришнинг маҳсулоти, бошқасига ҳом-ашё ёки материал бўлиб хизмат қилади. Масалан, гўшт комбинатларида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тиббий препаратлар инсулин ва гемотоген, техник маҳсулотлар желатин ва елим, маиший пат-момиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.



Фабрика, завод ва комбинат ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқлар нимада намоён бўлади?

Хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш шакллари.

Хизмат кўрсатиш корхоналари кўп ҳолларда ўлчами бўйича кичик бўлади. Ташкил этиши шакли бўйича улар орасида цехли ва цехсиз тузилмага эга бўлганларга ажратиш мумкин.

Цех тузилишига эга бўлган корхоналар катта майдонларга ва таркибий бўлинмаларнинг тўлиқ комплексига эга бўлади: цех – ишлаб чиқариш майдони – иш жойи. Техник хизмат кўрсатиш станцисида ҳар бир пост ўз ихтисослашувига эга – диагностика, мойлаш, деталларни алмаштириш ва ҳ.к. Банклар жисмоний ва юридик шахсларга алоҳида хизмат кўрсатиш залларига эга. Бир кассалар тўловларни қабул қилса, иккинчиси эса пулларни чиқаради.

Цехсиз тузилмага эга корхоналар фақат ишлаб чиқариш майдонига ва ишчи ўрнига/ўринларига эга бўлади. Уларга сартарошхоналарни мисол қилиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг бирида буюртма қабул қилиш ва уни бажариш маълум бир жойда – фирманинг биносида рўй беради. Бошқаларида эса қабул қилиш тармоқлари мавжуд бўлади, масалан, кимёвий тозалаш ёки ОАВ га эълон қабул қилиш пунктлари.

Хизмат кўрсатиш корхоналари мижозларга жойига чиқиб хизмат кўрсатишлари мумкин. Бу ресторан, таълим, дам олиш-кўнгилочар бизнеси ва гўзаллик салонлари томонидан амалга оширилади.

Айрим корхоналарда ўз-ўзига хизмат кўзда тутилган. Фирма ходими фақат маслаҳатчи сифатида қатнашади. Масалан, интернет-салонларда мижоз хизмат учун тўловни амалга оширади ва ўзи ускунадан фойдаланади ва хизматга эга бўлади.

Хизматлардан фойдаланишда фирмалар истеъмолчилар учун максимал қулай шароитларни яратадилар. Мижозга хизмат кўрсатиш зонаси (буюртма қабул қилиш ва бериш) шинам ва дид билан расмийлаштирилади. Текинга ёки алоҳида тўлов асосида қўшимча ва йўл-йўлакай хизматлар ҳам кўрсатилади, товарлар таклиф этилади, масалан, ичимликлар. Бассейнларда чўмилиш учун керакли нарсаларни, ҳоммомларда – ювиниш ва косметика воситаларини.



1. Сизнинг ҳудудингизда цехли ва цехсиз хизмат кўрсатиш тузилмасига эга бўлган хизмат кўрсатиш корхоналарининг рўйхатини тузинг. Нима сабабдан бир гуруҳ цех ишлаб чиқариши шаклини, иккинчи гуруҳ эса цехсиз ишлаб чиқариш шаклини танлади?



2. Ҳудудингиз аҳолиси ва иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб, (танловингизга биноан) сервис корхонасини ташкил этиш шакли бўйича ўз концепциянгизни таклиф қилинг.

Геофакт. Плутон сатҳида 6 та Қозоғистонга тенг ҳудуд жойлашиши мумкин.

← Яқун ясанг

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасининг ташкил этилиши шаклини танлашга нималар таъсир кўрсатади?

Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, сервис ташкилотлари ихтисослашиш, кооперациялашиш ва комбинациялашишга эга бўлмаслиги мумкинми? Жавобларингиз тасдиғига далиллар келтиринг.

Қишлоқ хўжалигини, саноатни ва хизмат кўрсатиш соҳасини жойлаштириш омиллари

Дарс мақсади:

- *Қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш омилларини, қозоғистон компонентини қамраган ҳолда, таҳлил қилиш.*

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари нима;*
- *Қишлоқ хўжалиги соҳаларини жойлаштириш омиллари;*
- *Саноат соҳаларини жойлаштириш омиллари;*
- *Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини жойлаштириш омиллари.*

ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР

МЕҲНАТ

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК

ТРАНСПОРТ

ФАН ТАЛАБ

ОМИЛ

ҲОМ-АШЁ

ЁҚИЛҒИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙ-

ЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

ЭНЕРГЕТИК

Омиллар – бу, маълум бир муаммони ўрганиш ёки ечимини топишда ҳисобга олиниши зарур бўлган муҳим шарт-шароитлар.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари деб алоҳида корхоналарни, уларнинг гуруҳларини ва тармоқларни жойлаштириш ҳудудларини танлашга таъсир кўрсатувчи барча далилларга(-сабабларга) айтилади. Корхоналарни муваффақиятли жойлаштириш маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларини камайтиришга ва уларни сотишдан юқори даромадлар олишга имкон яратади.

Ҳар бир ҳудуднинг шароитлари, ресурслари, уларнинг хусусиятлари бошқалардан фарқ қилади. Уларни тўғри ҳисобга олиш ва фойдаланиш ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда ва ҳудудлар хўжаликлари ривожланишида энг яхши натижаларга эришиш имкониятини беради.

Омиллар таркибининг ўзгариши объектлар жойлаштирилиши жойини ҳам ўзгартиради. Ҳар бир ҳудуд ўзининг маълум тўпламдаги омилларига эга бўлади ва улар, аниқ объектларнинг ва ишлаб чиқаришларнинг ушуб ҳудудга жойлаштирилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини белгилаб беради.

Корхоналарни жойлаштиришда қуйидаги муҳим омилларга эътибор қаратилади: *ҳом-ашё, ёқилғи, энергетик, меҳнат, истеъмолчилар, транспорт, экологик, имий тадқиқотларга талаб*. Амалиётдан маълум бўлмоқдаки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси жойлаштирилишида бир эмас, бир қанча омиллар бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатади.

Саноатни жойлаштириш омиллари.

Ҳом-ашё омили. Маълум бир товарларни ишлаб чиқариш учун жуда катта миқдордаги турли материаллар зарур бўлади. Ҳом-а-

шени етказиш катта ҳаражатларни талаб этганлиги сабабли, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳом-ашё манбалари яқинида жойлаштирилади: фойдали қазилмалар конлари олдида, йирик сув объектлари олдида, ўрмонли ҳудудларда ва ҳ.к. Бундай ишлаб чиқаришларга рангли металлларни бойитиш, ёғочни бирламчи қайта ишлаш, калийли ўғитларни ишлаб чиқариш, цемент ишлаб чиқариш киради.

Ёқилги омили. Қатор завод ва фабрикалар маҳсулот ишлаб чиқариш учун минерал ёқилғиларнинг: кўмир, табиий газ, мазут кабиларнинг катта миқдорини сарф қилишади. Бундай соҳаларга иссиқлик энергетикаси, қора металлургиянинг айрим ишлаб чиқаришлари, кимё саноатини мисол қилиш мумкин. Қозоғистондаги ва бошқа давлатлардаги йирик ИЭС (Екибастуз ДРЭС) лар йирик кўмир конлари яқинида жойлаштирилган. Кўмир конлари яқинида чўян ва пўлат ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпчилиги жойлаштирилган(Қарағанда металлургия комбинати).

Энергетик оми. Айрим соҳаларда бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун катта миқдордаги электр энергияси талаб этилади. Бундай ишлаб чиқаришларни энергия сарфловчи деб аталади. Уларга енгил рангли металлларни ишлаб чиқариш (алюминий, титан ва б.), кимёвий толалар, қоғоз ишлаб чиқаришлари киради. Шу сабабли бундай ишлаб чиқаришларни арзон электр энергияси ишлаб чиқариладиган жойларга, масалан ГЭС ва ИЭС яқинига жойлаштирилади.

Меҳнат омили. Маълум бир товарларни ишалб чиқаришда катта миқдордаги одамлар, шу жумладан юқори малакали мутахассислар керак бўлади. Бу сермеҳнат ишлаб чиқаришлар ҳисобланади. Уларга радиотехника, асбобсозлик, станоксозлик, паластмассаларни қайта ишлаш, тўқимачилик, трикотаж, пойафзал, тикувчилик саноати ва гуруч етиштириш, сабзавотчилик, мева етиштириш киради.

Уларни меҳнаткучи арзонроқ бўлган, аҳоли зич ҳудудларга жойлаштиришади ёки четдан одамларни жалб қилишади.

Истеъмолчилар ва бозор омиллари. Қатор корхоналар аҳолида кенг айримлари кундалик эҳтиёжга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Булар озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал, маиший техника ва б.Бундай ишлаб чиқаришлар истеъмолчиларга қаратилган бўлиб, аҳолиси кўп катта шағарларда жойлаштирилади. Истеъмолчига яроқлик муддати кичик бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи соҳалар ҳам эътибор қаратади.

Транспорт омили. Кўпчилик ишлаб чиқаришлар ишлаб чиқариш жойидан бошқа жойларда истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Корхоналар тайёр маҳсулотларни истеъмол ҳудудларига етказиб бериш ҳаражатларини камайтиришга манфаатдор бўлади. Шу сабаб кўпчилик ишлаб чиқаришлар катта транспорт тармоқлари яқинида, денгиз портларида, магистраль темир йўллари, нефт қувурлари бўйлаб жойлаштирилади.

Бу омилни кооперациялашган ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалар: автомобилсозлик, темир йўл машинасозлиги, самолётсозлик ҳисобга олади.

Экологик омил. Ифлословчи моддаларни катта миқдорда чиқарувчи ва атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришларга юқори экологик талаблар қўйилади. Уларни йирик шаҳарларда ёки аҳоли зич ҳудудларда қуриш тақиқланади. Экологик хавфли соҳаларга иссиқликэнергетикаси, атом саноати, қора ва рангли металлургия, асосий кимё, нефтни қайта ишлаш саноати, целюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш киради. Қонунчилик ушбу корхоналардан кам чиқиндили технологиялардан фойдаланишни ва чиқиндиларни тозалаш ускуналарини ўрнатишни талаб этади.

Илмий тадқиқотлар зарурати омили. Қатор саноат тармоқлари даоимий равишда илмий ишлар олиб борилишига ва юқори маалакали ишчи кучига доимий талаби бўлади. Уларга электроника, роботсозлик, компьютерсозлик, авиакосмик, фармацевтика саноати ва биотехнологияларни мисол қилиш мумкин.



1. Матнни диққат билан ўқинг ва унда айтиб ўтилган соҳаларни ёзиб чиқинг.
2. Жойлаштирилишига камида иккита омил таъсир кўрсатадиган соҳаларни аниқланг. Замоनावий, ҳамма соҳалар учун умумий бўлган омилни аниқланг.



3. Натижаларни жадвал кўринишида расмийлаштиринг. Омил мавжудлигини “+” ёки “√” белгилари билан белгилашингиз мумкин.

Соҳа	Омиллар							
	Ҳом-ашё	ёқилғи	Энерг.	меҳнат	Истеъм.	тарнспорт	Эколог.	Илм. Тадқ.

“Бир ҳарфдан бошланадиган географик гаплар” геомашқ. Олиб борувчи ҳарфни айтади. Ўқувчилар географик объект, ҳодиса ёки жарайн тўғрисида гап тузишлари ва ундаги ҳамма сўзлар ушбу ҳарфдан бошланиши керак.

Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш омиллари. Қишлоқ хўжалигини жойлаштиришга кўп жихатдан ҳом-ашё, ёқилғи, энергетик, меҳнат, истеъмолчилар, тарнспорт, экологик омиллар ва илмий тадқиқотлар зарурати омиллари таъсир кўрсатади.

Бироқ у фарқланувчи хусусиятларга эга бўлиб, улар олдингиларга нисбатан соҳаларни жойлаштиришга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Биринчи хос хусусияти шундаки, унда ер ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Хўжаликнинг бошқа соҳаларида ер объектларни жойлаштириш жойи сифатида хизмат қилади. Қанча катта ер майдонлари мавжуд бўлса, шунча кўпроқ ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Агар техника, ўғитлар, уруғлар бор бўлиб, ер бўлмаса қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имкони бўлмайди.

Иккинчи хос хусусияти қишлоқ хўжалиги кўпроқ жонли организмлар (ўсимлик, жониворлар) билан иш қўради ва шу сабабли унда асосий ўринни табиий омиллар эгаллайди. Ушбу хусусиятларига кўра қишлоқ хўжалиги бошқа иқтисодиёт соҳаларга нисбатан кўпроқ табиий муҳит омилларига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш географик зоналик қонуниятига бўйсунди. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги экин ва маҳсулдор чорва учун иқлими ва бошқа шароитлари мос келадиган географик минтақаларни ва зоналарни айтиб чиқиш мумкин. Ушбу зоналар ташқарисида ушбу экинни ёки молни етиштириш мумкин бўлмайди ёки иқтисодий фойда келтирмайди. Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашиши ҳудуднинг географик минтақавий жойлашиши билан белгиланади. У чорвачиликнинг табиий ем-ҳашак базасини ривожлантириш учун, маълум турдаги экинларнинг парвариши учун зарур бўлган иссиқлик ва намлик ҳажмини белгилайди.

Шундай қилиб, табиий омиллар қишлоқ хўжалиги соҳаларининг зоналараро жойлашиши ва ихтисослашишини белгилаб беради.



Қишлоқ хўжалиги соҳалари ва Ернинг географик зоналари ва минтақалари ўртасидаги мутаносибликни ўрнатинг.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши	Табиий зоналар
1. Зиғир, сут ва сут-гўшт йўналишидаги йирик шохли қорамол	А) Тропиклар ва нам субтропиклар зонаси
2. Шакар қамиш	Б) Тайга зонасининг ортиқча намлагнган у-дудлари, мўтадил минтақанинг кенгбаргли ва аралаш ўрмонлари
3. Буғдой, кунгабоқар, гўшт-сут ва гўшт йўналишидаги чорвачилик	В) Ўрмондашт зонаси
4. Чой, кофе, какао, пахта, шакар қамиш, гевея, гуруч	Г) Дашт зонаси



Дунё қишлоқ хўжалиги картаси ёрдамида қишлоқ хўжалигининг ҳар бир йўналиши бўйича илғор мамлакатларни номини айтинг.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини жойлаштириш омиллари. Хизмат кўрсатиш соҳасининг корхоналарини жойлаштириш саноат корхоналарини жойлаштиришга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Агар саноат корхоналари кўплаб ориентацияларга: хом-ашё, материаллар, энергия, сув, транспорт, газ таъминоти, ишчи кучи, кооперцияга, комбинацияшишга, экологик хавфсизликка эга бўлса, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари битта ориентацияга эга – истеъмолчи. Шу сабабли хизмат кўрсатиш корхоналари истеъмолчиларга интилади.

Давлатнинг барқарор ривожланиши учун айрим хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамма жойда исталган ҳудудда жойлаштирилиши зарур бўлади. Шу сабабли ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият уларни даромад келтирмаса ҳам қуради ва ишлашини таъминлайди. Бу ижтимоий муҳим давлат томонидан кафолатланган таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, почта, молиявий ва бошқа хизматлар. Бироқ даромад олиш бош мақсади бўлган ҳусусий корхона мижозларнинг мавжудлигига қарайди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш хизматларини кўрсатиш бўйича компаниялар саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига яқинроқ жойлашади, ижтимоий хизматларни кўрсатувчи фирмалар - аҳолига яқин жойлашади.



Ўз ҳудудингиз мисолида хизмат кўрсатиш корхоналарининг истеъмолчиларга интилишини кўрсатувчи аниқ фактларни келтиринг.

Геофакт. Бир этник гуруҳ вакиллари турли мамлакатлар ҳудудларида яшаши мумкин. Улар ичида диаспораларни ва ирредентларни ажратишади. Диаспора – бу, ўз тарихий ватанларидан бошқа мамлакатларга кўчиб келган шахслар. Ирредентлар эса ўз юртларида яшайди, бироқ чегараларнинг ўзгариши натижасида бошқа давлат ҳудудига ўтиб қолади.



Яқун ясанг

1. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасининг ҳудудингизда жойлаштирилиши сабабларини таҳлил қилинг.
2. Қўшимча ахборотларни, карталарни ўрганиш асосида ҳар бир омил муҳим бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасига мисол келтиринг.
3. Ҳудудингизда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари жойлаштирилишига камида иккита омил таъсир кўрсатишига аниқ мисоллар келтиринг.

Даре мақсади:

- *Режа асосида дунё хўжалиги тармоқларини тасифлаш.*

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *Дунё хўжалиги тармоқларининг хилма-хиллиги;*
- *“авангар учталик” нима;*
- *“авангард учталик” соҳалари тавсифи;*
- *Хўжалик соҳаларини тавсифлаш режаси.*

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

САНОАТ МАРКАЗЛАРИ

АВАГАРД УЧЛИК

КИМЁ САНОАТИ

МАШИНАСОЗЛИК

Дунё иқтисодиётининг авангард учлиги.

Хўжаликнинг учта тармғи мамлакат ривожжи даражасини белгилайди. Уларни “авангард учлик” деб аташади. Унга электроэнергетика, машинасозлик (электротехник, электроника), кимё саноати киради.

Ёқилғи ва электроэнергетика саноати кўпинча энергияни унинг барча кўринишида ва шаклида ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи ягона ёқилғи-энергетик комплекс (ЁЭЖ) сифатида кўрилади. Иқтисодий географияда ЁЭЖ албатта иккита таркибий қисмларда: ёқилғи саноати ва электроэнергетикадан иборат классик тузилмада кўриб чиқилади.

Машинасозлик – бутун миллий хўжаликда илмий-техник тараққиёт даражасини белгиловчи энг йирик комплекс тармоқ, чунки барча тармоқларни машина, ускуна, асбоблар билан, аҳолини эса – истеъмол буюмлари билан таъминлайди. Унинг мамлакат мудофа хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти жуда катта. Металлни қайта ишлаш, машина ва ускуналарни таъмирлашни ўз ичиги олади.

Кимё саноати – комплекс тармоқ бўлиб, машинасозлик билан бир қаторда ИТТ даражасини белгилайди, барча хўжалик соҳаларини кимёвий технологиялар ва материаллар билан, жумладан янги, илғор технологиялар билан таъминлайди ва шу билан бирга оммавий истеъмол товарларни ҳам ишлаб чиқради.

Кимё саноатининг аҳамияти бутун хўжаликнинг жадал кимёлаштирилишида наоён бўлмоқда: қимматли саноат маҳсулотларини

ишлаб чиқариш кенгаймоқда; қиммат ва камчил ҳом-ашёни анча арзон ва кенг тарқалганларига алмаштирилиши амалга оширилмоқда; кўпчилик ишлаб чиқариш чиқиндилари ушлаб қолиниб, утилизация қилинмоқда, жумладан экологик жиҳатдан зарарли бўлганлари ҳам.



“Авангард учлик” соҳаларининг аҳамиятини очиб бериш учун, уларнинг маҳсулотсиз ҳаётимиз қандай бўлишини фараз қилиб кўринг.

Ёқилғи-энергетик комплекс. Ёқилғи саноати қазилма ёқилғини қазиб олиш, нефть- ва газниқайта ишлашни ўз ичига олади.

Нефть саноати нефтни қазиб олиш, тарнспортировка қилиш ва қайта ишлашни, шунингдек йўл-йўлакай газни чиқариб олиш билан шуғулланади.

Нефни чиқариб олиш корхоналари нефть ресурслари манбалари устида, нефтни қайта ишлаш заводлари эса – нефть маҳсулотларини истеъмол қилиш районларида ва марказларида жойлаштирилади.

Нефтни ва нефт маҳсулотларини ташиш дунёда қувурлар орқал ва темир йўл транспорти ёрдамида амалга оширилади. Магистрал нефт қувурлари барча чиқариб олиндиган нефтнинг 85% ни ташийдди.

Нефть – жаҳон савдосининг энг муҳим экспорт маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Унинг энг асосий етказиб берувчилари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳисобланади. Нефть дунёнинг 75 давлатида чиқариб олинади, улрдан энг илғорлари Саудия Арабистони, Россия, АҚШ, Мексика, БАА, Эрон, Ироқ, Хитой ҳисобланади.

Газ саноати табиий газни чиқариб олиш, транспортировка қилиш, сақлаш ва тақисмлаш билан шуғулланади. У улкан табиий ёқилғи газ захираларидан, шунингдек сунъий(саноат) газларидан фойдаланади.

Газ ёқилғи сифатида маиший шароитда ва ИЭС ларда, металлургияда, цемент саноатида, машинасозликда ва бошқа соҳаларда ишлатилади. ИЭСларида ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларида бошқа турдаги ёқилғиларни газ билан алмаштирилиши ёқилғини ва меҳнатни тежаш имкониятини беради, энергиянинг таннархини камайтиради, ишлаб чиқариш жараёнларини соддалаштиради, атмосферага зарарли чиқиндиларни чиқишини камайтиради.

Газладаги углеводородларни муҳим кимёвий маҳсулотларга (аммиак, ацетилен, метанол, қурум) қайта ишлаш мумкин. Табиий газ асосида анча арзон азот ўғитлари ишлаб чиқарилади.

Газларни катта масофаларга узатиш соддалиги уларни конлардан узоқ жойларда ҳам қайта ишлаш имкониятини беради. Бу мақсадларда юзлаб ва минглаб километр узунликдаги газ қувурлари магистраллари барпо этилади.

Газ 60 та мамлакатда чиқариб олинади, энг илғорлари *Россия, АҚШ, Канада, Туркменистон, Голландия, Буюк Британия* ҳисобланади.

Кўмир саноати кўмирни қазиб олиш, бойитиш ва брикетлаш билан шуғулланади. Кўмир – энг муҳим энергетик ёқилғи ҳисобланади. У ҳар куни электрстанциялар ўчоқларида, иситиш мосламаларида ва ҳ.к. ёқилади. Аммо кўмир – фақат ёқилғигина эмас. Тош кўмир навларидан кокс олинади ва у металлургия ва бошқа тармоқларда ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни кимёвий қайта ишлаш натижасида хўжаликнинг барча соҳаларида ва турмушда ишлатиладиган *турлича маҳсулотлар* олинади.

Кўмирни 60 дан ортиқ мамлакатларда қазиб олинади, аммо бир йилда 10 млн. тоннадан ортиқ кўмирни *Хитой, АҚШ, Россия, Германия, Польша, Украина, Қозғистон* қазиб олади. Кўмир экспортёрлари – АҚШ, Австралия, ЖАР. Импортёрлари – Япония, Ғарбий Европа.

Электр энергетика электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тарнсформациялаш ва истеъмол қилиш жараёнларини бирлаштиради. Энергияни ишлаб чиқаришда кўмирда, табиий газда ва мазутда ишловчи иссиқлик энегетикаси илғор ўринни эгаллайди (умумий ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми). ГЭС лар улушига 20% ва АЭС ларга – 17% тўғри келади. Бироқ мамлакатлар электр энергиси ишлаб чиқариш манбалари улушлари бўйича кескин фарқланади. *ЖАРда, Польшада, Хитойда, Ҳиндистонда* ИЭСлар кўпроқ. *Норвегияда, Канадада, Бразилияда, Янги Зелландияда* ГЭС лар кўпроқ. *Францияда, Белгияда, Литвада, Корея Республикасида, Словакияда, Венгрияда* илғор манбаа АЭС ҳисобланади. Дунёда энг катта электр энергия ишлаб чиқарувчилари *АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Германия, Франция, Канада, Буюк Британия* ҳисобланади.

Электр энергиянинг асосий қисми саноатда ишлатилади – жами ишлаб чиқарилганнынг 40%, 12% – коммунал хўжаликда ва турмушда, 9% га яқини – транспортда (электрлаштирилган темир йўллар), 10% - қишлоқ хўжалиида.

Электр станцияларнинг жойлашиши ёқилғи-энергетик ресурсларга ва электр энергисини сарфланишига боғлиқ.

Бугунги кунда электр энегетикасининг ривожланиши хусусиятларидан бири **атом электр станцияларининг(АЭС)** қурилиши бўлмоқда. Уларнинг умумий электр энергия ишлаб чиқарилишидаги улуши *АҚШ* да 20%, *Японияда* -28%, *Францияда* 73% ни ташкил этади. Дунёда энг катта АЭСлар *Япония* ва *Францияда* қурилган.

Энг замонавий, экологик тоза келажак энергетикасига геотермал, қуёш, шамол, сув сатҳи кўтарилиши ва тушиши, биогазли, водород электр станциялари киради. Алоҳида мамлакатлар алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илғор ўринларни эгаллайди:

Геотермал (Исландия, Италия, Франция, Внгрция, Япония, АҚШ);

- **қуёш** (Франция, Испания, Италия, Япония, АҚШ);
- **сув сатҳи кўтарилиши ва тушиши** (Франция, Россия, Хитой, Канада, АҚШ)
- **шамол** (Дания, Швеция, Германия, Буюк Британия, Голландия).



Кўрсатиб ўтилган илғор мамлакатларда минерал ёқилғиларнинг мавжудлигини нима билан тушунтирса бўлади?

Нефть, кўмир ва газни фақат минерал ёқилғи сифатидагина кўриш тўғри бўладими?

2017 йилда Астанада “” Келажак энергияси” мавзусида ЭКСПО кўрганзмаси бўлиб ўтди. Ушбу мавзу электр энергиянинг қандай манбалари аҳамиятини урғу бермоқда?

“Цицерон алгоритми” геомашқ. Олиб борувчи синфга географик объект, ҳодиса, жараён тўғрисидаги танлов асосида исталган воқеани : “Ким?, Нима?, Қаерда?, Нима билан?, Нима учун?, Қандай?” саволлар кетма кетлигига асосланиб айтиб беришни таклиф этади.

Машинасозлик – сон-сонақсиз машиналар ва уларнинг деталларини, кесувчи ва бошқа асбобларни, назорат-ўлчов асбобларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олувчи саноат тармоғи.

Машинасозлик исталган мамлакатнинг энг аҳамиятли тармоғи ҳисобланади. Айнан машинасозлик соҳаларида фундаментал ва амалий илмий кашфиётлар ва ишлар асосида энг замонавий техника турлари ва технологиялар яратилади. Машинасозлик ўз маҳсулотлари билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини таъминлайди.

Дунё машинасозлиги тўртта асосий минтақада жамланган: *Фарбий Европада, АҚШда, Японияда, Шарқий Европада.*

Асосий ҳом-ашё бўлиб қора ва рангли металллар ва уларни қотишмалари хизмат қилади. Турли хил шиша, пластмассалар, резина ва б. қўлланилади. Машиналарни безаш билан шуғулланадиган соҳа бўёқлар ва лаклардан фойдаланади. Машинасозлик жуда кўп миқдорда ёқилғи (металларни эритиш ва қиздириш учун), ёғоч (моделларни тайёрлаш учун), шакл берувчи материаллардан фойдаланади.

Машинасозлик тармоғи таркибида 70 дан ортиқ соҳалар ва юздан ортиқ алоҳида ишлаб чиқаришлар мавжуд. **Бош соҳалар бўлиб:** электроника, ҳисоблаш машиналари, асбобсозлик, аниқ машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва транспорт машинасозлиги, станоксозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, кемасозлик ва ҳ.к. ҳисобланади.

Металлталаб машинасозлик ҳом-ашё базасига таянади, аниқ ва мураккаб машинасозлик – малакали мутахассисларга.

Станоксозликда илғор ўринларни *Япония, ГФР, АҚШ, Италия, Хитой, Швейцария, Корея Республикаси, Тайвань о., Испания, Франция*, шунингдек *Ҳиндистон, ва Бразилия* эгаллайди.

Транспорт машинасозлиги. Локомотивларни *Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Туркия* ишлаб чиқаради. Вагонларни ишлаб чиқаришда биринчи ўринларни *Мексика, Миср, Эрон, Тайланд, Чили, Колумбия* эгаллайди.

Жаҳон кемасозлигида *Япония, Корея Республикаси, Хитой, Италия, Бразилия, Голландия* илғорлар қаторида. Кемалар ишлаб чиқариш *Тайванда, Ҳиндистонда, Аргентинада, Мексикада* ривожланиб бормоқда.

Жаҳон автомобилсозлигида учта бош майдон шаклланган: осиелик – *Япониянинг* бош ўрни билан; америкалик – *АҚШ* илғорлигида ва ғарбий европалик *ГФР* нинг кам бўлмаган илғорлигида. Енгил машиналар ишлаб чиқариш бўйича илғор бўлиб *АҚШ ва Япония* ҳисобланади. Улардан кейин *ГФР, Франция, Италия, Испания, Буюк Британия, Жанубий Корея* жойлашган. Юк автомашиналари ишлаб чиқариш *АҚШ, Япония, МДҲ мамлакатлари ва Канадада* жамланган.

Дунёда **космик-авиаракета** саноатининг учта маркази мавжуд – *Россия, АҚШ ва ЕИ*. Уларда авиацион ва космик техникани ишлаб чиқаришни таъминловчи илмий-тадқиқот ва тажриба базаси, конструкторлик бюрolari ва саноат корхоналари мавжуд.

Авиасозлик саноати. Бугунги кунда самолёт ва вертолётларни дунёнинг 20 дан ортиқ давлати ишлаб чиқаради ва улар ичида *АҚШ* илғор ҳисобланади. Йирик авиалайнерларни фақат *АҚШ* нинг йирик фирмалари, “Эйрбас” европа консорциуми ва *Россия* ишлаб чиқаради. Турли мақсадларда фойдаланиш учун енгил фуқаролик самолётларини ишлаб чиқариш борган сари кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда.

Электротехник машинасозлик электр энергияси ишлаб чиқариш, уни истеъмолчиларга етказиш ва бошқа энергия турларига айлантириш (механик, иссиқлик ва б.) учун ускуналар ишлаб чиқаради. Мураккаб электр ускуналарини ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатларда тўпланган. Мураккаб бўлмаган электр ускуналар, электр ўрнатиш маҳсулотлари, маиший электр жиҳозларни ишлаб чиқариш кўп мамлакатларда ўсиб бормоқда. Музлаткичларни ишлаб чиқариш бўйича илғорлар – *АҚШ, Хитой, Италия, Япония, Корея Республикаси*; кир ювиш машиналари бўйича – *Хитой, АҚШ, Италия, Япония, ГФР, Корея Республикаси*; чангюткичлар бўйича – *АҚШ, Япония, ГФР*; микротўлқинли печлар – *АҚШ, Япония*; вентиляторлар бўйича – *Хитой*.

Электрон саноат – машинасозликнинг энг кўп Фан талаб қилувчи соҳаси. Радиоэлектрон ускуналарни, электрон ускуналарни, бутловчи деталларни, махсус материалларни, махсус технологик ускуна ва мосламаларни кашф қилиш ва ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Электрон маҳсулотларни илғор ишлаб чиқарувчилари – АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония. Маиший электрон ускуналар ишлаб ичқариш бўйича Хитой, Малайзия, Сингапур, Бразилия (радиоприёмниклар); Хитой, Корея Республикаси, Бразилия (телевизорлар) илғорликни эгаллаб олди.



Машинасозлик комплексининг асосий соҳаости ишлаб чиқаришларини айтинг ва уларнинг жойлаштирилиши асосий омилларини солиштиринг.

Кимё саноати ўз ҳом-ашёсидан (апатитлар, фосфоритлар, калийли тузлар, мирабилит, олтингугурт) ва шунингдек бошқа тармоқлар ишлатадиган ҳом-ашёдан (қора ва рангли металллар рудалари, охактош, гипс) фойдаланади. Ҳом-ашё сифатида қишлоқ хўжалигининг ўсимлик ва жониворлардан олинадиган ҳом-ашёсидан кенг фойдаланилади. Ёрдамчи мақсадларда ва ҳом-ашё сифатида ҳам сув ва ҳаво кўп ишлатилади.

Кимё саноати соҳаларини жойлаштиришда кўплаб омилларни ҳисобга олинади: ҳом ашё, транспорт, малакали меҳнат ресурслари мавжудлиги, истеъмолчиларнинг яқинлиги, экологик, чунки у экологик хавфсиз.

Кимё саноати соҳалари: 1) тоғ-кимё; 2) асосий (ноорганик) кимё; 3) органик кимё; 4) кимёвий реактивларни ишлаб чиқариш; фотокимёвий; 5) лок-бўёқ; 6) кимё-фармацевтика; 7) маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Дунё кимё саноатида илғор ўринларни **Чет эл Европаси** мамлакатлари эгаллайди. Унинг кимё саноати олиб келинадиган ҳом-ашёга асосланган. Натижада нефткимёси ва нефтни қайта ишлаш денгиз портларига (Роттердам, Марсель ва б.) ва магистрал нефть қувурларига кўчириб ўтказилди.

Унга **Шимолий Америка (30%)**, АҚШ нинг илғор ўрни билан жуда кам ён босади. Мексика қўлтиғи қирғоқларида дунёдаги энг йирик нефть кимёси ҳудуди шаклланган. АҚШда кимё саноатининг бош ҳудудлари бўлиб Техас ва Луизиана штатлари ҳисобланади, чунки у ерда мамлакатнинг йирик нефт-газ ҳавзаси жойлашган. Бу ерда 200 дан ортиқ корхоналар фаолият юритади ва АҚШнинг “нафт-кимё пойтахти” – Хьюстон жойлашган.

Жаҳонда учинчи илғорлар – бу **Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё**. Униг маркази бўлиб, олиб келинадиган нефтга асосланган

нефт кимёси денгиз портларда барпо этилган, Япония(18%) хизмат қилади. У ерда сунъий маҳсулотлар ва ярим маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Хитойда асосий кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш олдинги ўринларни эгаллайди.

1990 йилларда яна бир йирик ҳудуд пайдо бўлди – **Форс кўрфази.**



Кимё саноатини жойлаштиришнинг асосий омилларини умумий ва асосий ва органик кимё корхоналарининг жойлаштириш хусусиятларини кўрсатинг.

Геофакт. Алиби Жангильдин 1908 йилда Николай Степанов номи билан Польшани, Австро-Венгрияни, Сербияни, Болгарияни, Туркияни, Фаластинни, Африкани, Мисрни, Аббисинияни пиёда босиб ўтди. Орқага Арабистон ярим ороли орқали, Месопотамия, Форс, Ҳиндистон, Цейлон ороли, Малай архипелаги, Индостан, Сиам қироллиги, Анама, Хитойнинг жанубий қисми, Формоз ороли, Япония ва охир оқибат Владивостокка етиб келди. 1912 йилда (4 йилдан сўнг), учта қитъадан пиёда ўтиб у Тўрғой даштларига қайтиб келди.



Яқун ясанг

1. Жуфтликда ишлаб, параграфда ёритилмаган саноатнинг битта соҳасини, чорвачилик ва деҳқончиликнинг бир йўналишини, хизмат кўрсатиш соҳасининг бир тармоғини қуйида келтирилган режага асосан тавсифлаб беринг.
2. Такрорларнинг олдини олиш мақсадда синфдошларингиз билан олдиндан танланган тармоқларни келишиб олинг.
3. Натижаларни исталган қулай ва кўرғазмали шаклда намойиш қлинг.

Дунё хўжалиги тармоғини тавсифлаш режаси.

Тармоқнинг дунё хўжалгидаги ўрни, унинг тармоқ таркиби.

Тармоқнинг ҳом-ашё ресурслари ва уларнинг жойлашуви.

Асосий географик минтақаларга тақсимланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш кўламлари.

Асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатлар.

Асосий ишлаб чиқариш ҳудудлари ва марказлари; тармоқни айнан шу ҳудудларда шойлаштирилиши омиллари.

Тармоқнинг ривожланиши оқибатида келиб чиққан табиатни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар.

Тармоқнинг ривожланиши истиқболлари.



1. 54-60§ материалларидан фойдаланиб, қўшимча ахборот манбалари, атлас карталари ёрдамида учта ҳом-ашё: қишлоқ хўжалиги, қора металл рудалари, минерал ёқилғи мисолида, табиий ресурсни қазиб олишдан бошлаб то истеъмолчига етказилгунга қадар жараёнларни акс эттирувчи учта шаклни тўлдилинг. Уч турдаги ҳом-ашёни ўз ихтиёрингизга кўра танлайсиз. Ҳар бир катакдаги материал миқдори заруратга қараб белгиланади.

Хўжалик сектори	қазиб олувчи	қайти ишловчи	хизмат кўрсатиш
МАҲСУЛОТ / ХЎУЖАЛИК ТАРМОҒИ	➔	➔	
КОРХОНА ШАКЛИ	⬇	⬇	⬇
ЖОЙЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ	⬆	⬆	⬆
ДУНЁДАГИ МАРКАЗЛАРИ			

2. Тўлдириган шаклларингизга қисқача тушунтириш хатларини тайёрланг.

5.3 бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумот

“Дунё хўжалигининг тармоқ ва ҳудудий тузилмаси” 5.3. бўлимнинг дарсларидан

Сиз билиб олдингиз:

Кон саноати табиий муҳитдан ҳом-ашё ва ёқилғини қазиб чиқариб олади ва унга тоғ-кон саноати, ов, балиқ ови, ўрмон кесиш киради.

Ишлаб чиқариш саноати тайёр маҳсулоатлар (**ишлаб чиқариш воситалари** ва **истеъмол маҳсулотлари**) ишлаб чиқаради, муталлургияни, электро энергетика, машинасозлик, кимё саноатини ўз ичига олади.

Инфратузилма корхоналари **ишлаб чиқариш** ва **ноишлаб чиқариш** хизматларини амалга оширади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат **ихтисослашиш**, **кооперациялашиш** ва **комбинациялашиш** каби шаклларда ташкил этилади.

Саноат ишлаб чиқаришида **завод, фабрика ва комбинат** каби корхона турлари кенг тарқалган, қишлоқ хўжалигида **ферма ва кооперативлар..**

Ихтисослашиш, кооперациялашиш ва комбинациялашиш асосида қишлоқ хўжалигининг кенг кўламли алоқалари **агросаноат комплекслари (АСК)** юзага келишига олиб келди.

Хизмат кўрсатиш корхоналари кичик ўлчамлари билан ажралиб туради, цехли ва цехсиз тузилмага эга бўлиши мумкин.

Барча тармоқ корхоналарини жойлаштирашда **ҳом-ашё, ёқилғи, энергетика, меҳнат, истеъмолчилар, транспорт, экологик омиллар** ва **илмий асослаганлик омилига** эътибор қаратилади.

Дунё саноатининг “авангард учлигининг” тармоқ тузилиши ва илғор марказлари;

Дунё хўжалиги тармоқларининг режа тавсифлари.

Бажара оласиз:

Қозоғистон харитасидан кон ва ишлаб чиқариш саноати тармоқларини аниқлашни, ўз ҳудудингиз хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини классификациялашни;

Кон, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналари ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлашни; ушбу соҳа корхоналарини классификациялашни;

Ўз ҳудудингиз саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва сервис компанияларини санаб беришни, ихтисослашиш, кооперациялашиш ва комбинациялашишга мисоллар келтиришни ва корхоналар турлари орасидаги фарқларни аниқлашни;

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг жойлаштирилиши омилларини аниқлашни;

Режага асосан дунё хўжалиги тармоқларини тавсифлашни.

6.1. Дунё мамлакатлари

62

Мамлакатларнинг сиёсий турланиши.
Дунё сиёсий харитаси**Дарс мақсади:**

- Сиёсий хаританинг асосий объектларини тавсифлаш;
- *Бошқарув шакли ва дала тизимига қараб дунё мамлакатларини классификациялаш.*

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *Сиёсий география ва дунё сиёсий харитаси нима;*
- *Дунё сиёсий харитасининг асосий объектлари;*
- *Дунё харитасининг шаклланиши асосий босқичлари;*
- *Дунё мамлакатлари бошқаруви ва давлат тизими шакллари.*

ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ	СИЁСИЙ ГЕОГРАФИЯ	ДАВЛАТ	СУБЕРЕНИТЕТ
ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ	МУСТАҚИЛЛИК	РЕСПУБЛИКА	МУСТАМЛАКА
УНИТАР ДАВЛАТ	МУНОЖИМ	ФЕДЕРАЦИЯ	МЕТРОПОЛИЯ
ХУДУД МАҚОМИ	МОНАРХИЯ	ФЕДЕРАЦИЯ	МЕТРОПОЛИЯ

Сиёсий география – жамият сиёсий ҳаётининг борлиқда ташкил этилиши ва сиёсий кучларнинг ҳудудий бирлашганлигини ўрнатиш илмий йўналиши. Мамлакатларнинг сиёсий-географик ҳолатларини баҳоламай туриб, унга кредитлар ажратиш, капитал қўйилмаларни амлага ошириш, узоқ муддатли шартномаларни имзолаш мумкин эмас. Шу сабабли сиёсий географиянинг тадқиқотлари ҳар қандай жиддий давлатларнинг дипломатик ва разведка хизматлари диққат марказида бўлади.

Дунё сиёсий харитаси – махсус географик харита бўлиб, унда умумий географик ахборотлардан (қитъалар чеграси, океанлар, денгиз ва дарёлар) ташқари, давлатлар, уларнинг чегаралари, пойтахтлари ва боғлиқ ҳудудлар кўрсатилган бўлади.

Дунё сиёсий харитасининг шаклланиши асосий босқичлари.

Унинг ёрдамида дунёнинг сиёсий – ҳудудий ташкилланишини ва унинг вақт оралигида ўзгаришини, жамиятнинг давлатларга ва боғлиқ ҳудудларга бўлинишини, уларнинг дунё минтақалари бўйича тарқалиши хусусиятларини, ҳудудий сиёсий бирлашмаларнинг шаклланишини кузатиш мумкин.

Сиёсий харита ўз ривожланишида бир неча даврлардан ўтади. Бу даврлар бутун жаҳон тарихи даврий бўлиниши билан мос келади. Қуйидаги даврларни ажратиш мумкин.

Қадимги давр (биринчи давлат шаклларининг пайдо бўлишидан то м. V асргача) – Ердаги биринчи давлатларнинг: Қадимги Миср, Қадимги Юнонистон, Карфаген, Қадимги Рим ва б. ташкил топиши ва қулаши кузатилган.

Ўрта асрлар даври (V-XV аа.) – бу даврда: Византия, Муқаддас Рим империяси, Англия, Испания, Португалия, Киев Руси, ва б. мавжуд бўлган. Дунё сиёсий харитаси Буюк географик кашфиётлар даврида жуда катта ўзгаришларга учраган.

Янги давр - XV-XVI асрлар чегарасидан то XX аср бошида биринчи жаҳон уруши бошлангунга қадар. Сиёсий харита барқарорлигини йўқотди, чунки ривожланган капиталистик мамлакатлар орасида дунёни бўлиш учун кураш кескинлашиб кетди, европа мустамлакачилик экспансиясига қадам ташланди. 1876 йилда Африканинг бор йўғи 10% Фарбий Европа мамлакатларига тегишли эди, 1900 йилда эса 90% га етиб борди. XX аср бошланишига дунёни бўлиш деярли якунланди, яъни энди фақат куч ишлатибгина қайта бўлиш мумкин эди.

Дунё сиёсий харитаси шаклланишининг **энг янги даври** бошланиши биринчи жаҳон уруши тугаши билан боғланади. Бу ушбу даврнинг биринчи босқичи. У дунё харитасида СССР пайдо бўлиши, Австро-Венгриянинг бўлиниши ва суверен давлатлар: Польша, Финляндия, Чехословакия, ва б. ташкил топиши билан, Буюк Британиянинг, Франциянинг, Белгиянинг, Япониянинг мустамлака қарам ерларининг кенгайиши билан боғлиқ. **Иккинчи босқич** (икинчи жаҳон рушидан кейин) дунё колониал тизимининг парчаланиши ва Осиёда, Африкада, Океанияда, Лотин Америкасида кўп сонли мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. 90 йиллар бошидан энг янги тарихнинг ҳозир ҳам давом этаётган **учинчи босқичини** ажаратилади. Ушбу даврдаги дунё харитасидаги ўзгаришларга қуйидагилар киради: СССР нинг парчаланиши; СССРнинг собиқ республикалари сиёсий мустақиллигининг эълон қилиниши; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) ташкил топиши; ЮСФР нинг парчаланиши; икки Германия давлатларининг бирлашиши(ГДР ва ГФР); икки мустақил давлат – Чехия ва Словакия ташкил топиши.

Шу тариқа дунё доимий равишда сиёсий томондан ўзгариб туради.

Дунё сиёсий харитасининг бош объектлари: мустамлакалар, аниқланмаган мақомга эга халқаро ҳудудлар, ўзини-ўзи эълон қилган давлатлар, суверен давлатлар.

Дунё сиёсий харитасининг бош объектлари бўлиб суверен давлатлар ҳисобланади. Замонавий дунё харитасида 230 дан ортиқ мамлакат мавжуд бўлиб, улардан 194 таси суверен давлатлар.

Давлат – дунё сиёсий харитасининг **бош объекти**. Давлат – бу северенитетга эга бўлган ҳудуд. Давлат – бу, умумий ижтимоий, маданий манфаатлар билан боғлиқ, маълум ҳудудни эгаллаган, ўзининг бошқарув ва хавфсизлик тизимига, ички ва ташқи суверенитетга эга бўлган жамиятнинг алоҳида ташкилланиши шакли.

Давлатнинг асосий белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: маълум бир ҳудудга эгалиги, суверенитет, кенг ижтимоий база, қонуний куч ишлатишга монополия, солиқлар йиғиш ҳуқуқи, ҳокимиятнинг ошқоралиги, давлат рамзларининг мавжудлиги.

Давлат суверенитети - давлатларга ўз ички ҳаёти ва ташқи сиёсати масалаларини мустақил ҳал этиши ҳуқуқини берувчи, халқаро ҳуқуқ нормаси. Исталган ҳудуднинг давлат мақоми, унинг суверенитети халқаро тан олиниши билан мустаҳкамланган бўлиш зарур, яъни бошқа давлатлар томонидан тан олиниши лозим.

Давлатлардан ташқари дунё сиёсий харитасида 30 дан ортиқ суверен бўлмаган сиёсий-ҳудудий тузулмалар мавжуд(8 жад.). Уларнинг айримлари суверен давлатлардан боғлиқлик шакллариининг ҳар-хил турларига эга бўлган ҳудудларни ташкил этади. Улар суверен давлатларнинг турли ўз-ўзини боқариш шаклларига эга бўлган қарам ерлари ҳисобланади (масалан, Гвиана ёки Гваделупа – Франциянинг денгиз орти департаментлари). Бошқалари – давлатнинг қисми ҳисобланиб, алоҳида сиёсий тузумга ёки мақомга эга бўлади (масалан, Аоминь – ХХР таркибидаги махсус маъмурий ҳудуд). Шунингдек суверен бўлмаган ва мақоми аниқланмаган ҳудудлар мавжуд (маслан, Фолкленд ороллари – Аргентина ва Буюк Британи ўртасидаги тортишувдаги ҳудуд). Умуман олганда уларнинг барчаси мустамлака ҳисобланади. **Мустамлака** – махсус режим асосида бошқариладиган, иқтисодий ва сиёсий мустақилликдан маҳрум қилинган, чет давлати(метрополия) ҳукмдорлиги остида бўлган мамлакат ёки ҳудуд. Мустамлакага эгалик қилувчи давлат **метрополия** деб аталади.

Деколонизация жараёни ҳали тугатилмаган. **Деколонизация** – мустамлака қарамлигидан озод қилиш. Бундай ҳудудларнинг кўпи метрополиялар учун ҳарбий-стратегик объектлар сифатида (ҳарбий-ҳаво ёки ҳарбий-денгиз базалари) муҳим аҳамиятга эга ёки бошқа манфаатларни ифодалайди.

1960 йилда БМТда мустамлака мамлакатларга ва ҳалқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация қабул қилинди. БМТнинг мустақиллик берилиши лозим бўлган мустамлакалар рўйхати тузилди. 1945 йилдан 2007 йилгача 80 га яқин мамлакатлар ўз-ўзини бошқариш мақомига эга бўлиб, БМТга аъзо бўлдилар. Дунёдаги мустамлака мамлакатларнинг сони борган сари камайиб бормоқда.

XX асрда Франция, Буюк Британия, Испания, Португалия каби улкан мустамлака давлатлар деярли парчаланиб кетди.

БМТ нинг “Ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар” рўйхатига 17 та ҳудуд киради. Ушбу ҳудудларга БМТнинг мустақиллик бериш тўғрисидаги талаби тадбиқ этилади.

9- жадвал

Ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар (БМТ маълумотларига кўра)

Т-б №	Ҳудуд	Бошқарадиган мамлакат
Африка		
1	Ғарбий Саҳрои Кабр	Марокаш ва Мавритания тортишувида
Атлантик океан, Кариб ҳавзаси ва Ўрта ер дегизи минтақаси		
1	Англия	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
2	Бермуд ороллари	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
3	Британия Виргиния ороллари	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
4	Кайман ороллари	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
5	Фолкленд(Мальвин) ороллари	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
6	Монтсератт	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
7	Муқаддас Елена ороли	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
8	Теркс ва Кайкос ороллари	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
9	АҚШ Виргиния ороллари	АҚШ
10	Гибралтар	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
Осий-Тинч океани минтақаси		
1	Америка Самоа	Америка Қўшма Штатлари
2	Гуам	Америка Қўшма Штатлари
3	Янги Каледония	Франция
4	Питкэрн	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги
5	Токелау	Янги Зеландия
6	Француз Полинезияси	Франция

Дунё сиёсий харитасида ўзини эълон қилган давлатлар алоҳида ўрин тутди, масалан, Косово, Жанубий Осетия, Абхазия Республикаси, Шимолий Кипр Туркия Республикаси ва б.

Замонавий дунёда 60 мамлакат ҳудудида жойлашиб ўзини эълон қилган таҳминан 120 та тан олинмаган давлат мавжуд. Уларнинг айримлари ҳақиқатда мавжуд, бироқ ҳуқуқий томондан халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ тан олинмаган (Тайвань ороли), бошқалари тан олинган лекин ҳудудга эга эмас (Фаластин), айримлари фақат бир неча давлат томонидан тан олинган. Тан олинмаган давлатлар сепаратизм авж олган ҳудудларда, ёки этник гуруҳни бўлиб юборган, давлат чегараларининг ўзгариши оқибатида пайдо бўлмоқда. Ушбу давлатлар дарсликларда тавсифланмайди ва хариталарда белгиланмаган. Аммо улар ҳақиқатда мавжуд ва уларда одамлар яшайди, ҳокимият органлари ишлайди, қонунлар қабул қилинади, улар халқаро майдонда қантанишга интилади. Айримлари тарихий жуда узоқ вақтдан бери мавжуд, масалан, Тайвань, Фаластин, Курдистон, Азад Кашмир, Тибет.

Халқаро ҳудудлар ва акваториялар, уларнинг мақоми.

Халқаро ҳудудлар ва акваториялар – давлат чегаралари ортида жойлашган ҳудудлар; улардан фойдаланиш ҳуқуқи бутун халқаро ҳамжамиятга тегишли: бирорта давлат уларни ўзиники қила олмайди ва улар илмий тадқиқотлар учун очиқ.

Халқаро ҳудуд ва акватория мақомига эга ҳудудлар қуйидагилар: Антарктика, очиқ денгиз, очиқ денгиз устидаги фазо, мутлоқ иқтисодий зоналардан ташқарида океан ва денгизлар туби, халқаро дарёлар, бўғозлар, каналлар, космик кенглик.

Аниқланмаган мақомга эга ҳудудлар – бу, у ёки бу давлатга тегишлилиги тўлиқ аниқланмаган ҳудудлар.

Ижарадаги ҳудудлар. Ҳудудлардан вақтинчалик фойдаланиш шартномалари давлатлар ўртасида имзоланади. Кўпчилик ижарадаги ҳудудлар қулай географик ва геостратегик вазиятга эга. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Осиё ва Океаниядаги ривожланган давлатлар ҳарбий базалари;

Бойқонғир космодроми ҳудуди, Россия Федерацияси томонидан Қозоғистондан ижарага олинган.

Босиб олинган ҳудудлар ҳарбий ҳаракатлар натижасида мажбуран давлат таркибига қўшиб олинади, унда босиб олган давлат тузими фаолият юритади. Босиб олинган ҳудуд мақомига: Шарқий Тимор (1976-2001 йй.), Фаластин давлати ҳудудлари (Иордан дарёси ғарбий қирғоғи ва Газа сектори) эга.



Дунё сиёсий харитасининг асосий объектлари ўртасидаги фарқни ўзингизга қулай бўлган шаклда кўрсатиб беринг.
Қозоғистон Республикасини дунё сиёсий харитаси объекти сифатида тавсифлаб беринг.

“Географик мақтов” геомашқ. Ҳар бир ўқувчи бошқасига унинг шахсий фазилатлари ва яхши томонларини, билимлари ва малакаларини, феъл-атвори хусусиятларини таъкидловчи ва уни географик объект, ҳодиса ёки жараён билан солиштириб туриб мақтов айтади. Масалан. “Билимларингиз чуқурлиги Мариан чуқурлигидан ҳам катта, уларнинг ҳажми эса Дунё океани билан мосдир”.

Бошқарув ва маъмурий-ҳудудий тузилманинг асосий шакллари.
Бошқарув шакллари:

Республика (олий давлат ҳокимияти парламентга тегишли, ижро ҳокимияти эса – ҳукуматга). Бунда президент республикаси(президент катта ваколатларга эга) ва партламент республикаси (президент ваколати камроқ) ажратилади. Хозирги кунда дунёда 140 дан ортиқ республика мавжуд;

Монархия (давлат бошчилигида бир шахс туради). Моанрхияларни теократик (дунёвий ва диний ҳокимият тепасида бир шахс), конституцион ва абсолют монархияларга ажратилади. Одатда монарх ҳокимияти умр бўйи давом этади ва мерос сифатида ўтказилади. Дунёда 30 дан ортиқ монархиялар мавжуд (10-жад.). Давлатлараро бирлашмани – Буюк Британия томонидан бошқариладиган Ҳамдўстликни ҳам айтиб ўтиш жоиз, унда унинг таркибига кирувчи ҳар бир давлатда, давлат бошлиғи бўлиб британия монархи тан олинган.

10-жадвал

Монархия бошқарув шаклига эга бўлган мамлакатлар

Европа		Осиё		Африка	
Андорра	Князлик (КМ)	Бахрейн	Амирлик (КМ)	Лесото	Қироллик (КМ)
Белгия	Қироллик (КМ)	Тайланд	Қироллик (КМ)	Марокаш	Қироллик (КМ)
Ватикан	Папалик (АТМ)	Қувайт	Меросдан ўтадиган амирлик (КМ)	Свазиленд	Қироллик (АМ)
Буюк Британия	Қироллик (ПМ)	Малайзия	Салтанат (ЧМ)	Океания	
Дания	Қироллик (КМ)	Япония	Империя (КМ)	Тонго	қироллик

10-жадвал давоми

Испания	Қироллик(ҚМ)	Бутан	Қироллик(ҚМ)	ҚМ – конституцион монархия
Лихтенштейн	Князлик (ҚМ)	Иордания	Қироллик(ҚМ)	
Люксембург	Буюк герцоглик(ҚМ)	Қатар	Амирлик (АМ)	ПМ – парламент монархияси
Монако	Князлик (ҚМ)	БАА	Амирлик (ЧМ)	
Голландия	Қироллик(ҚМ)	Умон	Салтанат (АТМ)	ЧМ- чекланган монархия
Норвегия	Қироллик(ҚМ)	Бруней	Салтанат (АТМ)	АМ- абсолют монархия
Швеция	Қироллик(ҚМ)	Саудия Арабистони	Қироллик (АТМ)	
				АТМ – абсолют теократик монархия

Давлат тузими шакллари – давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши. Унинг иккита асосий шакли ажратилади: **унитар давлат** (ягона бутун тузилма) ва **федерация** (давлатлар бирлашмаси, иттифоқи); **конфедерация** – бу мустақил давлатларнинг вақтинчалик ҳуқуқий иттифоқи (11-жад.).

11- жадвал

Давлат тузилишининг асосий шакллари

Унитар	Федерация	Конфедерация	Бошқалар
Давлат суверенитети белгиларига эга бўлмаган маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат, ягона бутун давлат тузилмаси	Федерация таркибидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар маълум даражадаги сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлади.	Конфедерация аъзолари ўзининг расмий мустақилигини сақлаган ҳолда, ўз давлат ҳокимияти органларига эга бўлади, аммо конфедерациянинг ҳарбий ва ташқи сиёсий ҳаракатларини бошқариш учун бирлашган органларни тузади.	Ҳамдўстлик -конфедерацияга нисбатан янада аморф шаклдаги давлатлар бирлашмаси. Ҳамдўстлик аъзолари тўлиқ суверен давлатлар. Давлатлар ҳамдўстлиги давлатлараро шартномаларга асосан ташкил этилади ва мамлакатларнинг давлатлараро алоқаларни кучайтиради.



1. Нима сабадан Қозоғистон бошқарувнинг Республика шаклини танлади? Камида 3 та далил келтиринг. Ушбу ҳолат мамлакат Конституциясида қандай акс эттирилган? Конституциянинг ушбу қисмини ўқиб беринг.



2. Нима сабадан Қозоғистон унитар сиёсий-ҳудудий тузилмани танлади? Камида 3 та далил келтиринг. Ушбу ҳолат мамлакат Конституциясида қандай акс эттирилган? Конституциянинг ушбу қисмини ўқиб беринг.



3. Қандай бошқарув шаклида сизлар ҳар бирингиз маълум шартлар талабларига жавоб берган тақдирда давлат раҳбари бўлишингиз мумкин?

Геофакт. Россия Федерациясининг Олтой Республикасида қозоқ тили, уни эгалловчиларнинг тўп бўлиб яшайдиган жойларида расмий соҳаларда ишлатилишига рухсат берилган. Хитой халқ Республикасида қозоқ тили мўғул, тибет, уйғур, чжуан, корейс тиллари, носу тили билан бир қаторда халқ Вакилларининг Умумхитой Йиғилишларида, Миллий Сиёсий Консултатив Кенгаш йиғилишларида ишлатилиши мумкин.



Сиёсий география соҳасида давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар, ҳарбийлар ва б. меҳнат қилади.

Яқун ясанг

1. Вақт лентасида дунё сисий харитаси ривожланишининг турли босқичларида Қозоғистон ўрнини кўрсатинг. Унда ҳудуд мақомини (суверенитет/мустамлака қарамлик/турли давлатлар таркибига турли мақомларда кириш), бошқарув шакллари ва маъмурий –ҳудудий тузилмалари ва бошқа хусусиятлари. Ҳар бир акс эттириладиган элемент вақт билан боғлиқликда кўрсатилиши лозим (сана билан, тарихий давр билан ва ҳ.к.). Ҳулосаларни шакллантиринг.
2. Ўзига тегишли бўлмаган қайси ҳудудларда ва қайси кенгликларда Қозоғистон очиқ илмий тадқиқотлар ўтказиши мумкин?
3. Қайси касб эгаларига, географлардан ташқари, ушбу мавзудаги билимларга эга бўлиш зарур?

Дарс мақсади:

• *Сиёсий харитадаги миқдорий ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилиш.*

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *Миқдорий ўзгаришлар нима;*
- *Сифат ўзгаришлари нима;*
- *Миқдорий ва сифат ўзгаришлари сабаблари;*
- *Дунё сиёсий харитасида Қозоғистон Республикасининг барқарорлигини таъминлашда географик билимларнинг аҳамияти.*

**МИҚДОРИЙ
ЎЗГАРИШЛАР**

СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ

**ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ
ДИНАМИКАСИ**

**“МЭНГИЛК ЕЛ”
УМУММИЛЛАТ ҲОЯСИ**

Миқдорий ўзгаришлар. Дунё сиёсий харитасида доимо миқдорий ўзгаришлар рўй бериб туради, яъни ундаги бош объектлар: давлатлар, мустанлакалар, халқаро ҳудудлар, аниқланмаган мақомдаги ҳудудлар, ўзини эълон қилган давлатлар сони ўзгариб туради.

Агар бир давлат бошқасини босиб олган бўлса, сиёсий харитада суверен давлатлар биттага камайиб, мустанлака давлатлар биттага ортади.

Агар империя парчаланиб, мустанлакалар мустақилликка эга бўлса, унда суверен давлатлар сиёсий харитада кўпаяди. Масалан, 1960 йилда дунё сиёсий харитасида 17 та янги мустақил давлат пайдо бўлди – Англия, Франция, Италия ва Белгиянинг собиқ мустанлакалари. Ушбу йил “Африка йили” деб аталди.

Айрим ҳолларда давлатлар бир-бири билан бирлашиши ва баъзида ажралиши мумкин.

1922 йилдан то 1991 йилгача дунёда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мавжуд бўлган. У Шарқий Европа, Марказий ва Шарқий Осиёнинг шимолий қисмида жойлашган эди. Унинг таркибига Қозоғистон Республикаси ҳудудлари ҳам кирган. Совет Иттифоқи Ер қуруқлигининг 1/6 қисмини эгалар эди. Парчаланиши олди-дан дунёдаги энг катта давлат ҳисобланган. Аммо 1991 йилга келиб парчаланиб кетди ва дунёда 15 та суверен давлат кўпайди.

1990 йил октябрида икки давлат – Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси, ҳамда аниқланмаган мақомдаги ҳудуд - Ғарбий Берлин – бирлашиб, Германия

Федератив Республикаси таркибига қўшилди. Дунё сиёсий харитасида битта суверен давлат ва битта мақоми аниқланмаган ҳудуд камайди.

Айрим ҳолларда бир хил ҳудудлар аҳолиси ўз ҳудудларини давлат деб эълон қилади. Бироқ улар ҳақиқатдан суверен давлат бўлишлари учун уларни бошқа барча давлатлар тан олишлари лозим. Бу эса ҳар доим ҳам рўй бермайди. Бунинг ҳисобига дунё харитасида битта ўзини эълон қилган ва тан олинмаган давлат пайдо бўлади.

Дунё сиёсий харитасида космосдаги ва Дунё океанидаги кашфиётлар ҳисобига, халқаро муносабатларнинг ривожланиши билан бирга халқаро ҳудудлар майдони ҳам ўсиб бормоқда(12 жад.).

12-жадвал

Халқаро ҳудудлар

Халқаро ҳудуд	Таркиби	Мақсад
Космос кенглиги	Комосдаги кенглик, Ой ва бошқа осмон жисмлари	Барча давлатлар томонидан тинчлик мақсадларида ишлатиш
Антарктика	Антарктида, шельф музликлари, Атлантик ва Тинч ва Ҳинд океанининг жанубий қисмлари ва 60° ж.к. даги ороллар. Мамлакатлар илмий мақсадларда ўз станцияларини ташкил этишлари мумкин.	Барча ҳарбий ҳаракатлар тақиқланади. Табиат учун зарарсиз бўлган илмий тадқиқотларни ўтказиш, одатий ва ноёб бўлган табиий экологик намуналарни сақлаб қолиш.
Очиқ денгиз	Давлатлар ҳудудига кирмайдиган денгиз сатҳи майдонлари.	Эркин учиб ўтиш, кемалар юриши, балиқ овига, сув ости кабелларини ва қувурларини ўтказишга, барча денгизга чиқишга эга бўлмаган давлатларга илмий тадқиқотлар ўтказиш учун.
Денгиз ва океанлар тублари	Миллий ҳуқуқлар ташқарисидagi денгиз ва океанлар туби.	Дунё океани туби ресурсларини - “бутун дунё меъроси” деб эълон қилиш, дунёнинг барча давлатларига унга йўл очқлигини таъминлаш, даромадларни барча мамлакатлар орасида одилона тақсимланиши.
Халқаро бўғозлар	Баб-эл-Мандеб, Гибралтар, Дрейк, Корея, Ла-Манш, Магеллан, Паде-Кале, Сингапур, Босфор ва Даданеллалар	Халқаро кема юриши
Халқаро дарё ва каналлар	Рейн, Висла, Варта, Дунай, Дуэро, Маас, Шелда, Везер, Одер, Неман, Тахо, Нигер, Конго, Эмс, Эльба дарёлари, Суэц, Панама ва Киль каналлари	Ўқитма мамлакатларининг денгизларга чиқиши, эркин кема юриши

Далатларнинг Миқдорий кўрсаткичлари ҳам ўзгариши мумкин. Очiq ерларни қўшиб олиниши, ҳудудларни сотиб олиш, ёки урушлар натижасида ерларни йўқотиш, давлатнинг қўшилиши ёки бўлиниб кетиши, қуруқлик майдонларини алмаштириш ёки қуруқликни денгиздан тортиб олиш давлатларнинг майдонини ўзгартиради. Буюк географик кашфиётлар даврида кўпчилик метрополияларнинг майдонлари катталашди. Япония ўзининг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубияти туфайли Россияга бир неча оролларни бериб қўйди. Илгари Судан Африкада майдони бўйича 1-ўринни эгаллар эди, бироқ икки давлатга Судан ва Жанубий Суданга бўлиниши оқибатида – учинчи ўринга тушиб қолди. Голландия кўп йиллар давомида дамбалар қуриш ёрдамида денгиздан қуруқликни тортиб олмоқда. Япония ва БАА сунъий ороллар қурмоқдалар.

Давлатнинг ичида унинг маъмурий –ҳудудий бирликлари сони ўзгариши мумкин. Қозоғистонда 1997 йилгача 19та вилоят бўлган, хозир – 14 та.



“Бутун дунё тарихи” фанидан олган билимларингизга таяниб, бошқа манбалардан, жумладан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, дунё сиёсий харитасидаги, унинг ривожланиши турли босқичларида рўй берган миқдорий ўзгаришлар бўйича бошқа мисолларни келтиринг.

“Мамлакатлар ва пойтахтлар” геомашқ. Олиб борувчи аралаш тартибда мамлакатларни атайди, синф эса пойтахтини топади. Агар олиб борувчи пойтахт номини айтса унда синф мамлакатни топиши лозим.

Сифат ўзгаришлари. Бугунги кунда дунё сиёсий харитасида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Кўпчилик давлатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий тузумини ўзгартириши мумкин.

Дунё сиёсий харитасининг қадимги шаклланиш пайтда қулдорчилик тузуми ҳукмронлик қилган, ўрта асрларда – феодализм, янги замонда – капитализм ривожланди ва энг янги замонга келиб ер шарининг катта қисмини эгаллаган илғор ижтимоий-иқтисодий тузумга айланди. XX асрнинг бошланишидан бошлаб сайёрамизнинг айрим давлатларида социализм тузуми ўрнатилди, 90-йилларга келиб у яна капиталистик тузумга алмашди.

Биргаликда ўзларининг мақсадларига эришиш учун мамлакатлар халқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари халқаро тинчликни ва хавфсизликни сақлаб туриш мақсадида, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1945 йилда халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар ташкилотини туздилар. Хозирги кунда унга 193 та давлат аъзо бўлган, жумладан Қозоғистон Республикаси ҳам.

Сиёсий харитада давлатлараро низоли вазиятларнинг ўчоқлари ва “қайноқ нуқталар” – ўқ отар қуруллар қўлланилган ҳолдаги ҳарбий тўқнашувлар пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин. 2017 йилда сайёрамиз “қайноқ нуқталарига” Сурия, Ироқ, Умон, Жанубий Судан, Мьянма ва б. давом этаётган ҳарбий низолар кирар эди.

Мамлакатлар давлат суверенитетига эга бўлиши ёки уни йўқотиши мумкин. XXI асрда Эритрея, Шарқий Тимор, Черногория, Косово ва Жанубий Судан суверенитетга эришдилар.

Айрим давлатларда бошқарув шакллари ва сиёсий тузуми ўзгариши кузатилади. 2008 йилда кўп асрлар монархия-қироллик тузуми остида бўлган Непал давлати, федератив республикага айланди.

Дунё мамлакатларида айрим ҳолларда давлат тузуми шаклининг ўзгариши рўй беради. **Давлат тузуми** - давлат томонидан ҳокимиятни амалга ошириш усуллари ва услублари жамланмасидир. Давлат тузумлари *демократик ва антидемократик* (тотолитар, авторитар, ирқчиликка оид) бўлиши мумкин. Кўпчилик ривожланган давлатлар демократик давлатлардир. Совет Иттифоқи парчаланишидан кейин пайдо бўлган янги давлатлар мустақилликка эга бўлгач демократик ривожланиш йўлига турдилар.

Давлатлар ўз номларини ўзгартиради, пойтахтларини номини ўзгартиради ёки кўчиради. XX аср тарихи кўплаб давлатлар ўз номларини ўзгартирганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Форс Эронга айланди, Кампучия – Камбоджага, Бирма – Мьянмага. Қозоғистон Совет Иттифоқи таркибида Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси деб аталган, мустақилликдан кейин Қозоғистон Республикаси деб атала бошлади.

Энг тарихий даврида ва ҳозирги замонда ҳам пойтахтларни кўчириш ҳолатлари ҳам оз эмас. 1923 йилда Туркия пойтахтни Истанбулдан Анқарага кўчирди, Бразилия 1960 йилда пойтахт функцияларини Рио-де-Жанейродан махсус қурилган шаҳар Бразилияга топширди. 1990 йилда Германия пойтахти Берлин бўлди, ундан олдин Бонн эди. 1997 йилда Астана Қозоғистон пойтахтига айланди. Астанагача пойтахт вазифаларини Оренбург, Қизлорда ва Алмати бажарган эди.

Миқдорий ва сифат ўзгаришлари бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди. Кўп ҳолларда улар ўзаро боғлиқ бўлади.



“Бутун дунё тарихи” фанидан олган билимларингизга таяниб, бошқа манбалардан, жумладан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, дунё сиёсий харитасидаги, унинг ривожланиши турли босқичларида рўй берган сифат ўзгаришлари бўйича бошқа мисолларни келтиринг.

«Мәңгилік ел» умуммиллат ғояси. Қозоғистон Республикаси ёш давлат бўла туриб, “Асрларда яшовчи мамлакат – “Мәңгилік ел” бўлишга интилмоқда. Бу ғоя Ватанимиз мадҳиясида ҳам ўз аксини топан:

“Қарсы алған уақытты мәңгилік досындай біздің ел бақытты” – “Бизнинг бахтли халқимиз янги замонни мангу дўстидай қарши олади”.

Ҳар бир давлат мажбурий хусусиятларга эга бўлиши лозим. Аввалам бор бу ер ва ер ости бойликларини, фазо ва ҳудудий сув ҳавзаларини ўз ичига олувчи ва ушбу давлатнинг суверен ҳокимияти амалга оширилувчи *ҳудудга* эга бўлиши лозим. Ҳудудий бутлик тарихда кўплаб низоларга сабаб бўлган, чунки унинг йўқотилиши давлатнинг йўқ бўлишига олиб келади. Давлат ўз ҳудудида доимий яшовчи ва унинг ҳокимиятига бўйсунувчи **аҳолига** эга бўлиши лозим. Ҳар бир давлатда **ошқора ҳокимият** - давлат ҳокимиятини амалга оширувчи алоҳида одамлар гуруҳи, органлар ва ташкилотлар тизими, бўлиши керак. Энг аҳамиятли хусусиятлардан бири – **суверенитет**, яъни ички ва ташқи ишларда давлат ҳокимиятининг устунлиги ва мустақиллиги ҳисобланади. У ҳокимият субъектининг мустақил ва бировга боғлиқ бўлмаган ҳолда яқуний қарорларни қабул қилиш имконияти билан ифодаланади. Мамлакатимизни давлат сифатида **халқаро эътироф** қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатнинг бош хусусиятлари. Улардан бирортасини йўқотиш давлатчиликнинг барбод бўлишига олиб келади. Мана шу хусусиятларнинг мавжудлиги Қозоғистон ҳудудининг морфологик, миқдорий, сифат кўрсаткичларини комплекс ўрганилиши қанчалик муҳимлигини таъкидлашга етарли бўлади.

Ҳар бир Қозоғистонлик ўз мамлакатининг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилиши, унинг суверенитетини ва ютуқларини мустаҳкамлаши, аҳоли сифатини оширишга ўз ҳиссасини қўшиши, ҳокимият билан муносабатларни қонунчилик ва демократик тартибда олиб бориши лозим. Фақат ушбу шартларга жавоб берган тақдирда дунё сиёсий харитасидаги исталган миқдорий ва сифат ўзгаришларига қарамай бизнинг давлатимиз – дунёда майдони катталиги бўйича 9-ўринни эгаллаб турган Қозоғистон Республикаси “Мәңгилік ел” – “Асрларда яшовчи мамлакат” бўлиб қолади.



Қозоғистон Республикаси “Мәңгілік ел” - “Асрларда яшовчи мамлакат” бўлиб қолиши учун ҳар бир қозоғистонликка қандай географик билимлар ва малакалар керак бўлади?

Геофакт. 26 та Европа мамлакати ўзларининг умумий чегараларида паспорт ва иммиграция назоратини олиб ташлашга қарор қилишда ва “шенген зонасини” яратишди. Униг ичида ушбу давлатлар фуқролари исталган томонига, бир давлат ичидагидек ҳаракатланишлари мумкин. Бошқа давлатлар фуқролари “шенген зонаси” давлатлардан бирига кириш визасини олиб, ушбу давлатларнинг ҳар бирининг ҳудудида эркин ҳаракатланишлари мумкин.



Яқун ясанг

1. Миқдорий ва сифат ўзгаришлари ўзаро боғлиқлиги бўйича мисоллар келтиринг.
2. 20 асрда дунё сиёсий харитасида Қозоғистон Республикаси ҳудуди билан боғлиқ миқдорий ва сифат ўзгаришларига мисоллар келтиринг.
3. Нима деб ўйлайсиз, Қозоғистон Республикасининг ҳар бир давлатчилик хусусиятларини- давлат ҳудудини ва унинг бутлигини, суверенитетини, аҳолини, халқаро эътирофни сақлаб қолиши учун қандай чоралар кўрилмоқда ва яна қандай чораларни кўриш зарур? Жавобингиз тасдиғига далил ва фактларни келтиринг.

Дарс мақсади:

- дунё мамлакатларининг сиёсий-географик ўрнига баҳо бериш. Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- миллий манфаатлар нима;
- маиллий манфаатлар қандай таъминланади;
- сиёсий-географик ўрин давлатнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатади;
- сиёсий-географик ўрин қандай баҳоланади.

СИЁСАТ**СИЁСИЙ-ГЕОГРАФИК ЎРИН****МИЛЛИЙ
МАНФААТЛАР**

Миллий манфаатлар ва сиёсат. Ҳар бир давлатда ўзига яраша эҳтиёжлар мавжуд бўлиб, улар *манфаатлар* деб аталади. Давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига қуйидагилар киради:

- мамлакатнинг суверенитетини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий яхлитлигини сақлаш;
- ички ва ташқи хавфсизлик;
- табиий ва техноген офатлардан ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқий тартиб;
- ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт;
- Миллий хусусиятларни сақлаб қолиш;
- Миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик;
- Дунё сиёсий харитасида бошқа халқлар орасида обрўли ўрин;
- Мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш;
- Ҳамкорлик ва тенг шерикчилик асосида самарали халқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш.

Айнан шунинг учун ҳар қанақа давлат **сиёсат** олиб боради, яъни миллий манфаатларни таъминлаш бўйича фаолият юритади. Тадбирларнинг асосий қисми мамлакат ичкарасида олиб борилади. Бундай фаолиятнинг барча турлари *ички сиёсат* деб аталади. Ўз мамлақати манфаатларида бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлар, давлатнинг халқаро ишлардаги умумий йўналиши *ташқи сиёсат* дейилади.

У давлатнинг ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, бошқа давлатлар ва халқлар билан муносабатларини тартибга солади.

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши, ундаги тинчлик қўшни давлатларга, халқаро ташкилотларга ва дунёдаги бошқа сиёсий кучларга маълум даражада боғлиқ бўлади. Бунинг сабаби барча мамлакатлар товарлар, хизматлар ва одамлар ҳаракати билан ўзаро боғлиқ. Дунёдаги ҳеч бир мамлакат бошқа давлатлардан товар сотиб олмасдан фаолият юритиш учун етарли ресурсларга эга эмас. Иқтисодиётнинг асоси савдо-сотик ҳисобланади, шунинг учун давлатлар ўз товарларининг қўшни мамлакатларда сотилишидан манфаатдор. Одамлар бошқа шаҳарларга иш қидириб, тижорат ҳамкорларини қидириб, тижорат, туризм, таълим олиш, даволаниш ва ҳ.к. мақсадларда боради.

Савдо-сотик, ҳамкорликдаги тижорат, одамлар ҳаракати натижасида капитал ҳаракати рўй беради. Бир хил мамлакатлар бошқаларга карзга пул маблағлари беради ёки пул маблағларини биргаликда даромад олиш учун уларнинг иқтисодиёти ривожланишига киритади.

Ижобий таъсирлардан ташқари қўшни давлатлардан хавф-хатр ҳам юзага келиши мумкин. Айрим давлатлар бошқаларнинг ҳудудий яхлитлигига ҳарбий босқинчилик орқали хавф солади. Айниқса бир неча душман давлатлар турли уюшмаларга бирлашиб, бошқаларга қарши биргаликда ҳаракат қилганлари катта хавф туғдиради. Агар чегарадош мамлакатлар ночор ҳолатда бўлса, у ерда қуролини низолар рўй бераётган бўлса, улар меҳнат мигрантлари ва қочоқлар оқимини шакллантириб демографик босим ўтказади.

Иқтисодий ночор мамлакатлар яхши харидор бўла олмайди. Уларнинг транспорт инфратузилмаси ривожланиши даражаси паст бўлиб, йўллардан фойдаланиш имконияти ҳам бўлмайди. Ҳамкорликдаги тижоратни ривожлатириш ҳам қийин кечади, чунки таълим даражаси, ишчи кучининг сифати анча паст бўлади. Бундай малакатларда жинойтчилик даражаси юқори бўлади.

Агар қўшни давлатда уруш бўлаётган бўлса, кўпчилик тижорат вакиллари ўз хавфсизликларидан қўрқиб, у ерга бормади. Бу эса иқтисодиётга катта салбий таъсир кўрсатади.

Қозоқ халқи қадимдан яхши қўшничилик қадрини билиб келган: “Жаман көрші – ұрыс пен керіс, жақсы көрші – алыс пен бері” – “Ёмон қўшни – уруш жанжал келтирар, яхши қўшни билан – қут - бараканг унар”. Бундан келиб чиқадики, қўшни давлатларга ва дунё сиёсий харитасининг бошқа объектларига нисбатан ўз ўрнини ўрганиш муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Шу сабабли барча давлатлар ўзининг сиёсий макондаги ўрнини ҳар тмонлама таҳлил қилиб борадилар.



1. Қозоғистон Республикаси санаб ўтилган ҳар бир мамлакат манфаатларини таъминлаш мақсадида сиёсат олиб бораётганлигига исталган мисолларни келтиринг.
2. “Бутун дунё тарихи” фанидан олган билимларингизга таяниб, оммавий ахборот воситаларидан ва бошқа манбаалардан фойдаланиб қўшничиликнинг ижобий ва салбий таъсирларига исталган мисолларни келтиринг.

“Сонлар булути” геомашқ. Олиб борувчи ҳаммага таниш бўлган географияда аҳамиятли бўлган сонларни айтади, синф эса уларга тегишли бўлган географик объектни, ҳодисани ёки жараённи, ўлчов бирлиги билан бирга топади. Масалан, берилган сон – 1492, жавоб – Американинг очилиши йили. Агар битта рақамнинг ўзи иккита жавобга мос келса иккиласи ҳам ҳисобга ўтади.

Мамлакатнинг сиёсий-географик ўрнининг режа тавсифи. Мамлакатнинг сиёсий-географик ўрни – бу мамлакатнинг дунё сиёсий харитасидаги бошқа давлатлар ва уларнинг гуруҳлари, халқаро иттифоқлар, ҳарбий низоларга нисбатан, шунингдек иқтисодий-географик объектларнинг маҳаллий низолар ҳудудларига, ҳарбий базаларга нисбатан ҳолати.

Географларнинг кўплаб аждодлари мамлакатнинг сиёсий-географик ўрнини баҳолаш режасини ишлаб чиқишган ва у ўз ичига қуйидаги асосий саволларни олади:

1. Мамлакат тўғрисидаги умумий маълумотлар, тарихий-географик ҳудуддаги ўрни.
2. Халқаро ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ташкилотларга аъзолиги.
3. Қўшни мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий баҳоси:
 - Давлат чегараларидан ўтиш тартиби ва низоли ҳудудларнинг мавжудлиги;
 - Қўшни мамлакатларнинг халқаро ташкилотларга ва ҳарбий блокларга аъзолиги;
 - Қўшни мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши.
4. Мамлакатнинг транспорт йўлларига, ҳом-ашё ва маҳсулотлар бозорларига нисбатан вазияти:
 - А) халқаро транспорт йўлларида фойдаланиш имконияти;
 - Б) қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари;

В) мамлакатнинг ҳом-ашё, ёқилғи билан таъминланганлиги ёки бошқа давлатларда яқин жойлашганлиги;

5. Мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи “қайноқ нуқталарга” муносабати:

А) маҳаллий низоларга бевосита ёки билвосита алоқадорлиги;

Б) ҳарбий-стратегик потенциали ва чет давлатларда ҳарбий база-ларга эгаллиги;

В) мамлакат ҳукуматининг халқаро вазиятни юмшатиш ва қурол-сизлантиришга муносабати;

6. Мамлакатнинг сиёсий-географик ўрнига умумий баҳо.

Географияни ўрганиш жараёнида синфдан синфга ушбу режа янги элементлар билан тўлдириб борилади.



1. Қайси касб эгалари мамлакат сиёсий-географик ўрнига тавсифнома тайёрлаши мумкин?



2. Қандай шахслар ва ташкилотлар бундай тавсифномаларга муҳтож?



3. Бирор бир мамлакатга бормай туриб унинг сиёсий-географик ўрнига баҳо бериш мумикинми? Ўз жавобингизни далил ва фактлар билан мустаҳкамланг.

Геофакт. Жумабек Ташенов, Қозоғистоннинг илғор одамларидан бири, таниқли сиёсий арбоб, 1960 йилда Совет Иттифоқи раҳбарияти томонидан замонавий Акмола, Қўстанай, Шимолий-Қозоғистон ва Павлодар вилоятларини (ҚР нинг умумий майдони 21%) ягона Целина (Бўз ерлар) ўлкасига бирлаштириб қўшни республика тарқибга ўтказишга қарор қилганда, қаршилик кўрсатиб, ушбу қарорни бекор қилинишига эришган.



1. Параграф матнида келтирилган режага асосан Қозоғистон Республикасининг ва танловингиз асосида исталган бошқа мамлакатнинг сиёсий-географик ўрнини тавсифланг. Натижаларни синфга тақдим этинг.

2. Мамлакат миллий манфаатлари ва унинг ўзининг ва бошқа давлатларнинг сиёсий-географик ўрнини баҳолаш ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд. Далил келтиринг.

Дарс мақсади:

- *Сиёсий интеграцияга заруратни ва мақсадларини тушунтириш;*
- *Қозоғистоннинг сиёсий интеграцияси манфаатлари ва мақсадларини таҳлил қилиш.*

Мақсадга эришиш учун билиб олиш лозим:

- *Интеграцияга зарурат ва унинг афзалликлари;*
- *Интеграция шакллари;*
- *Таниқли интеграцион гуруҳлар;*
- *Қозоғистоннинг интеграцион ташаббуслари.*

**ИНТЕГРАЦИЯ
ШАКЛЛАРИ****ИНТЕГРАЦИЯ****ИНТЕГРАЦИОН
ГУРУҲЛАР**

Интеграцияга зарурат, унинг мақсади ва шакллари. Ҳамма давлатлар ўз ривожланишлари мақсадларида кўп умумийликка эга. Уларнинг ҳар бири мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини мустақкамлашга, ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашга интилади. Давлатлар мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароитларни яратади, иқтисодий тараққиёт сари ҳаракат қиладилар. Ҳамма маданият, фан ва таълимни, атроф муҳитни ҳимоялашни қўллаб – қувватлайди. Ҳар бир давлат барқарорлик ва тинчлик ҳукм суришида, дунё ҳамжамиятида обрўли ўрин эгалашга манфаатдор.

Айрим ҳолларда ушбу мақсадларга эришиш учун бир давлатнинг ҳаракатлари етарли бўлмайди, чунки бир қатор миллий манфаатлар давлат ҳудудидан ташқарида таъминланади.

Ҳар бир мамлакат аҳолиси ҳам бошқа мамлакатлар билан боғлиқ манфаатларга эга бўлади. Уларга бошқа малакатларда яшовчи одамлар билан қариндошчилик ва ижтимоий алоқалар сабаб бўлади. Одамлар чет давлатларда ишлаши, таълим олиши мумкин. Кўпчилик одамлар дунё бўйлаб саёҳат қилади, чет давлатлар тиббиёт муассасаларида даволанади. Бир давлат фуқаролари бошқа давлат маданий бойликлари билан қизиқади ва танишишни истайди.

Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари, молиявий муассасалар ва бошқа субъектлар чет мамлакатлари билан боғлиқ ўз мақсадларига эга бўлади. Бу, ҳом-ашё ва товарларни сотиб олиш ва сотиш, ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Ўз манфаатларини ва аҳолиси эҳтиёжларини қондириш учун дунё мамлакатлари ўзаро яқинлашишга қаратилган сиёсатни - *интеграция*ни олиб борадилар. Уни ҳам жараён, ҳам яқинлашиш натижаси деб ҳисоблаш мумкин. Биринчи ҳолатда бу ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятга етакловчи, айрим ҳолларда эса турли мамлакатларни бирлаштирувчи жараёндир. Иккинчи ҳолатда интеграция деганда биргаликда умумий мақсадларга эришиш учун ташкил этилган турли мамлакатларнинг бирлашишини тушунса бўлади.

Интеграциянинг бош мақсадлари 13 жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Интеграция мақсадлари

Сиёсий	- Қулай ташқи сиёсий муҳитни шакллантириш, сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа иқтисодий бўлмаган соҳаларда қатнашаётган мамлакатлар билан ўзаро бирдамлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш.
Иқтисодий	- Товарлар, хизматлар, капитал ва одамлар ҳаракати йўлида ички чегараларсиз маконни яратиш; - Иштирокчи-мамлакатларнинг савдо, божхона, иқтисодий, солиқ, молиявий сиёсатларини яқинлаштириш; - Айрим ҳолатларда ягона валютани тадбиқ этиш.
Ҳарбий	- Тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш; - Ташқи ҳарбий-сиёсий хавфлардан коллектив ҳимояланиш; - Халқаро терроризм ва экстримизмга, трансмилий ташкиллаштирилган жиноятчиликка, наркотрафикларга, ноқонуний миграцияга, кибержиноятчиликка қарши кураш; - Фавқулодда вазиятларга, гуманитар офатларга коллектив тарзда чора кўриш.

Синфдан синфга ўтиб сиз интеграцион гуруҳларнинг кўп турлари билан танишасиз. Ушбу параграфда уларнинг айримлари билан танишиб чиқасиз.

Бугунги кунда қуйидаги интеграция **шакллари мавжуд:**

Эркин савдо знаси, иштирокчи- мамлакат ўзаро савдодаги божхона тўсиқларини бекор қилганда;

Божхона иттифоқи, бунда иштирокчи мамлакатлар нафақат гуруҳ ичидаги товар ва хизматлар учун тўсиқларни бекор қилади, балки учинчи мамлакатларга ўрнатилган божларни бир хил даражада ўрнатади. Божхона даромадлари шартномаларга асосан пропорционал тартибда тақсимланади.

Умумий бозор, бунда нафақат ўзаро савдодаги тўсиқлар бекор қилинади, ишчи кучи ва капиталлар ҳаракати учун ҳам йўл очилади; яъни товарлар, хизматлар, капиталлар, ишчи кучи ҳақиқий умумий бозори ташкил топади;

Иқтисодий иттифоқ, бунда умумий бозордан ташқари, мамлакатлар ягона иқтисодий сиёсат олиб бориб, умумий ҳудудда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи тизим яратади;

Валюта иттифоқи, бунда умумий бозор ва иқтисодий сиёсатдан ташқари ягона банк тизими яратилади, айрим ҳолларда эса ягона валюта тадбиқ этилади.

Ҳарбий-сиёсий блок, бунда давлатлар умумий сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа вазифаларни ечиш учун ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар тўғрисида шартнома имзолайди.

Интеграцион гуруҳлар географияси. 14 жадвалда таниқли интеграцион гуруҳларга мисоллар келтирилган.

14-жадвал

Интеграция шакллари

Интеграцион гуруҳ шакли	Интеграцион гуруҳланиш
Эркин савдо ҳудуди	<ul style="list-style-type: none"> • Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди НАФТА, мамлакатлар – АҚШ, Канада ва Мексика; • Эркин савдо Европа ассоциацияси, мамлакатлар – Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария.
Божхона иттифоқи	<ul style="list-style-type: none"> • Жанубий Америка мамлакатлари умумий бозори Меркосур, мамлакатлар – Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай, Венесуэла; • Жанубий Африка божхона иттифоқи, мамлакатлар – ЖАР, Ботсвана, Лесото ва Свазиленд, Намибия. • ЕОИИ божхона иттифоқи, Қозоғистон, Россия, Беларус, Қирғизистон ва Арманистон томонидан ташкил этилган.
Умумий бозор	<ul style="list-style-type: none"> • Европа иқтисодиёт ҳудуди, қатнашчилар – ЕИ, Норвегия, Исландия ва Лихтенштейн; • Анд миллатлар ҳамжамияти, мамлакатлар – Боливия, Колумбия, Эквадор, Перу.
Иқтисодий иттифоқ	<ul style="list-style-type: none"> • Жанубий–шарқий Осиё Мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН), мамлакатлар – Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Тайланд, Филлипин; • Кариб ҳамжамияти Марказий ва шимолий-шарқий Жанубий Америка мамлакатлари савдо-иқтисодий иттифоқи, мамлакатлар – Антигуа ва Барбуда, Багам ороллари, Барбадос, Белиз, Доминика, Гренада, Гайана, Гаити, Ямайка, Монтесеррат, Сент-Китс ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадинлар, Суринам, Тринидад ва Тобаго. • Евросиё иқтисодий иттифоқи, Қозоғистон, Россия, Беларус, Қирғизистон ва Арманистон томонидан ташкил этилган.
Валюта иттифоқи	<ul style="list-style-type: none"> • Европа иттифоқининг иқтисодий ва валюта иттифоқи, мамлакатлар – Австрия, Белгия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Нидерландлар, Португалия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Эстония.

Ҳарбий-сиёсий блок

- Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО), мамлакатлар – Белгия, Буюк Британия, Дания, Исландия, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландлар, Норвегия, Португалия, АҚШ, Франция, Греция, Туркия, Германия, Испания, Венгрия, Польша, Чехия, Болгария, Латвия, Литва, Руминия, Словакия, Словения, Эстония, Албания, Хорватия, Черногория.
- Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкиллоти (ОБСЕ), 57 та мамлакатни бирлаштиради ва улар Шимолий Америкада, Европа ва Марказий Осиёда жойлашган. Унга Қозоғистон Республикаси ҳам киради.



1. Миллий манфаатлар, мақсадлар ва интеграция шакллари ўртасидаги алоқаларга мисоллар келтиринг.
2. Нима учун интеграцияни ҳам жараён, ҳам натижа сифатида кўриш мумкин?
3. Жадвал маълумотларига асосан таҳмин қилинг, сайёра-мизнинг қайси ҳудуди интеграцион жараёнларга кенгрок кўламда жалб этилган?

“Сонлар булутида” геомашқ. Олиб борувчи харитада материкларни ёки океанларни кўрсатади, синф эса уларни тавсифловчи, аҳамиятли сонларни ўлчов бирликлари билан бирга айтади. Масалан, Европани кўрсатганда 8848 м сонини айтиш мумкин.

Қозоғистоннинг интеграцион жараёнлардаги иштироки. Дунё майдонида Қозоғистон тўлиқ шаклланган жадал ривожланаётган иқтисодиётга эга ва аниқ белгиланган ташқи-сиёсатдаги устиворликларга эга барқарор давлат сифатида ўзини намоён қилмоқда. Дунёда давлатнинг фаоллиги, ўрни ва халқаро обрўси ошиб бормоқда, унинг минтақавий ўрни кенгайиб, дунё иқтисодиёти учун аҳамияти ўсиб бормоқда.

Қозоғистон миллий манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ташқи сиёсати қуйидаги асосий мақсадларга эришишга йўналтирилган:

1. Миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш;
2. Қозоғистоннинг халқаро қулай атроф муҳитин шакллантириш, дунёнинг барча мамлакатлари билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш;
3. Миллий иқтисодиётни диверсификациялаш асосида Қозоғистоннинг халқаро ҳамжамиятга ва дунё хўжалиги алоқаларига юқори даражада интеграциясига эришиш;
4. Минтақа давлатларининг иқтисодий интеграцияси учун зарур шароит ва замин таъминлаш;

5. Маданий-гуманитар, фан – таълим ва бошқа аралаш соҳаларда халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш;
6. Қозоғистон Республикаси фуқролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини, уларнинг чет элдаги шахсий, оилавий ва ишга алоқадор манфаатларини ҳимоясини кучайтириш.
7. Белгиланган мақсадларга эришиш учун Қозғистон Республикаси бир қатор интеграцион ташаббусларни таклиф қилди ва улар муваффақиятли амалга оширилди. Уларнинг айримлари 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

Қозоғистон интеграцион гуруҳларда

Интеграцион гуруҳ	Ташкил этишдан мақсад	Қатнашчи мамлакатлар
Ўзаро фаолият юритиш ва Осиёда ишонч чоралари бўйича мажлис (СВМДА)	Минтақада хавфсизликни таъминлаш мақсадида Осиё давлатларининг ўзаро муносабатларини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш	Азарбайжон, Афғонистон, Бахрейн, Вьетнам, Миср, Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Исроил, Қозоғистон, Камбоджа, Хитой, Қирғизистон, Мўғулистон, Покистон, Фаластин, Россия, Тожикистон, Тайланд, Туркия, Ўзбекистон.
Шанхай ҳамдўстлик ташкилоти (ШХТ), ҳарбий блок эмас.	Умумий фазода барқарорликни ва хавфсизликни кучайтириш, терроризмга, сепаратизмга, экстремизмга, наркотрафикка қарши курашиш, иқтисодий, илмий ва маданий ўзаро фаолият юритиш	Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, ХХР, Покистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон
Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)	Илгари Совет Иттифоқи таркибида бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш	Азарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон
Евросий иқтисодий иттифоқи	товар, хизмат кўрсатиш, капитал ва ишчи кучини эркин ҳаракатланиши билан таъминлаш, иқтисодий соҳаларда умумсиёсат ёки ҳамжиҳатлик юритиш	Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия

Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти	Тинчликни, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, аъзо-давлатларнинг мустақиллигини, чегаралар дахлсизлигини ва суверенитетини коллектив асосда ҳимоя қилиш	Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон
------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------



1. Қозоғистон интеграцион гуруҳларда қатнашиш орқали ташқи сиёсатнинг қандай мақсадларини кўзда тутмоқда?
2. Қозоғистон аъзо бўлган ташкилот ва блоklar интеграцион гуруҳларнинг қайси шаклига киради?
3. 15 жадвалдан 14 жадвалдаги гуруҳларга мос келадиган гуруҳларни аниқланг.

Геофакт. Қозоқ халқи маданиятининг “қазақша күрес”, юрта, күй, айтыс, лочин билан ов, Наврўз, нон ёпиш ва синдириш ЮНЕСКО нинг “Оғзаки ва номодий маданий мерос дурдоналари” дастури доирасида қўриқ остига олинган.



Яқун ясанг

Параграф матнида айтиб ўтилган исталган интеграцион гуруҳ тўғрисида презентация тайёрланг. Олдиндан презентация мезонларини аниқлаб синфдошларингиз билан мавзуларни келишиб олинг.

№11-амалий иш

MS Word df MS Power Point форматларида “Дунё сиёсий харитаси” мавзусида гипер боғланишлардан фойдаланган ҳолда ҳужжат тузинг. Ушбу мавзудаги умумий матн сиз тузган ҳужжатнинг бошқа жойларига, ушбу мавзудаги ахборотга эга бўлган шу форматдаги файлларга ёки веб-сайтлар билан боғланишларга эга бўлиши лозим. Ҳужжатингиз қуйидаги боғланишларга эга бўлиши ёки ўз боғланишларингизни тақдим қилишингиз мумкин. Ҳар қайси ҳолатда ҳам ушбу топшириқ мавзунини очиб бериши керак. Бутун синф олдида ўз ишингизни ҳимояланг. Ушбу ишни ҳимоялашда асосий эътибор мавзунинг мазмунига ва унинг очилишига қаратилиши лозим.

1. Дунё сиёсий харитаси.
2. Дунё сиёсий харитасининг ривожланиши босқичлари.
3. Дунё сиёсий харитасининг бош объектлари (суверен давлатлар, ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар халқаро мақомга эга ҳудудлар, мақоми аниқланмаган ҳудудлар).
4. Бошқарувнинг асосий шакллари (республика, монархия).
5. Маъмурий-ҳудудий тузилманинг асосий шакллари (унитар ва федератив давлатлар).
6. Дунё сиёсий харитасидаги ўзгаришлар (миқдорий, сифат ўзгаришлари).

Гипербоғланиш – бу график объект ёки Word матнли ҳужжатнинг матнининг бир қисми бўлиб, у бир қадам (клик) ёрдамида шу ҳужжатнинг бошқа саҳифасига ёки бошқа интернет тармоғи ресурсларига, ёки ҳужжатнинг бошқа қисмига ўтиш имкониятини беради. Техник тарзда html ёки Offis, Word ва бошқа иловалар коднинг қисми ҳисобланади. Веб-фойдаланувчилар одатда бир саҳифада ҳеч бўлмаганда битта боғланишни топишлари мумкин. Гипербоғланишларнинг энг оддий тури – бу ўрнаштирилган матн ёки ўрнаштирилган боғланиш.

Бу ҳолатда боғланиш бир сўз ёки сўзлар гуруҳи кўринишида бўлади ва одатда остидан чизиқ тортилган ва кўпинча кўк рангда бўлади. Гипербоғланишга курсорни ўрнатиб тугмани босиш ҳужжатнинг бошқа жойига ёки бошқа интернет-саҳифага ўтиш имкониятини беради.

Гипербоғланиш қуйидагиларга боғланиши мумкин:

Исталган веб-саҳифага;

Веб-саҳифанинг исталган жойига, яъни ушбу саҳифанинг ўзида жойлашган маълум бир боб, бўлимга ўтиш амалга оширилади;

Исталган форматдаги ҳужжатга (мас келувчи форматлардаги ҳужжатлар шархловчининг ойнасида очилади), ёки тегишли (боғлиқ бўлган) дастурлардан фойдаланилади, масалан, видео кўриш, овозли файлларни эшитиш учун ва ҳ.к.;

Исталган файлга – бу ҳолда унинг компютерингиз қаттиқ дискига (локал дискига) кўчирилиши ва ёзилиши бошланади;

Электрон почта манзилига – хат ёзиш ойнаси очилади.

Географик билимларнинг ва кўникмаларнинг Қозоғистон ривожланишидаги ўрни

1. Қозоғистон Республикасининг ривожланиши асосига “Мەңгілік ел” - “Асрларда яшовчи мамлакат” умуммиллий ғояси жойлашган. Давлат, жамият, барча қозоғистонликлар мамлакатимиз барҳаётлигини таъминлашга интилишлари лозим. Биз қозоғистон давлатчилиги хусусиятларини сақлаш ва барқарор ривожлантириш, уларнинг мавжудлигини ва келажақда самарадорлигини кафолатлашимиз лозим.

Йил давомида барча бўлимларни ўрганиш давомида олган билимларингиз ва кўникмаларингизга таяниб, мамлакатни ривожлантиришнинг миқдорий ва сифат омилларини кўрсатган ҳолда, Қозоғистон Республикисининг барҳаётлигини таъминловчи ғояларни таклиф этинг.

№	Омиллар	Компонентлар	Ғоя
	Географик	Майдони ўлчамлари, жойлашуви, рельефи, чегаралар узунлиги ва шакли	
	Геофизик	Иқлими, табиий ресурслар мавжудлиги, сув ресурслари мавжудлиги	
	Сиёсий	Сиёсий тузум, бошқарув ва давлат тузуми ва ҳ.к. хусусиятлари	
	Ижтимоий	Турмуш даражаси, ижтимоий тузилманинг хусусиятлари, аҳолининг урбанизациялашуви даражаси	
	Иқтисодий	Иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси, иқтисодий ўсиш темплари ва истиқболлари, инфратузилмаси, стратегик захираларнинг мавжудлиги	
	Ҳарбий	Қуроли кучларнинг жанговарлик қобилияти, замонавий қурооллар билан таъминланганлиги, армиянинг сони, ядро қуроли мавжудлиги	
	Маданий-диний	Конфессионал ва миллий анъаналар, фан, таълим, соғлиқни сақлашнинг ривожланиши даражаси.	
	Демографик	Аҳоли сони, унинг таркиби, жойлашиш зичлиги, туғилишлар ва ўлимлар даражаси.	
	Экологик	Атроф муҳит ҳолати	

6-бўлим бўйича умумлаштирувчи маълумотлар

“Сиёсий география асослари билан мамлакатлар географияси” 6- бўлим дарсларида

Билиб олдингиз:

Сиёсий география жамиятнинг сиёсий ҳаётини ва фазодаги сиёсий кучларнинг ҳудудий мослигини ўрганadi. Улар вақт оралигидаги ўзгаришлари, жамиятнинг давлатларга ва қарам ҳудудларга бўлиниши, уларнинг дунё минтақалари бўйича тақсимланиши хусусиятлари, минтақавий сиёсий бирлашмаларнинг шаклланиши билан биргаликда **дунё сиёсий харитасида** акс эттирилади. Унинг ривожланиши даврлари бутунжаҳон тарихий даврлашуви билан мос келади. Дунё сиёсий харитаси динамикаси **миқдорий ва сифат ўзгаришларида** намоён бўлади. Улар ўзаро боғлиқдир.

Дунё сиёсий харитасининг бош объектлари: суверен давлатлар, мустанлакалар, халқаро ҳудудлар, мақоми аниқланмаган ҳудудлар, ўзини эълон қилган давлатлар. Давлатлар **бошқаруви шакли** ва сиёсий тузумига қараб ажратилади.

“Мўнғилик ел” умуммиллий ғояси қозоғистонликларни мамлакатимиз барҳаётлигини таъминлаш фаолиятига чорлайди.

Сиёсат – давлатнинг ўз мақсадлари тизимига эришиш бўйича фаолияти, ички ва ташқи қиларга бўлинади. Ички ва ташқи сиёсатни самарали олиб бориш мақсадида **мамлакат сиёсий-географик ўрнининг таҳлили** ўтказилади.

Дунё мамлакатлари умумий мақсадларга эишиш мақсадида **интеграцияга** интилади. Интеграция шакллари бўлиб **очиқ савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозор, иқтисодий ва валюта иттифоқи, ҳарбий-сиёсий блоklar** ҳисобланади. Қозоғистон кўплаб интеграцион жараёнлар қатнашчиси.

Бажара оласиз:

- Дунё сиёсий харитаси объектлари орасидаги фарқларни аниқлашни;
- Дунё мамлакатларининг сиёсий-географик ўрнини таҳлил қилишни;
- Қозоғистон Республикасининг сиёсий-географик ўрнини ва сиёсий ташкиллаштирилишини тавсифлашни;
- Мавзуга асосан вақт ленталарини, гипербоғланишларни ишлатган ҳолда презентацияларни яшашни;
- Дунё сиёсий харитасидаги миқдорий ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишни ва уларнинг боғлиқлигини тушунтиришни;
- Қозоғистон давлатчилигини мустаҳкамлаш бўйича ғояларни таклиф этишни;
- Миллий манфаатлар, сиёсий-географик ўрин, давлат сиёсати йўналишлари, интеграция мақсадлари ва шакллари орасидаги боғлиқликни аниқлашни;
- Интеграцион гуруҳлар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашни.

ГЛОССАРИЙ

Агломерация – ҳудудий яқин шаҳарларнинг ўзаро боғлиқ тизими, гуруҳ шаклидаги жойлашишнинг айрим бир ҳоли.

Агросаноат комплекси – қишлоқ хўжалиги соҳаларининг ва улар билан боғлиқ саноат ишлаб чиқаришларининг (қишлоқ хўжалик машинасозлиги, минерал ўғит ва ўсимликлар ва жониворларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва қисман енгил саноат) жамланмаси.

Антропоген юклама – барча хўжалик фаолияти турларининг табиий муҳитнинг алоҳида компонентларига (рельеф, тупроқлар, ўсимликлар, жониворлар олами) ёки бутун ландшафтга таъсири.

Атроф муҳитнинг антропоген ифлосланиши – инсон хўжалик фаолияти натижасида муҳит хусусиятларининг салбий ўзгаришлари. Асосий манба – ишлаб чиқариш чиқиндиларининг табиатга қайтарилиши.

Баланс захиралар – қазиб олиш учун техник даражанинг етарли лигига эришилганда ва иқтисодий самара берганда қазиб олиш мақсадга мувофиқ бўладиган фойдали қазилмалар захираси.

Биологик ресурслар – қайта тикланадиган тугайдиган табиий ресурслар: ўрмон, бошқа ўсимлик, овчилик, балиқчилик ва бошқа гидробиологик ресурслар.

Блок м бир неча давлатларнинг, уларнинг стратегик ва геосиёсий ўрнини сезиларли ўзгартирувчи, уларни дунёвий фаолиятини анча юқори даражага олиб чиқувчи бирлашмаси.

Бюджет сиёсати – давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва ишлатиш, минтақалар орасида қайта тақсимлаш механизми.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - маълум бир мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг бозор нархларидаги жами қиймати. Унинг қиймати ялпи миллий маҳсулот қийматидан фарқ қилади, чунки ЯИМ таркибига чет элда олинган соф даромдлар кирмайди.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот жами қийматига чет элда олинган соф даромдларни қўшиш орқали ҳисоблаб чиқарилади. Чет элда олинган соф даромад, чет элдаги инвестициялар ҳисобига олинган даромадлардан чет эллик инвесторларнинг миллий иқтисодиётга инвестицияларидан олган даромадларини чиқариб ташлаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Кўпчилик дунё мамлакатларда ЯММ миқдорининг аҳолининг бир киши бошига тўғри келадиган миқдори ўсиши - иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Сув ресурслари – хўжалик фаолиятида фойдаланишга яроқли бўлган, қуриқлик ва Дунё океани сувлари.

Сув транспорти - сув йўлларида (денгизлар, океанлар, дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар) фойдаланувчи транспорт турларининг умумий номланиши. Шунингдек Денгиз транспорти ва дарё транспортига қаранг.

Ҳарбий стратегик география – чегараларни, давлат чегараларининг шаклланиши ва тарихини ўрганувчи фан.

Ҳарбий саноат – армиянинг қуролланиши ва техник жиҳозланиши учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи оғир ва енгил саноат тармоқлари. Қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради: ҳарбий техника, қурол-яроқ, алоқа воситалари, формали кийим ва б. Мудофаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қисқартириш ва ҳарбий заводларни қайта йўналтириш конверсия дейилади.

Ҳаво транспорти – ҳаво орқали юк ташиш билан шуғулланувчи авиацион транспорт. Унга юқори тезлик, катта масофаларни босиб ўтиш хосдир. Биринчи навбатда тезкор юкларни ва етиб бориш мураккаб бўлган жойларга юкларни етказишда фойдаланилади. Энг катта “ҳаво давлатлари” – АҚШ, Россия, Япония, Буюк Британия, Франция, ГФР, Канада.

Аҳолининг кўпайиши - Инсон авлодларининг узлуксиз янгилашиб боришини таъминловчи, туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш жараёнларининг жамланмаси. А.к. биринчи типини нисбатан юқори бўлмаган туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш кўрсаткичлари билан тавсифланади. А.к. иккинчи типини туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичларининг юқори ва ўта юқори даражаси билан тавсифланади.

Бутунжаҳон мероси - инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти асарлари жамланмаси бўлиб, улар сайёрамиз барча халқлари учун ўта муҳим, универсал қимматликка ва аҳамиятга эга бўлади.

Иккинчи саноат инқилоби – электрлаштириш ва автомобиллаштириш.

Иккиламчи соҳа – халқ хўжалиги сифатида саноат ва қурилиш.

Географик муҳит – тарихий ривожланишнинг ушбу босқичида инсоният жамияти ўз ҳаётида ва ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита ўзаро таъсир ўтказадиган ер табиатининг қисми. У иккиламчи табиат элементларини яратган инсон таъсири остида географик қобиқнинг эволюцияси оқибатида пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар сунъий ҳисобланади. Ўз навбатида рельефнинг кўп шакллари инсон истамаган ҳолда, бироқ унинг фаолияти натижасида пайдо бўлади. Масалан, жарликлар, ўпирилишлар. Инсон айниқса жонли табиатга катта таъсир кўрсатди. У ўсимлик ва жониворларнинг янги турла-

рини яратди. Янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши организмларнинг яшаш муҳитини ўзгартириб юборади: маданий экинлар ва жониворлар ёввойи флора ва фаунани сиқиб чиқаради.

Дин географияси – ижтимоий ва диншунослик географиясининг бир йўналиши. “Дин-ҳудуд” ўзаро таъсирини тўғри (диннинг ҳудудларга таъсири) ва тескари (маҳаллий шароитларнинг динга таъсири) алоқаларда кўриб чиқади.

Геоурбанизм (урбанизм) – шаҳар марказларининг фаолият юритиши ва ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни комплекс таҳлили ва ўрганиш билан шуғулланувчи иқтисодий география бўлими.

Халқаро муносабатларнинг глоболизацияси – халқаро муносабатлар соҳасида турли мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирининг кучайиши жараёни.

Тоғ-кон саноати – фойдали қазилмаларни чиқариб олиш, бойитиш билан шуғулланадиган тармоқлар комплекси.

Шаҳар аҳолиси – маъмурий, савдо, саноат, транспорт, маданий-таълимий ва б. функцияларни бажарувчи шаҳар-турар жойларда доимий яшовчи аҳоли.

Давлат – жамиятнинг асосий сиёсий ташкилоти бўлиб, у маълум бир давлат ҳудудида унинг иқтисодий ва ижтимоий тузилмасини ҳимоя қилади.

Давлат чегараси – давлатнинг ҳудудини белгиловачи ва қўшни давлатларни ажратиб турувчи шартли чизиқ.

Юк айланиши – юкларни транспортировка қилиш масофасига амалга ошириладиган ташишлар ҳажми; т/км да ўлчанади.

Гуруҳ – кайсидир жиҳатларда ўзаро ўхшаш ёки қандайдир ўзаро боғлиқликка эга бўлган объектларнинг бирлашмаси.

Дебатлар – долзарб мавзулар бўйича икки томон ўртасидаги махсус ташкиллаштирилган ва тузилган очиқ фикр алмашиш.

Дезинтеграция – ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий тизимларни бузиш жараёни.

Демогеография – ижтимоий-иқтисодий география таркибида аҳоли географияси ва демография чегараларидаги илмий тадқиқотлар йўналиши. Демографик ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг маълум бир ҳудудда тарихий шаклланган муносабатларни ўрганади.

Демогеографик юклама – бир ишловчига тўғри келадиган боқи-мандалар сони.

Демографик сиёсат – давлат томонидан аҳолининг ўсишига, таркибига, тарқалишига ва сифатига (асосан туғилиш сонига), ўзига керакли йўналишларда таъсир кўрсатишга ёрдам берувчи иқтисодий, маъмурий ва тарғибот чоралари комплекси.

Аҳолининг демографик тузилмаси – жинслар ва ёш гуруҳларининг нисбати. Умуман олганда дунёда эркеклар ва аёллар ўртасида тахминан тенглик мавжуд бўлиб, шу билан бирга айрим мамлакатларда улар орасидаги нисбат фарқ қилиши мумкин.

Демографик портлаш – аҳоли сонининг жадал ўсиши. Бугунги кунда оқилона демографик сиёсат ва мамлакатларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўсиб бораётган Ер аҳолисини барча керакли нарсалар билан таъминлай олади деб ҳисобланади.

Демографик танназул – Ер аҳолиси сонининг географик қобиқ ресурсларига мос эмаслиги .

Депопуляция – социалистик цивилизациянинг вайрон бўлиши оқибатида юзага келган демографик офат билан боғлиқ бўлган аҳолининг абсолют қисқариши.

Депрессив минтақалар – узоқ вақт давом этувчи иқтисодий таназзул ёки у билан боғлиқ ҳудудий ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таназзули рўй бераётган ҳудуд ёки мамлакат.

Дипломатия – давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усули. Дипломатия давлат бошлиқлари, ҳукуматлари, давлат ташқи алоқалар органлари ва бевосита дипломатларнинг расмий фаолияти кўринишида амалга оширилади ва ташқи сиёсати мақсад ва вазифаларининг бажарилишини, ўз давлатининг ва алоҳида фуқароларнинг чет элдаги манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Кислотали ёмғирлар – саноат корхоналарининг атмосферага ташланган чиқиндилари ($\text{pH} \approx 5,6$) олтингугурт оксиди ва азот ва ҳ.к. билан ифлосланган ёмғир ёки қор кўринишидаги атмосфера ёғингарчиликлари.

Озон тешиги - таркибида озон пасайиб кетган стратосферанинг маълум бир ҳудуди. Озон қатламининг бузилиши ҳам табиий, ҳам техноген жараёнлар оқибатида рўй бермоқда. Озон қатламининг пасайиб кетиши рифт вулканизми , яъни ажралиш зоналарига боғланган ва эндоген табиатнинг тикланган газлари – водрод, метан, азотнинг кўтарилиб чиқаётган оқими таъсирида рўй бермоқда.

Бошқа томондан, озон концентациясининг ўзгариши атмосферага хлорфторуглеводородли(фреонлар) биркмаларнинг ташланиши сабабли ҳам рўй беради.

Ягона энергетик тизим - энергия манбаларининг уларни узатиш воситалари билан бирлашган тизими. Одатда бу юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари билан бирлаштирилган электр стнациялари, шунингдек газ олиш, газ тозалаш ва газ қувурлари тармоғи бўлади. Я.э.т. энергияни унга истеъмол қилиш кўпайган жойларга тез узатиш имконини беради.

Табиий ўсиш - аҳолининг 1000 та кишига нисбатан ҳисобдаги ўсиши, промилледа ўлчанади. У туғилиш ва ўлиш ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоб-китоб қилинади.

Чорвачилик – уй ва ярим ёввойи жониворларни етиштириш билан боғлиқ соҳалар жамланмаси. Мўътадил минтақада қишлоқ хўжалигининг ҳукмронлик қилувчи соҳаси бўлиб, ривожланган мамлакатларда интенсификатив типга, ривожланаётган мамлакатларда экстенсив типга мансуб.

Ботқоқлашиш – тупроқларнинг ер ости сувлари кўтарилиши, оқова сувларнинг чиқиб кетиш қийинлашуви, сув қатламининг яқин жойлашиши ва буғланиш режимининг бузилиши оқибатида вужудга келади.

Муҳитнинг ифлосланиши – атроф муҳитда унинг ўзига ва инсонга хавfli бўлган концентрациядаги зарарли моддаларнинг йўл қўйилган кўрсаткичдан ортиқ келиб тушиши ва тўпланиши жараёни.

Ифлословчи моддалар (*син. поллютантлар*)- биосферада миқдори ошиб кетиши оқибатида салбий заҳарли – экологик вазиятни келтириб чиқарувчи кимёвий бирикмалар.

Заказник - хўжалик фаолиятининг айрим турлари доимий ёки вақтинчалик тақиқланган алоҳида ҳимоядаги ҳудудлар тоифаси.

Қўриқхона – илмий мақсадларда ва табиий ландшафтлар ва жониворлар дунёси турлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсадида, хўжалик фаолиятдан тўлиқ ва бутунлайга ажратиб олиган алоҳида қўриқланадиган олий тоифадаги табиий ҳудудлар.

Қўриқхона – табиий комплексни ўрганиш ва ҳимоя қилиш мақсадида тўлиғича хўжалик фаолиятдан чиқарилган табиий ҳудуд ёки акватория.

“Яшил” инқилоб – бошланишида: дон экинларининг юқори ҳосилдорликка эга навлари яратилишига олиб келган селекция соҳасидаги силжиш, бироқ кейинчалик учинчи дунё мамлакатларининг қишлоқ хўжалигини юритишнинг замонавий услубларига ўтишини англата бошлади.

Ер ресурслари – хўжалик мақсадларида доимий ишлатилиб келинаётган ёки ишлатишга яроқли бўлган ва табиий – тарихий хусусиятлари билан фарқланиб турадиган ерлар.

Эркин савдо зонаси (ЭСЗ) – товар ва хизматларнинг миқдорий ва божхона чекловларидан озод қилинган савдоси қўллаб – қувватланадиган преференциал ҳудуд.

Иммиграция – мамлакатга кириб келиш; кириб келаётган шахс иммигрант деб аталади.

Империя – диний, этник ёки мафкуравий табиатдаги – универсал ғоя остида бир нечта халқ ва мамлакатни бирлаштирувчи давлатусти тузилмаси.

Инвестициялар – бўш пул маблағларини турли молиявий ва моддий бойликларга ёки активларга киритиш.

Инвестицион сиёсат - хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини қўллаб-қувватлаш чоралари, бюджет капитал қўйилмаларининг тақсимооти.

Худуднинг инвестицион иқлими – ижтимоий-сиёсий, табиий-хўжалик ва психологик тавсифларнинг жамланмаси бўлиб, улар иқтисодий-географик вазият ва макроиқтисодий хусусиятлар билан бирга инвестицион хатарлар даражасини аниқлайди.

Ижтимоий ривожланиш индекси – қатор кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда ижтимоий ривожланиш даражасини аниқлаш. Биринчи бор БМТ томонидан 1990 йилда таклиф этилган бўлиб, даромад, таълим даражаси ва умр давомийлиги билан ўлчанади.

Индустриализация – у ёки бу мамлакатда саноат инқилобининг яқунланиши асосида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши, яъни оғир саноат ривожланиши (А гуруҳ). Индустриализация рўй бериши учун машиналарни машиналар ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим эди. Уларнинг ёрдамида халқ-хўжалигининг барча тармоқларининг, жумладан қишлоқ хўжалигининг қайта қурилиши амалга оширилди.

Муҳандислик-географик шароитлар – инсон (муҳандислик) фаолиятига боғлиқ бирор бир жойнинг ер қобиғи юқори горизонтларининг таркиби, тузилиши ва динамикаси.

Инновация – бозор бўладими, ишлаб чиқаришми, янги ғояларнинг тадбиқ этилишини кўзда тутаяди. Инновациялар манбаси бўлиб замонавий технологиялар, дизайнерлик топилмалари ёки маълум бир кашфиёт бўлиши мумкин.

Интеграция – мамлакатлар ёки минтақалар ижтимоий-иқтисодий комплексларининг ўзаро киришиши ва бирлашиши жараёни.

Интеллектуал мулк – ижодий фаолият натижаси бўлган маҳсулотларга мулкчилик.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив тип – катта миқдордаги капитал қўйилмаларини ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишини электрлаштириш, механизациялаштириш, мелиорация ва қишлоқ хўжалиги ерларини ва чорва сонини кўпайтирмаган ҳолда бошқа тадбирлар ҳисобига таъминлашни кўзда тутаяди. Кўпроқ индустриал ривожланган мамлакатларда учрайди.

Хўжалик фаолиятини интернационализациялаш - алоҳида мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини ва ўзаро боғлиқлигини, ХИБ ларнинг миллий хўжаликка таъсирини кучайтириш.

Ахборот индустрияси – жисмоний ва юридик шахслар ўртасида коммуникацияларни таъминлайди ва ахборот ишлаб чиқаради. Бир вақтнинг ўзида инфратузилма соҳаси ҳисобланади, саноатнинг энг янги, фанга эҳтиёжи бўлган (“юқори технологиялар” тушунчаси юблан умумлашган) соҳалари мажмуи, интеллектуал меҳнат ва ўзига хос ахборот хизматлари соҳаси.

Инфратузилма (Инфратузилмали комплекс) – турли хизматларни – маҳсулот алоҳида турини ишлаб чиқарувчи хўжалик тармоқларини бирлаштиради. Хизматлар моддий (савдо-сотик, умумий овқатланиш, уй-жой –коммунал, маиший, транспорт ва алоқа) ва номоддий (таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, давлат бошқаруви, мудофаа, тартибни муҳофаза қилиш) турларга бўлинади.

Тарихий шаҳар – архитектура ёдгорликлари, миллий маданият ёдгорликлари ҳисобланган шаҳарсозлик ансамбллари ва комплекслари, шунингдек сақланиб қолган табиий ландшафтлар ва археологик ва тарихий қимматликка эга бўлган ернинг қадимги маданий қатлами мавжуд бўлган аҳоли яшаш маркази.

Кадастр (табиий ресурслар) – табиий ресурслар тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар тўплами (сони ва сифати, чиқариб олишнинг ва фойдаланишнинг табиий шароити, иқтисодий баҳоси ва ҳ.к.); Энг кўп тарқалган кадастрлар: ер кадастрлари, сув ва ўрмон ресурслари кадастрлари, шунингдек фойдали қазилмалар конлари кадастри кенг тарқалган.

Капитал қўйилмалар – пул ресурсларини уларга эгалик қилаётганлардан уларга эҳтиёжи борларга қайта тақсимлаш.

Классификация – қайсидир бир жихатдан бир хил бўлган буюмларни гуруҳларга ажратиш. Фанларни, геосферани, ландшафтни, иқлимни, рельеф компонентларини ва типларини классификациялаш мумкин, лекин умуман биронта ўхшаш хусусиятларга эга бўлмаган, масалан, арид иқлимни тоғ рельефи билан классификациялаб бўлмайди. Классификация бу, даражаси бўйича бир бўлган объектларни горизонтал тарзда ажратиш дегани.

Мустамлака – махсус режим асосида бошқариладиган, иқтисодий ва сиёсий мустақилликдан маҳрум қилинган, чет давлати(метрополия) ҳукмдорлиги остида бўлган мамлакат ёки ҳудуд.

Консерватив ҳудудлар – кўпчилик инновацияларни қабул қилмайдиган ҳудудлар.

Ишлаб чиқариш концентрацияси – бир турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг ва ишчи кучининг йирик корхоналарда жамланиши.

Ишлаб чиқаришни кооперциялаш – маълум бир маҳсулотни биргаликда ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш алоқалари шакли. Ишлаб чиқаришни кооперциялаш меҳнат тақсимотнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, тармоқ белгилари бўйича тармоқ ичи ва тармоқлараро қисмларга бўлинади. 3 та турдаги кооперциялаш мавжуд: агрегат, деталлаштирилган, технологик.

Туб аҳоли – у ёки бу ҳудудда тарихий шаклланган, ва уни кўплаб аждодлар давомийлигида эгаллаб келган, у билан мустақкам иқтисоди ва ижтимоий, маданий ва бошқа муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлган аборигенлар, этник жамолар (этнослар). Туб аҳоли юзлаб йиллар давомида шаклланади.

Круиз - транспорт воситаларидан (одатда сув тарнспорти) нафақат ташиш учун балки жойлаштириш, овқатланиш ва хизмат кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланган ҳолда уюштирилган туристик саёҳат.

Маданият – инсоният томонидан яратилган ва тўпланган моддий ва маънавий қимматликлар жамланмаси.

Маданий география – ижтимоий–иқтисодий географиянинг бир йўналиши бўлиб, маданиятларнинг фазовий фарқларини ва ҳудудий тақсимланишни ўрганади.

Маданият сиёсати – ижтимоий ривожланишнинг маданий муҳитини яратиш соҳасидаги ҳаракатларга асосланган давлат назорати меёрлари тизими.

Маданий мерос – этник гуруҳлар цивилизациясининг интеллектуал асоси ва одамларнинг бошқа тарихий умумийликлари, моддий ва маънавий маданият объектлари ва ҳодисалари жамланмаси.

Маданий ландшафт – инсон фаолияти натижасида ўзгартирилган географик ландшафт.

Курорт – табиий даволовчи воситаларга ва даволаш-профилактикада қўллаш учун зарур шароитларга эга бўлган жой.

Ландшафт – генетик турдош табиий–ҳудудий комплекс бўлиб, бир хил геологик пойдеворга рельефнинг бир типига, бир хил иқлимга эга ва фақат битта ландшафтга хос бўлган динамик бириктирилган ва қонунийят асосида такрорланиб турувчи табиий чегаралар тўплами.

Енгил саноат – кўпроқ истеъмол бозорига қаратилган тармоқлар жамланмаси (тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, пойафзал ва б.).

Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати – ўз таркибига ўрмон кесиш, тахта тилиш, ёғочни қайта ишлаш ва ўрмонкимё тармоқларини олувчи кон ва қайта ишлаш тармоқлари комплекси.

Ўрмон хўжалиги – ёғочни, ёввойи меваларни, резаворларни йиғиш ва ўрмонни тиклашни ўз ичига олувчи иқтисодиёт соҳаси.

Ўрмон ресурслари – биологик ресурсларнинг энг муҳм турларидан бири. Ўрмон майдонлари ўлчамлари (дунёда 4 млрд га) ва ёғоч захиралари (350 млрд м²) билан тавсифланади.

Кичик каботаж – кемаларнинг бир денгиз ҳавзаси портлари орасида ҳаракатланиши.

Моддий активлар – кўчар ва кўчмас мулклар, ер, бинолар, қимматбаҳо металллар, узоқ фойдаланиладиган маҳсулотлар ва б.

Машинасозлик комплекси – бир неча ўнлаб соҳаларни ўз ичига олади (автомобилсозлик, авиасозлик, аэрокосмик, электротехник, оғир ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва б.). машинасозлик дунё иқтисодиётининг илғор тармоғи ҳисобланиб, ҳам умумий фан-техника тараққиёти жадаллигини, ҳам давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминланганлигини белгилаб беради.

Машинасозлик комплекси(МК) – халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларига ускуналар, шунингдек кўплаб истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари мажмуи. МК нинг вазифаси – хўжаликни борган сари янги машиналар билан таъминлаб бориш. Унинг таркибида 70 дан ортиқ тармоқлар мавжуд : ускунасозлик, кимё, электротехник, энергетик машинасозлик, станоксозлик ва асбобсозлик саноати, йўл-қурилиш, трактор машинасозлиги ва автомобилсозлик.

Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) – миллий иқтисодиётларнинг ўзаро мослашуви, уларнинг интернационал даражадаги ягона ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиши.

Халқаро меҳнат тақсимоти(ХМТ) – ташқи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида кучларни ва ресурсларни бир жойга жамлашни, фаолиятни ихтисослаштиришни кўзда тутувчи халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) - замонавий шакли халқаро иқтисодий интеграция бўлган, халқаро меҳнат тақсимотига асосланган, турли мамлакатлар иқтисодиётлари ўртасидаги хўжалик алоқалари тизими.

Халқаро шартнома – икки ёки бир нечта давлат ёки бошқа халқаро ҳуқуқ объектлари ўртасидаги уларнинг сиёсий, иқтисодий ёки бошқа муносабатларидаги ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўрнатиш, ўзгартириш ёки тугатишга оид келишув.

Мелиорация – ерларни уларнинг ҳосилдорлигини узоқ муддатга кўтариш ёки жойни умумий соғломлаштириш мақсадида яхшилаш.

Турлари бўйича гидротехник, кимёвий, физик, биологик экологик йўналишларга ажратилади.

ХИИ механизми – ХИИ ни амлага оширилишини таъминловчи иқтисодий услублар, ташкилий чоралар ва институтлар тизими.

Мигарциялар (М) – ёки аҳолининг механик ҳаракати – аҳолининг доимий яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ кўчишилари. Миграциялар ички ва ташқи, ўз хохишига кўра ва мажбурий бўлади.

Минерал ресурслар (фойдали қазилмалар) – моддий ишлаб чиқаришда ишлатиладиган, органик ва ноорганик келиб чиқишга эга бўлган, ер қобиғининг табиий тузилмалари.

Жаҳон транспорт тизими – алоқа йўллари, таранспорт корхоналари ва транспорт воситаларининг жамланмаси.

Дунё хўжалиги – дунё мамлакатлари миллий хўжаликларининг ўзаро бутун дунё иқтисодий муносабатлари билан боғланган тарихий шаклланган мажмуи.

Дунё океани (ДО) – Ер маконининг, узлуксиз сув қатламини ҳосил қилувчи океанлар ва денгизлар сувлари билан қопланган қатлами. Дунё океани деган ном Ю.М. Шакальский томонидан таклиф этилган. ДО тузилмасига океанлар, денгизлар, қўлтиқлар ва бўғозлар киради.

Мобил алоқа(симсиз алоқа)- уяли алоқани, пейжингни, симсиз телефонни, сунъий йўлдош орқали алоқани ўз ичига олади.

Монархия – олий давлат ҳокимияти монархга(қиролга, князга, султонга, шоҳга, амирга) тегишли бўлган бошқарув шакли бўлиб, мерос орқали ўтказилади. Монархнинг ҳокимияти чекланмаганда абсолют (Бруней, Бахрайн, Қатар, БАА, Умон, Саудия Арабистони ва б.), ёки Конституция билан чекланган бўлса, конституцион монархия дейилади.

Замонамизда кўпроқ конституцион монархия тарқалган (Бельгия, Буюк Британия, Испания, Дания, Норвегия, Марокаш, Япония ва б.). Теократик монархияда монарх черков бошлиғи (Ватикан) бўлади.

Денгиз юрисдикцияси – кемачилик, денгиз чегаралари билан боғлиқ муаммоларни ўрганади ва ечади.

Денгиз транспорти – денгиз ва океанлар акваториялари бўйлаб йўловчиларни ва юкларни ташиш. Катта ва кичик кобатажларга ажралади.

Солиқ сиёсати – ҳудуднинг солиқ тизимини ва тадбиркорлик фаолиятининг солиққа тортилиш режимини тартибга солувчи солиқ тўловлари ва имтиёзларини белгилаш.

Аҳоли – ер шарида, бирор мамлакатда, вилоятда ва ҳ.к. яшовчи одамлар жами. Аҳоли сони, динамикаси, кўпайиши жадаллиги,

тарқалганлиги, миграцияси, урбанизацияси, ёши-жинси таркиби, таълим даражаси, ирқий, тил, этник ва диний таркиби билан тавсифланади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини иқтисодий фаол аҳоли, унинг касбий ва синфий таркиби, бандлиги акс эттиради. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи аҳоли зичлиги, демографик, этнографик, ижтимоий-иқтисодий ва б. хариталарда акс эттирилади.

Илмий-техник тўнтарилиш (ИТТ) – фанни жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айлантирилишига асосланган, инсоният ишлаб чиқариш кучларидаги туб сифат тўнтарилиши. ИТТ янги материалларнинг ва энергия манбаларининг кашф этилишига, янги технологияларнинг ишлаб чиқилишига, автоматлаштиришнинг ривожланишига олиб келди. ИТТ янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ва фан йўналишларининг пайдо бўлиши, фан , маданият, ахборотнинг(хўжаликнинг ноишлаб чиқариш соҳаси) аҳамияти ошиши билан кечади. ИТТнинг таркиби: фан, техника ва технологиялар ва ишлаб чиқариш.

Миллий хўжалик – маълум чегараларда тарихий шаклланган жамоавий ишлаб чиқариш тизими. Синоними – мамлакат иқтисодиёти. Ўзи билан моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларнинг мураккаб жамланмасини ифодалайди.

Миллий даромад – мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумлашган кўрсаткичи. Ялпи миллий маҳсулот(ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар умумий нархи) ва уларни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар фарқи тарзида ҳисобланади.

Миллий табиий боғ – кам ўзгартирилган табиий комплексли ва ноёб табиий ва маданий-тарихий объектларга эга бўлган, қатъий назорат остида рекреацион фойдаланишга йўл қўйилиши мумкин бўлган, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар ва акваториялар.

Миллат – иқтисодий мууносабатларнинг ривожланган тизимига эга адабий тилга, миллий ўз-ўзини аглашга, маданиятга, психологияга ва қатор бошқа, дунё давлатларининг кўпчилиги халқларини фарқловчи хусусиятларга эга бўлган, яхши ривожланган этник умумийлик.

Ноишлаб чиқариш соҳаси – моддий бойликларни яратмайдиган фаолият турлари.

Ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудуд – БМТ терминологиясига кўра, бу, халқлари ҳали ўз-ўзини бошқаришга эриша олмаган мустамлака ёки қарам ҳудудлар.

Титулга эга бўлмаган халқ – давлат таркибида ўзининг алоҳида ҳудудий-миллий тузилмаларига эга бўлмаган халқлар.

Ноанъанавий энергетика – анъанавий бўлмаган табиий энергия турларидан электр энергиясини ишлаб чиқариш (сув сатҳи ўзагишлари, ер ости иссиқлиги, шамол, қуёш ва б.).

Нефть ва нефтни қайта ишлаш саноати – нефтни чиқариб олиш, тайёрлаш (тозалаш), транспортировка қилиш ва қайта ишлаш корхоналарининг жамланмаси.

Ноосфера - жамият ва табиат ривожланишининг монанд мавжуд бўлган жараёнлари билан ифодаланувчи биосфера ривожланишининг олий шакли. Ноосфера тўғрисидаги таълимот В.И. Вернадский томонидан ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқарувчи саноат – тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳаларни (машинасозлик, енгил саноат, озиқ-овқат, шиша, чинни-сопол, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш) бирлаштиради.

Таълим – тизимлаштирилган билимлар, кўникма ва малакалар. Умумий ва махсус таълимга бўлинади.

ХИИ объектлари – халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техник хомкорлигининг ва алмашинувининг предмети ҳисобланадиган товарлар ва хизматлар, моддий-пул ва меҳнат ресурслари.

Юк ташиш ҳажмлари - вақт оралигида (одатда, бир йил) кўчирилган юклар миқдори.

Ойкумена – қуруқликнинг аҳоли яшовчи қисми. Қадимги юнонлар на шимолда ва на жанубда одамлар яшамайди деб фараз қилишган. Бугунги кунда ойкумена Антарктидадан ва бир қанча қутб оролларида ташқари бутун қуруқликни қамраб олган.

Буғучилик – Евросийёнинг ва Алясканинг тундра ҳудудларида ярим ёввойи шимол буғуларини парваришлаш.

Чўллашиш – табиий сабаблар (иқлимий, гидрологик ва б.) ва антропоген таъсирлар (ўрмонларни йўқ қилиниши, чорва молларни ортиқча ўтлатиш ва ҳ.к.) оқибатида қўшни ҳудудлар ҳисобига чўллар майдонининг кенгайиши. Одатда чўлланиш қуруқ ва иссиқ иқлимли ҳудудларда рўй беради.

Махсус қўриқланувчи табиий ҳудудлар – қонунчилик билан ўрнатилган махсус қўриқлаш режимига эга бўлган, ўта муҳим экологик функцияларни бажарувчи ер ва сув маконлари.

Хўжаликнинг тармоқ тузилиши – маълум миқдорий мослик (тармоқларнинг таркиби ва ривожланиш нисбати) ва ўзаро алоқалар билан ифодаланувчи хўжалик тармоқларининг жамланмаси.

Овчилик хўжалиги – табиий жонивор ресурсларни овлаш ва кўпайтириш.

Агроф муҳитни муҳофаза қилиш – табиий ресурсларнинг сақла- ниши ва кўпайишига йўналтирилган илмий, ҳуқуқий ва техник чо- ра-тадбирлар.

Табиатни муҳофаза қилиш – табиатдан фойдаланишни экологик асосланган ҳолда тартибга солиш, шунингдек муҳитнинг биотик ва абиотик компонентларини консервациялаш.

Агроф муҳитга таъсирни баҳолаш - қонунчиликда кўзда тутилган экологик экспертизанинг элементи ёки хўжалик ва бошқа объект- ларнинг фаолияти оқибатларини натурал тарзда баҳолаш ва нархини баҳолашнинг услубий амалиётлари мустақил жамланмаси.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар – тарихий воқеалар, жамият ва давлат ривожланиши билан боғлиқ бўлган иншоотлар, хотирали жойлар ва буюмлар, тарихий, илмий, баъдий ёки бошқа маданий қимматликка эга бўлган моддий ва маънавий маданият асарлари.

Табиат ёдгорликлари – табиий ва сунъий келиб чиқишга эга бўл- ган, ўзида ноёб, ўта қиммат маҳаллий табиий объектларни мужассам қилган махсус қўриқланувчи табиий ҳудудлар категорияси.

Ортиқча газлар – иссиқхона эффекти деб аталувчи, атмосфера ҳа- восининг температураси кўтарилишига олиб келадиган, таркибида углерод диоксида, углерод оксиди, азот ва олтингугурт оксиди, хлор- фторуглеводородлар (фреон) бўлган турли газлар.

Иссиқхона эффекти – Қуёшнинг қисқа тўлқинли нурланишлари- ни ўтказиш ва Ернинг узун тўлқинли нурланишларини ютиш қо- билияти оқибатида юзага келган, атмосфера пастки қатламларининг исиб кетиши.

Йўловчилар айланмаси – ташилган йўловчилар сонини транспор- тировка қилинган масофага кўпайтмаси; йўловчи-км ўлчов бирлиги- да ўлчанади.

Йўловчи ташишлар – вақт оралиғида (одатда, бир йил) ташилган йўловчилар сони.

Йўловчи ташиш транспорти – йўловчиларни ташишга мўлжал- ланган транспорт турлари.

Иқтисодиётнинг бирламчи соҳаси – қишлоқ ва ўрмон хўжали- ги соҳалари. Дунё иқтисодиётида бирламчи соҳа ривожланишнинг олдинги босқичларидан мерос бўлиб қолган, аммо ханузгача хўжа- ликни ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва конструкцион мате- риаллар билан таъминлашда муҳим ўрин тутаети. Бундан ташқари ўрмонларнинг улкан заминида кўп ҳолларда табиатдан фойдаланиш- нинг анаъанавий усуллари – ов, балиқ ови, шимолда- буғучилик сақланиб келмоқда.

Жамият ривожланишининг иқтисодий тарихини даврийлаштириш – жамиятнинг ҳар бир энг муҳим ривожланиш босқичларида иқтисодиётнинг илғор тармоғи вужудга келган бўлиб, келгусида у ўз атрофида ўзига хос соҳани шакллантирган. Жамиятнинг маълум бўлган “технологик” тарихини бир қатор йирик даврларга (аграргача, аграр, индустриал, постиндустриал) ажратиш мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бирига, инсон ва табиатнинг муносабатлари табиатини ва ундан ҳосил бўлган жамиятнинг ҳудудий ташкиланиши шаклланиши принциплар тарзда ўзгартирувчи, ўзининг технологик тўлқини мос келган.

Озиқ-овқат саноати – қишлоқ хўжалиги ҳом-ашёсини қайта ишловчи соҳаларни – гўшт, сут, ёғ пишлоқ ишлаб чиқариш, мева-сабзавот консерва, узум шароб, шакар, қандолат ва б. ўз таркибига олади. Ишлаб чиқаришларни жойлаштириш ва уларнинг ҳажмлари қишлоқ хўжалигининг кўламига ва ихтисослашувига боғлиқ бўлади. Тез эскирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар аҳоли зич марказларда жойлаштирилади ва уларнинг сони аниқ ҳудуднинг аҳолиси сонига мос бўлади (нон, сут, қандолат ишлаб чиқариш) .

Режалаштириш – қўйилган мақсадларга эришиш учун ресурсларни оптимал тақсимлаш; мақсадларни, вазифаларни ва келажакдаги ҳаракатларни аниқлаш билан боғлиқ фаолият.

Муҳитни ифлослантирганлик учун тўлов – табиатдан фойдаланувчи томонидан муҳитнинг ифлосланишидан одамларнинг хўжалигига ва соғлигига етказилган ижтимоий-иқтисодий зарарни пул шаклида қоплаш.

Табиий ресурслар учун тўлов – табиатдан фойдаланувчи томонидан табиий ресурсларни қидириш, сақлаш, тиклаш, чиқариб олиш ва транспортировка қилишга кетган жамоа ҳаражатларини пул шаклида қопланиши.

Ҳосилдорлик - ҳосил олиш учун тупроқнинг ўсимликни озуқа моддалари ва намлик билан таъминлаш қобилияти; табиий ва самарадор турларга бўлинади.

Йўллар зичлиги – 1000 кв км майдонда км даги узунлиги.

Аҳоли зичлиги – аҳоли сонининг ҳудуд майдонига нисбати. Одам/кв км бирликда ўлчанади.

Полиметалл рудалар – қўрғошин ва рух олиш учун, шунингдек мис, қалай, сурьма, висмут, кадмий, селен, теллур, таллий, олтин, кумуш олиш учун ишлатиладиган табиий минерал тузилмалар.

Сиёсий-маъмурий харита – ҳудуднинг сиёсий ёки сиёсий-маъмурий бўлинишини акс эттирувчи географик харита. Сиёсий-маъму-

рий хариталарнинг асосий элементлари бўлиб давлатлар, сиёсий ва маъмурий чегаралар, пойтахтлар, маъмурий марказлар, аҳоли яшаш пунктлари, йўллар хизмат қилади.

Сиёсий география – географик муҳитнинг таъсири остида жамият сиёсий ҳаётининг заминда ташкилланиши (чегаралар, сиёсий-худудий бўлиниш ва ҳ.к.) хусусиятларини ўрганувчи иқтисодий ва ижимоий географиянинг йўналиши.

Дунё сиёсий харитаси – давлатлар, пойтахтлар, йирик шаҳарлар ва ҳ.к. акс эттирилган ер шари харитаси. Кенг маънода бу ҳудудларнинг давлатга мансублиги тўғрисидаги маълумотлар жамланмаси, сиёсий географиянинг ўрганиш объекти. Дунё сиёсий харитаси – давлат тузилмаларининг географияси, давлатларни турли сиёсий-иқтисодий белгиларига кўра ҳудудларга бўлиш.

Аҳолининг жинсий таркиби (тузилмаси) – аҳолини гендер белгиларига асосан тақсимланиши.

Истеъмол инвестициялари – узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни ёки кўчмас мулкларни сотиб олиш.

Чегаравий йўл қўйиладиган концентрациялар (ЧЙК) – чекланмаган узоқ вақт давомида таъсир этиб, одамларда ҳеч қандай салбий ўзгаришларни ва касалликларни келтириб чиқармайдиган, муҳитдаги зарарли моддалар таркиби.

Шаҳар атрофи хўжаликлари (қишлоқ хўжалигининг шаҳар атрофида ихтисослашуви) – агломерацияларнинг махсус эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, максимал интенсивликка, трансзонал табиатга эга бўлган хўжалик юритиш шакли.

Минтақавийлик принципи – мазмуни шундаки, географик тадқиқот ва тарифнинг бошланғич объекти бўлиб аниқ ҳудуд (минтақа) хизмат қилади ва унга маълум бир табиий ноёб ходисалар комплекси, аҳоли ва у яратган хўжалик хос бўлади.

Табиий мерос – алоҳида репродуктив, соғломлаштирувчи, рекреацион ва эстетик қимматликка эга бўлган, шунингдек табиий-ресурс потенциали билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа фойдалиликларга эга бўлган, табиий муҳитнинг объект ва ҳодисалари жамланмаси.

Табиий-ресурс потенциали - ҳудуднинг табиий ресурслари мажмуи (минерал-ҳом-ашё, ер, ўрмон, сув, балиқ, рекреацион ва б.).

Табиий ресурслар – одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган атроф муҳит компонентлари.

Табиий шароитлар – табиий муҳитнинг муҳим хусусиятларини акс эттирувчи ҳудуднинг муҳим табиий тавсифлари (иқлим, геологик муҳит, ер сатҳи ва ер ости сувлари, тупроқлар, ўсимлик ва жонивор-

лар дунёси). Фан ва техника ривожланишининг ҳозирги босқичида табиий ресурслардан фарқли табиий шароитлардан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш имконияти мавжуд эмас, бироқ ишлаб чиқаришнинг ўзи, Ердаги ҳаёт сингари, уларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Табиий ҳудудий комплекс – географик қобикдан то фациягача бўлган турли даражадаги тизимларни вужудга келтирувчи географик компонентларнинг ёки пастроқ даражадаги компонентларнинг (ер қобиғи ўзига хос рельефга эга бўлган майдони, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқлар, организмлар туркмлари, атмосферанинг ер усти қатлами) қонуний бирлашиш.

Табиатни бошқариш – 1) инсоннинг табиий бойликларга аҳтиёжини қондириш билан боғлиқ ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси; 2) табиий бойликларни ишлатиш қонуниятларини, жумладан, табиатга антропоген таъсирларнинг таҳлили ва уларнинг инсон учун оқибатларини ўрганувчи илмий йўналиш.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш алоқалари – турли даражадаги ҳудудлар орасида ҳом-ашё, энергия, ускуналар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар, хизматлар ва ҳ.к. билан ўзаро таъминланиш. Ҳ.и.а. тармоқ ичи (пўлат ишлаб чиқариш учун чўян етказиб бериш) ва тармоқлараро (машиналар ишлаб чиқариш учун металл етказиш) бўлади.

Саноат инфратузилмаси – саноат ишлаб чиқариши корхоналарининг фаолият юритиши учун зарур бўлган тизимлар ва хизматлар мажмуи.

Саноати ривожланган мамлакатлар – катта миқдорда тўпланган илғор асосий капитал ва малакали мутахассисларга асослаган иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи мамлакатлар. Бу аҳоли жон бошига нисбатан юқори даромадга эга бўлган ва аҳолисининг катта қисми юқори турмуш даражасига эга бўлган мамлакатлар. Саноати ривожланган мамлакатларда дунёнинг 15% аҳолиси яшайди.

Саноат (индустрия) – бутун жамиятни энергия ташувчилар (ёқилғи саноати ва электр энергетика) ва конструкцион материаллар (қора ва рангли металлургия, кимё саноати ва бошқа айрим тармоқлараро комплексларга кирувчи соҳалар) билан таъминловчи базавий комплекс тармоқларини ўз ичига олади.

Саноат пункти – бир ёки ундан кўпроқ бир тармоққа қарашли корхоналар жойлашган ҳудуд (кичик шаҳарча, шаҳар типидagi манзилгоҳ).

Саноат узели – унча катта бўлмаган ҳудудда компакт жойлашган технологик ва иқтисодий боғланган ишлаб чиқаришлар гуруҳи (бир неча саноат марказлари).

Саноат маркази – бир марказда(катта шаҳар) жойлашган ўзаро боғлиқ бўлмаган турли тармоқларга тегишли ишлаб чиқаришлар (корхоналар) гуруҳи.

Бевосита экологик бошқариш – табиатдан фойдаланишни, табиатни муҳофаза қилишни ва экологик хавфсизликни бевосита, кўпроқ меъёрий қоидалар асосида бошқариш.

Конларни қидириш – ер остидаги минерал ҳом-ашё захираларини топиш ва геологик – иқтисодий баҳолаш; бошланғич ва батафсил босқичларни ўз ичига олади.

Ривожланаётган мамлакатлар – илғор мамлакатлардан ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида анча орқада қолаётган кўп сонли давлатлар гуруҳи.

Бозор иқтисодиётига эга ривожланган мамлакатлар – иқтисодиётининг кўламига ва халқаро-ҳуқуқий мақомига кўра бир қатор гуруҳларга ажралувчи 23 та мамлакат.

Аҳолининг жойлашиши – аҳолининг ҳудуд бўйлаб тарқалиши.

Ҳудудий ташкилланиш – ландшафт элементларининг (табиий ҳудудий ташкилланиш) ёки ижтимоий ишлаб чиқариш элементларининг (иқтисодий ҳудудий ташкилланиш) мустақкам фазовий бирлашишининг юзага келиш жараёни. Ҳудудий ташкилланиш – географик қобиқнинг бир ритмик эмаслигининг, унинг турли элементларининг хронологик бир хил бўлмаган интенсивликлари ўзаро таъсирлашишининг намоён бўлишидир.

Деҳқончилик – маданий ўсимликларни етиштириш ва ерга ишлов бериш билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги соҳалари жамланмаси. Бир неча агрегатив соҳаларга бўлинади: дон етиштириш хўжалиги, техник ўсимликларни етиштириш, ем-ҳашак ишлаб чиқариш, сабзавотчилик, мева етиштириш, узумчилик ва картошка етиштириш.

Минтақа – бир ҳудудни бошқа ҳудудлардан фарқловчи умумий белгиларга эга бўлган алоҳида иқтисодий-географик ҳудудни ифодаловчи, яқин жойлашган мамлакатлар гуруҳи.

Минтақавийлик – атроф-муҳит заминининг автономлигига таяниш. Бир неча шаклларга эга: иқтисодий, маданий, сиёсий ва стратегик.

Минтақавий сиёсат – бошқарувнинг ҳудудий фарқланишини келтириб чиқарувчи географик ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий муҳит омилларини ҳисобга олиш.

Минтақавий даража – минтақа ҳокимларининг ҳулқ моделини танлаши (“либерал”, ҳокимиятнинг хўжалик фаолиятига аралашмаслигини кўзда тутуди, ва “консерватив”, у ёки бу шаклда давлат назоратини сақланишини кўзда тутуди).

Натижа – миқдорий ёки сифат кўринишида ифодаланган, ҳаракат ёки ҳодисаларнинг оқибати.

Рекреацион ресурслар – одамларнинг жисмоний ва маънавий соғлигини тиклаш ва ушлаб туриш потенциалига эга бўлган, табиий ва тарихий-маданий бойликлар(минерал сувлар, доваловчи лойлар, қулай иқлим, чўмилиш учун ҳавза, ўрмонлар, эстетик қимматликка эга ландшафтлар ва ҳ.к.).

Рекреацион ресурслар – одамларнинг тўлақонли ҳордиқ чиқаришини таъминловчи ресурслар. Уларни табиий-рекреацион (шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар, қўриқхоналар, миллий боғлар, захиралар) ва табиий-тарихий (тарих, археология, архитектура, санъат ёдгорликлари: Москва Кремли, Париж яқинидаги Версаль, Римдаги Колизей, Қоҳира яқинидаги Миср фиравнлари пирамидалари ва ғ.к.).

Рекультивация – илгари номалум сабабларга кўра хўжалик айланмасидан чиқариб юборилган бузилган ерларнинг ҳосилдорлигини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар комплекси.

Ландшафтлар рекультивацияси – инсон фаолияти натижасида бузилган ландшафтларнинг яхлитлигини тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирлар. Айниқса фойдали қазилмаларни қазиб олиш жойларида кўп амалга оширилади (ташландиқ карьерларда сунъий сув ҳавзали дам олиш зоналарини яратиш, терриконларда аҳолини жойлаштириш ва ҳ.к.). Л.р. га ўрмонларни кесилган жойларда ва ёнғинда кейин тиклаш ҳам қиради.

Репатриация – четга кўчиб кетганларни авлодлар орқали қайтариш.

Республика – барча олий бошқарув органлари сайлаш орқали ёки умуммиллий вакиллик ташкилотлари томонидан шакллантириладиган бошқарув шакли.

Ресурс – бошқа тизимда ишлаб чиқариладиган ва унинг фаолият юритиши, ривожланиши, мавжуд бўлиш учун хизмат қиладиган энергия, модда, ахборот.

Ресурс билан таъминлаганлик – табиий ресурслар миқдори ва уларни ишлатиш ҳажмлари ўртасидаги нисбат. Неча йилга етиши билан ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган захиралари билан ифодаланади.

Ресурсларни тежаш технологиялари – саноат ишлаб чиқаришининг технологиялари бўлиб, уларда табиий ресурсларни тежаш чоралари кўзда тутилган, жумладан, йўл-йўлакай маҳсулотларни ушлаб қолиш ва йўқ қилиш, тозаланган сувнинг ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилиши ва ҳ.к.

Дунё океани ресурслари – уларга денгиз суви; океан туби минерал ресурслари (айниқса шельфдаги – нефть, табиий газ, қаттиқ қазилмалар); энергетик ресурслар (сув сатҳи кўтарилиши, сув ҳаракати энергияси, термозэнергия); биологик ресурслар (океан биомассаси -35 млрд. тонна).

Чиқиндиларни қайта ишлаш – саноат ишлаб чиқариш ва инсон фаолияти чиқиндиларини ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичига қайтариш, масалан, қоғоз ва картонни иккиламчи ишлаб чиқариш учун макулатура йиғиш.

Реиммиграция – кўчиб кетганларни қайтариш.

Хатар – инвестиция натижасига кўра даромад ололмаслик хавфи. Бозор иқтисодиётида исталган бошқарув қарори билан юзага келади. Уч турдаги хатарлар мавжуд: даромадни тўлиқ йўқотиш хавфи, режалаштирилган тушумни йўқотиш хавфи, ҳалокатли хатар – бор бутун мулкни йўқотиш ва банкротлик.

Туғилишлар даражаси – 1000 та кишига бир йил давомида тўғри келадиган туғилишлар сони промилледа ўлчанади.

Балиқ ови – ички ва ташқи сув ҳавзаларида балиқ овлаш ва кўпайтириш.

Бозор иқтисодиёти – бозор қонунларига асослаган хўжалик, яъни, мамлакат миқёсида ва дунё хўжалигида товарлани ва уларга эҳтиёжни таклиф этиш, қиймат қонунига(товарлар алмашинувини уларни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат ҳажмига қараб тартибга солиди) нархлар балансига асосланган бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтёжини қондириш учун ишлаб чиқариладиган натурал хўжаликдан фарқли, товарларнинг олди-сотдисиغا йўналтирилган товар хўжалиги ривожланади. Натурал хўжаликдан товар хўжалигига ўтишни акс этирувчи ҳодиса – бартер, товарни товарга алмаштириш.

Миграция сальдоси – чиқиб кетганлар ва кириб келганларнинг абсолют ва нисбий (1000 киши аҳолига) тарзда солиштирилиши.

Муҳитнинг ўзини-ўзи тозалаши - физик, кимёвий ва биологик жараёнлар таъсирида зарарли моддаларнинг табиий тарзда йўқ қилиниши.

Ўз-ўзини тартибга солиш – асосий парметрларнинг барқарорлигини ушлаб туриш ва турлар таркибини ва зотлар сонини сақлашдан иборат бўлган экотизим фаолияти тури.

Сейсмиклик – кўпинча табиий сабабларга кўра, шунингдек инсон фаолияти натижасида вужудга келадиган, ер қаърининг zilzilаларни келтириб чиқариш қобилияти.

Қишлоқ аҳолиси – қишлоқ хўжалиги функцияларини бажарувчи турар жойларда доимий равишда яшовчи аҳоли, шунингдек ўрмон хўжалигида банд аҳоли. Қишлоқда аҳоли тарқалиши асосий шакллари: гуруҳли (қишлоқ); тарқоқ (фермерлик) бўлади.

Қишлоқ хўжалиги – моддий ишлаб чиқаришнинг энг асосий тармоқларидан бири: маҳсулот олиш мақсадда маданий ўсимликларни парваришlash ва чорва молларини кўпайтириш.

Қишлоқ хўжалиги ерлари – қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонлар. Таркибига ишлов бериладиган ерлар(экин майдонлари, кўп йиллик экинлар – боғлар ва узумзорлар), ва яйлов ва ҳаймончилик ерлари киради.

Давлат ҳокимияти тузуми – қонунлар ва давлат институтлари жамланмаси.

Қўриқланадиган табиий ҳудудлар тизими – ҳудуднинг барқарор экологик ривожланишини таъминловчи, табиий мероснинг ўта муҳим вазифалари билан ҳудуднинг ўзаро боғлиқ комбинацияси.

Йирик шохли чорвачилик – чорвачиликнинг илғор тармоғи бўлиб, унда гўшт, сут, шунингдек енгил саноат ва фармокология учун ҳом-ашё етиштирилади.

Ўлим даражаси – аҳолининг 1000 киши бошига ўлимлар сони, промилледа ўлчанади.

Ижтимоий сиёсат – ташқи иқтисодий мақсадларга эришиш учун хўжалик субъектларига нисбатан талаб ва шартларнинг белгиланиши (минтақалар аҳолисни ижтимоий шароитлар билан таъминлаш, атроф муҳит ҳолатини яхшилаш ва ҳ.к.).

Ижтимоий-гуманитар тадқиқот – ижтимоий ва маданий ҳодисаларни ўрганиш, жамият ривожланиши қонуниятларини, сабабларини ва манбаларини аниқлаш.

Ижтимоий-иқтисодий география – иқтисодий, ижтимоий ва аҳоли географиясига ажратилади. И.и.г. нинг ўрганиш объектлари – аҳоли, хўжалик ва унинг тармоқлари, табиий шароитлар ва ресурслар.

Иқтисослашиш – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг у ёки бу турларининг табиий-тарихий ва иқтисодий шароитларига қараб иқтисодиёт ориентацияси.

Табиий офат – фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарувчи хавфли табиий офат.

Пойтахт – давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази.

Мамлакат – сиёсий-географик жиҳатдан бу маълум чегараларга, давлат мустаққилигидан (суверенитети) эга бўлган ёки бошқа давлат қарамлигида бўлган ва мустақилликдан маҳрум бўлган ҳудуд.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакат - марказлашган давлат иқтисодиётидан бозор иқтисодига ўтаётган собиқ социалистик мамлакатлар.

ЯИМ тузилиши - унинг бирламчи соҳага (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги), иккламчи соҳага (саноат ва қурилиш), учинчи даражали соҳага (хизмат соҳаси) бўлиниши. Айрим ҳолларда транспорт алоҳида инфратузилма блокига ажратилади.

ХИИ субъектлари – халқаро ишлаб чиқариш, илмий-техник, иқтисодий ва бошқа ҳамкорликни, шунингдек товар алмашилишни амалга оширувчи иқтисодий мустақил бўлган томонлар.

Суверен давлатлар – ташқи ва ички фаолиятда мустақиллика эга бўлган сиёсий эркин давлатлар.

Қуруқлик транспорти – унга автомобил, темир йўл, қувур, от-арава транспортлари киради.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси – унинг таркибига маҳсулотлар, энергия шаклидаги, шунингдек юкларни ташиш, маҳсулотларни сақлаш, саралаш, қадоқлаш, ўраш ва бошқа ишлаб чиқаришнинг муомала соҳасидаги давоми ҳисобланган функциялар шаклидаги моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи барча ишлаб чиқариш тармоқлари киради.

Телекоммуникациялар – XX аср бошида иқтисодиётнинг асосини ташкил қилган темир йўл ва шоссе йўллари сингари, иқтисодиётнинг замонавий инфратузилмаси (телефон, компьютер ва кабель тармоқларини улаш).

Меҳнатнинг минтақавий тақсимланиши – ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим шаклларида бири бўлиб, мамлакат ҳудудларининг табиий-тарихий фарқланиши натижасида келиб чиққан, бир саноат ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг у ёки бу тармоғига ёки бир вақтнинг ўзида бир неча тармоқларига ихтисослашувида намоён бўлади.

Минтақавий-ишлаб чиқариш комплекси – чекланган ҳудудда ишлаб чиқаришларнинг (тармоқларнинг) ўзаро боғлиқ ва ўзаро келишилган бирлашуви. МИЧК нинг иқтисодий бирдамлиги саноат корхоналарининг ва қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш – ҳудудий алоқалари, умумий бўлган табиий ва иқтисодий ресурслардан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасидан ва аҳолининг тарқалишидан ҳосил бўлади.

Давлат ҳудуди – маълум мамлакат суверенитети остидаги ер шарининг қисми. Давлат ҳудуди таркибига қуруқлик ер ости бойликлари билан, сув ҳавзалари, қуруқлик устидаги ва сувлар устидаги ҳаво бўшлиғи киради. Сув ҳудудини ички (миллий) сувлар ва ҳудудий сувлар яъни Дунё океанининг мамлакат қуруқлигига тегиб турган 12 денгиз миляси масофагача бўлган сувлар ташкил этади.

Хавфсизлик техникаси - ўқувчи ва ишчиларнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнида амалга оширадиган ҳаракатларига қўйиладиган талаблар тўплами бўлиб, улар ўқувчи ва ишчиларнинг, шунингдек уларнинг атрофидагиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун ҳавфли бўлган вазиятларнинг олдини олишга қаратилган бўлади.

Аҳолини кўпайиши типлари – туғилиш даражаси ва ўлим даражасининг фарқи. Ҳақиқатда юқори, ўрта ва паст туғилиш ва ўлим даражалари фарқига мос келадиган 9 хил комбинация учраши мумкин. Кўпайиш кенгайтирилган (туғилиш ўлимдан юқори), содда(туғилиш ва ўлим даражалари тенг) ва торайтирилган (туғилиш даражаси ўлим даражасидан паст).

Мамлакатлар типологияси – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига асосан иқтисодий ривожланган мамлакатларни ажратишади. Ушбу гуруҳда иқтисоддаги ва Дунё сиёсатидаги ўрнига қараб еттита илғор мамлакат ажратилади: АҚШ, Япония, ГФР, Италия, Франция, Буюк Британия, Канада. Иккинчи типга – ривожланаётган мамлакатлар, ўтиш даври давлатлари киради ва уларда ижтимоий-сиёсий муносабатлар жадал ўзгариб бораётган босқичда бўлади. Улар ер шарининг ярмидан кўп майдонини эгаллаб, дунё аҳолисининг 75% ни бирлаштиради.

Титул халқлар – давлат номи уларнинг номи билан аталган халқлар.

Ёқилғи саноати – Тоғ-кон саноатининг ёқилғи-энергетика ҳом-ашёсини чиқариб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари комплекси. Ўз ривожланишида Ё.С. икки босқичдан ўтди: кўмир ва нефтгаз. Бугунги кунда нефть, газ ва кўмир тармоқларидан иборат.

Ёқилғи-энергетикаси комплекси (ЁЭК) – ёқилғи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, электр энергия ишлаб чиқариш (электроэнергетика), нефть- ва газ маҳсулотларини ва электр энергиясини транспортировка қилиш соҳалари мажмуаси.

Савдо баланси – экспорт (четга маҳсулот чиқариш) ва импорт (четдан маҳсулот олиб кириш) нархларининг фарқи. Агар чиқариш олиб киришдан катта бўлса савдо баланси актив, агар аксинча бўлса – пассив ҳисобланади. С.Б. – муҳим кўрсаткич бўлиб, табиий шароитларга ва мамлакатда хўжаликнинг ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар асосан ҳом-ашё олиб киради, ишлаб чиқарилиши юқори малака талаб этувчи тайёр маҳсулот олиб чиқади. Ривожланаётган мамлакатлар истеъмол буюмлари ва машиналарни олиб кириб, одатда бир турдаги (масалан, нефть) ҳом-ашё олиб чиқади.

Анаънавий табиатни бошқариш – мустаҳкам, тарихан шаклланган ва табиатан одатий бўлган маҳаллий туб аҳолининг хўжалик фаолияти.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) – миллий чегаралари ташқарисида ўзининг шуъба корхоналарига эга бўлган йирик фирмалар.

Транспорт – табиий-хўжалик тизимлар ўртасидаги алоқаларни таъминловчи инфратузилма асоси. Транспорт тизими (ТТ) хилма-хил транспорт турларини бирлаштиради: автомобиль, темир йўл, денгиз, ички сув, қувур, ҳаво(авиацион) ва ноанъанавий.

Транспорт тармоғи- барча транспорт турлари(денгиз транспортидан ташқари) жамланмаси. Қуюқлиги, узунлиги, ўтказувчанлик қобилияти (маълум вақт оралигида ушбу йўл қисмида ўтиши мумкин бўлган юклар максимал миқдори) билан тавсифланади. Т.Т.га транспорт магистраллари – ишлаб чиқариш-ҳудудий алоқалар тизимида муҳим аҳамиятга эга асосий транспорт йўллари. Т.Т. ривожланиши даражаси бир неча турдаги(темир йўл ва шоссе йўллари учрашадиган дарё порти) транспорт йўллари кесишган жойлардаги пунктлар-транспорт боғламалари мавжудлиги билан тавсифланади.

Қувур транспорти – газ, нефть, сув, кўмир ва бошқа юкларни газ-симон, суюқ ва пульпасимон ҳолатда ташийди. Барча ер усти транспортлари орасида энг тежамкори ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари – халқ хўжалигида ишлаш учун зарур бўлган таълим даражасига, жисмоний ривожланишга ва соғлиққа эга бўлган мамлакат ёки минтақа аҳолисининг қисми.

Туризм – фуқароларнинг соғломлаштириш, ўрганиш, касбий-ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда вақтинчалик келган мамлакатда тўланмайдиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, вақтинчалик чиқиши(саёҳати).

Сайёҳ – вақтинчаликка борган мамлакатга соғломлаштириш, ўрганиш, касбий-ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда қаторасига 24 соатдан 6 ойгача муддатда ёки камида бир марта тунаш шarti билан ташриф буюрган фуқаро.

Туристик фаолият – саёҳатларни ташкиллаштириш бўйича фаолият.

Туристик индустрия – меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, ўйин-кулги воситалари, ўрганиш, ишбилармонлик, соғломлаштириш, спорт ва бошқа мақсадлардаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек экскурсион ва гидлар хизматларини бажарувчи ташкилотлар мажмуаси.

Туристтик реурслар – сайёҳларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлган, жисмоний кучларини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган, туристик намойиш объектларини ўз ичига олувчи табиий-иқлимий, тарихий ва ижтимоий объектлар.

Туристтик комплекс – маълум ҳудудда туристик ресурслар ва туризм индустриясининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро келишилган бирлашмаси.

Кўмир саноати – кўмирни қазиб чиқариш ва бойитиш билан шуғулланади, кўмирни ер ости (шахта) ва очик (разрез) қазиб чиқариш, бойитиш ва ярим тайёр маҳсулотларни(кўмир брикетлар) ишлаб чиқариш корхоналарини бирлаштиради.

Унитар давлат – маъмурий-ҳудудий тузилма шакли бўлиб, бундай мамлакатда ягона қонунчилик ва ижро ҳокимияти мавжуд бўлади.

Урбанизация – шаҳарлар ўсиши ва шаҳар аҳоли сонининг улуши ортиши, шунингдек анча мураккаблашиб борадиган шаҳарлар тизимининг пайдо бўлиши жараёни. Урбанизация: 1-шаҳар аҳолисининг тез ўсиши; 2- аҳолининг ва хўжаликнинг катта шаҳарларда канцентрациялашуви; 3- шаҳарларнинг кенгайиши, уларнинг майдонлари ўсиши. Замоनावий урбанизация учун шаҳардан шаҳарлар агломерциясига – шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларининг ҳудудий гуруҳлашишига, ва мегаполисларга – шаҳар агломерациялари ўзаро бирлашиши натижасида вужудга келадиган жуда катта яшаш манзилгоҳларига ўтиш хосдир.

Барқарор ривожланиш – сайёраамизнинг экологик имкониятлари доирасидаги иқтисодий ривожланиш, яъни атроф муҳит учун ҳавфсиз ривожланиш, “келгуси авлодларни хатарга дучор қилмаган ҳолда ҳозиргиларнинг эҳтиёжларини қондириш”(Брунтланд комиссияси тарифи).

Иқлим шаклланиши омиллари – иқлимни шакллантирувчи жараёнларнинг ўзига хослигини ва тезлигини белгиловчи географик шароитлар. Уларга: қуёш радиацияси, остида ётган юза (иқлимларнинг океаник ва қитъавий типлари; ғарбий ва шарқий қирғоқларнинг), оқимлар, рельеф, инсон фаолияти киради.

Федератив давлат – маъмурий-ҳудудий ташкилланишнинг шакли бўлиб, унда ягона (федератив) қонунлар ва ҳокимият органлари билан бир қаторда, алоҳида ҳудудий бирликлар (республикалар, провинциялар, ерлар, штатлар ва б.) мавжуд бўлади ва ўзининг қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимияти органларига эга бўлади.

Кимё саноати – замонавий оғир саноатнинг энг динамик тармоқларидан бири(тоғ-кимё, асосий кимё, минерал ўғитлар, полимер материаллар, синтетик бўёқлар ва б.).

Рангли металлургия - оғир саноатнинг тармоғи бўлиб, рангли металллардан берилган хусусиятларга эга сифатли конструкцион материаллар ва қотишмаларни ишлаб чиқаради.

ГО нинг яхлитлиги

Қора металлургия – оғир саноат тармоғи, машинасозлик ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши асоси (базаси). Қора (темир) металллар ва ишлов берилган металллар ишлаб чиқарилишини ўз ичига олади.

Шельф – қитъа ва оролларнинг саёз (одатда 200 м гача) бўлган сув остидаги четки чегаралари, асосан текис сиртга эга ва бир мунча қияликлари мавжуд бўлиб, қитъа типидagi қобиққа эга.

Экологик сиёсат – қонуности хужжатлари тизими билан бирга табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги ва уларга асосланган мақсадга йўналтирилган давлат фаолияти.

Экологик тизим (экотизим) – жонли организмлар ва уларнинг яшаш муҳити томонидан яратилган бир бутун табиий комплекс бўлиб, унда жонли ва суяк компонентлари моддалар ва энергия алмашинуви билан ўзаро боғлиқ.

Экологик вазият – ифлосланиш ва бошқа антропоген омиллар таъсирида шаклланадиган вақт оралигида ва фазода ўзгарувчи атроф муҳит ҳолати.

Экологик барқарорлик – қандайдир табиий ёки антропоген таъсирлардан сўнг экотизимнинг бошланғич ёки унга яқин бўлган ҳолатини тиклаш қобилияти бўлиб, унинг бошланғич параметрларидан чекинишида намоён бўлади.

Экологик экспертиза – экологик хатар билан боғлиқ хўжалик ва бошқа фаолиятни, уларнинг экологик хавфсизлик ва табиатдан рационал фойдаланиш талабларига мослигига нисбатан комплекс баҳолаш.

Экологик хатар – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ёки бошқа самарага эришиш мақсадида табиий муҳитга ва (ёки) инсоннинг ўзига зарар етказилишини одиндан кўриш мумкин бўлган эҳтимоли.

Экологик-иқтисодий зарар – экологик хатарнинг келиб чиқиши омилларидан аҳолининг ва халқ хўжалигининг кўрган ёки кўриши мумкин бўлган зарарларининг қиймат шаклида ифодаланиши.

Иқтисодийёт – зарур бўлган ҳаётий бойликларни яратиш ва фойдаланиш йўли билан одамларнинг ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондирилишини таъминловчи хўжалик тизими.

Иқтисодий-географик ўрин – объектнинг ҳудуддаги, унинг иқтисодий ривожланишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи объектларга нисбатан ўрни.

Иқтисодий география – ривожланиш ва бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкилланишини, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви ва ривожланишини, жойлашиш омилларини(иқтисодий-географик ўрни, табиий шароитлари ва табиий ресурслари, меҳнат ресурслари ва ҳ.к.) ўрганувчи ижтимоий-иқтисодий географиянинг йўналиши.

Иқтисодий самарадорлик(ишлаб чиқариш самарадорлиги) – ишлаб чиқариш жараёнининг фойдали натижаси ва харажатлари фарқи.

Иқтисодий инвестициялар – ишлаб чиқариш активларини харид қилиш. Бу турдаги инвестицияларда “нормал” хатар шароитида даромад олиш учун ҳақиқий ишлаб чиқариш қуватлари яратилади ва ишчи кучлари ёлланади.

Иқтисодий ҳудуд – табиий ва иқтисодий шароитлар комплексига эга бўлган мамлакат ёки минтақанинг, шаклланган ёки шакллантирилаётган хўжалик ихтисослашувиغا, ички хўжалик алоқаларига эга бўлган бир бутун қисми.

Экстенсив хўжалик – янги қурилишлар, янги ерларни ва табиий ресурсларни фойдаланишга жалб қилиш, ишчилар сонини кўпайтириш ҳисобига ривожланаётган хўжалик. Иқтисодиётининг бошланғич босқичларида самарадор, бироқ табиий ва меҳнат ресурсларининг йўқолишига олиб келади.

Фан-техника даражасининг ўсиши билан, илмий-техник тараққиётга, кўшимча табиий ресурсларни жалб қилмаган ва ишчилар сонини оширмаган ҳолда юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга асосланган интенсив хўжаликка ўрнини бўшатмоқда.

Электрэнергетикаси – электр энергиясини ишлаб чиқариш, уза-тиш ва тақсимлаш корхоналарининг мажмуи.

Энергетик ресурслар – хўжаликда фойдаланиш мумкин бўлган табиатдаги энергия захиралари. Энергия ресурсларига турли хилдаги ёқилғилар (тош ва қўнғир кўмир, нефть, ёқилғи газлар ва сланецлар), оқиб тушаётган сув, денгиз сатҳи кўтарилишлари, шамол, қуёш, атом энергияси киради.

Тадқиқот босқичлари – тадқиқот ўтказишнинг кетма-кет босқичлари.

Этнография – социология, психология, сиёсатшунослик, аҳоли статистикаси, демография каби тарихий фанлар билан бирлашиш нуқтасида ривожланмоқда. Турли этник гуруҳлар вакиллари жамланмаси сифатида инсониятнинг географик жойлашувини ва ҳудудий ташкилланишини ўрганади.

Оқулық басылым Учебное издание

**Руслан Адилханович Каратабанов
Гульжамал Альжановна Қуанышева
Жанар Рахматуловна Байметова
Кульчихан Мухитовна Джаналеева**

ГЕОГРАФИЯ ГЕОГРАФИЯ

2-БӨЛІМ ЧАСТЬ 2

**Жалпы білім беретін мектептің
8-сынып оқушыларына арналған оқулық**

**Учебник для учащихся 8 класса
общеобразовательной школы**

Әдіскер О.С. Дзержинская

Методист О.С. Дзержинская

Редакторы Л.А. Туманова

Редактор Л.А. Туманова

Корректоры З.Т. Рахимбаева

Корректор З.Т. Рахимбаева

Көркемдеуші редакторы Т.В. Толыбекова

Художественный редактор Т.В. Толыбекова

Дизайнері Е.С. Жузбаев

Дизайнер Е.С. Жузбаев

Компьютерде беттеген А.Қ. Әбдіқайымова

Компьютерная верстка А.К. Абдиқайымовой

Басуға 24.04.2018 ж. қол қойылды.

Подписано в печать 24.04.2018 г.

Пішімі 70x100 ¹/₁₆. Офсеттік басылым.

Формат 70x100 ¹/₁₆. Печать офсетная.

Әріп түрі «DS SchoolBook». Офсеттік қағаз.

Гарнитура «DS SchoolBook». Бумага офсетная.

Тапсырыс № 1796.

Заказ № 1796

**Қазақстан Республикасы,
«Алматыкітап баспасы» ЖШС,
050012, Алматы қаласы, Жамбыл көшесі, 111-үй,
тел. (727) 250 29 58, факс: (727) 292 81 10.
e-mail: alkitap@intelsoft.kz
www.almatykitap.kz**

**Республика Казахстан,
ТОО «Алматыкітап баспасы»
050012, г. Алматы, ул. Жамбыла, 111,
тел. (727) 250 29 58; факс: (727) 292 81 10.
e-mail: alkitap@intelsoft.kz
www.almatykitap.kz**



**Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: Zhazushi@mail.ru**